Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 22-oktabr, chorshanba | № 85 (7590)

Da'vat

Qalam — eng yaxshi muallim, qalamdan chiqqan nutq hozirgina o'ylanganidan ko'ra yaxshiroqdir.

SITSERON

Ibrat

Vobkent tumanidagi Gavstobon qishlog'ida ikki million so'm mablag' evaziga yangi sport shaharchasi bunyod etildi. Ayni paytda bu maskanda 350 nafar qishloq yoshlari sportning ko'plab turlari bilan shug'ullanishmoqda.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИ?

Умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларни ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб вояга етказишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун таълимда барча шарт-шароитларни яратиш ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини Давлат таълим стандартларига мос келишининг гаровидир. Шу маънода айтиш мумкинки, яқинлашиб келаётган қиш қировли кунларга ўқувчиларимиз билим оладиган таълим муассасалари биноларини тайёр ҳолатга келтирилдими, деган савол барчани қизиқтиради. Дарҳақиқат кўмир ёки суюқ ёқилғи жамғарилмаган, қозонхона ва иситиш тармоқлари капитал таъмирдан чиқмаган, синган ойналари алмаштирилмасдан ётган, томидан чакки ўтадиган мактаблар билан қиш мавсумига кириб бориб бўлмайди. Яқинда Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида айнан шу масала, яъни таълим муассасалари биноларини 2003-2004 йил куз-қиш мавсумига тайёрлашнинг аҳволи ҳақида масала яна бир бора муҳокама этилди.

Яна бир бора дейишимиз бежиз эмас. Зеро, бу масала вазирликнинг доимий диққат эътиборида бўлиб, қабул қилинаётган буйруқларда, вазир ҳузурида бўлиб ўтаётган ишлаб чиқариш мажлисларида, ҳатто ҳайъат мажлисларида ҳам бир неча маротаба тўхталиб келинмоқда. Жумладан шу йилнинг 24 июнида вазирликнинг 102-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, унда таълим объектларини янги 2003-2004 ўқув йилига ҳамда, куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича тадбирлар белгиланган ҳамда ижро учун жойларга юборилган. Ушбу жараёнларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни таъминлаш мақсадида Вазирликнинг марказий штаби тузилган.

Мазкур штабнинг иш режаси доирасида вазирликнинг масъул ходимлари жорий йилнинг август ҳамда сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда хизмат сафарида бўлиб таълим муассасаларини янги 2003-2004 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиб, таҳлил этдилар. Шу билан бирга, тайёргарлик жараёнида вужудга келаётган муаммоларни жойлардаги таълим бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўрдилар.

Шунингдек, ушбу масала Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирокида вазирликнинг июнь, июль, август ва сентябрь ойларида бўлиб ўтган ишлаб чиқариш йиғилишларида ва ҳайъат йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, тайёргарлик жараёнида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди, таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича жойлардаги таълимни бошқарув органлари биринчи раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари уқтирилди.

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга пухта тайёрлаш, уларни мазкур ишларга қизиқтириш мақсадида вазирлик томонидан 2003 йилнинг 14 июлида «Таълим муассасаларини янги 2003-2004 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича туманлараро Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги 116-сонли буйруқ қабул қилинди. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар вазирликнинг эксперт гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловни ўтказиш бўйича Низом ва 17 банддан иборат танлов шартлари асосида аҳвол ўрганилиб, таҳлил этилди. Вазирлик раҳбарияти томонидан ушбу хулосалар атрофлича таҳлил этилиб, Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани, Жиззах вилояти Дўстлик тумани ва Навоий вилояти Зарафшон шаҳри халқ таълими бўлимлари ғолиб деб топилди, уларга ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида вазирликнинг совринлари топширилди.

(Давоми 2-бетда)

Hay'at yig'ilishida

ҚУРИЛИШ БИТДИ, ЖИҲОЗЛАШ ҚОЛДИ

Фарғона вилояти Риштон туманида 320-ўринли 45-мактаб биноси янги ўқув йилида фойдаланишга топширилган эди. Мактаб қурилиши учун 156 млн. сўм сарфланди.

Мактабни жиҳозлаш учун вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси томонидан 126 млн. сўм ажратилиши керак эди, лекин ҳозиргача 5 млн. сўмлик жиҳозлар олиб келинди, агар қолган маблағ ҳам ажратилса мактаб мебель ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланади дейди, вилоят ХТБ бош муҳандиси Музаффархон Аҳроров. Албатта, Фарғона вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси бош қўшиб, қолган маблағни ҳам ажратишади, деган умиддамиз.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

ХОРИЖЛИКЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА БАҲСЛАШИШДИ

Yangilik

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Ўтган йиллар мобайнида ўзбек тилининг ривожи, равнақи, унинг кечаси, бугуни ва эртаси учун юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Ўзбек тили, энг аввало, расмий, миллий ва давлат тили вазифасини ўтай бошлади. Ушбу сананинг 14 йиллиги муносабати билан олий ўқув юртларида, ташкилот ва муассасаларда турли тадбирлар, анжуманлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети тил ўргатиш маркази жамоаси эса янгича ташаббус билан чиқдилар. Яъни, хорижий мутахассислар иштирокида "Ўзбек тилини ўрганамиз" мавзусида биринчи маротаба танлов ташкил қилинди. Марказда бошқа миллат вакиллари учун ўзбек тилини ўргатиш борасида махсус кафедра ҳам очилган эди. Ҳозирда ўзбек тилини ўргатишга қаратилган дарсликлар ва қўлланмалар нашр этилмоқда. Шулардан бири университет қошидаги тил ўқитиш маркази, тиллар кафедраси ўқитувчилари томонидан нашр этилган "Марҳамат" номли ўзбек тили дарслигидир.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижликларнинг кўпчилиги ўзбек тилини ўрганаётир ва унда мулоқот қилмоқдалар. Юқоридаги фикрларнинг хулосаси сифатида эълон қилинган танловда хорижий элчихона вакиллари, Марказий Осиёга бегараз ёрдам (МОБЁ) коорпорацияси, "Mersi Projekt" ташкилоти, "Эвергии" халқаро мактаби, "Глобал" ташкилоти ходимлари ҳам иштирок этдилар. Тадбирни тил ўргатиш маркази директори Аббос Ирисқулов бошқариб борди. Унда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котибаси Лиса Харибаргер, халқаро МОБЁ коорпорацияси Тошкент шаҳар бўлими директори Кэн Кросслар сўзга чиқдилар. Танловда Ўзбекистонда фаолият юритаётган АҚШ, Канада, Коста-Рика каби қатор давлатлардан мутахассислар иштирок этиб, танлов саволларига жавоб бердилар. Биринчи босқичда ўзбек тили грамматикаси ва лексикаси бўйича ёзма тест синовларидан ўтган бўлсалар, иккинчи босқичда ўзлари, ўз юртлари ва Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини ўзбек тилида баён қилдилар. Хорижлик мутахассислар ўзбек урф-одатлари, анъаналари, олимлари, шоир ва ёзувчилари ҳақида фикр алмашдилар. Ҳакамлар ҳайъати эътирофига кўра биринчи ўринни эгаллаган Жей Мак Колум, иккинчи ўрин совриндори Гари Дик ҳамда учинчи ўрин ғолиблари Моника ва Жеффири Смитлар диплом ва мукофотлар билан, бошқа қатнашчилар ўзбек ҳунармандлари тайёрлаган кулолчилик буюмлари билан тақдирландилар. Биз эса мутлоқ ғолиб Жей Мак Колумни суҳбатга тортдик. "Мен беш йилдан буён оилам билан Тошкентда яшаяпман, — дея дона-дона қилиб ўзбек тилида сўзлай бошлади америкалик шифокор, — ўзбек тилини ўрганиш мақсадида бозорларга чиқдим. Кўчада ҳам жонли тилда сўзлашишга ҳаракат қилдим. Ҳозирда "Меҳржон" лойиҳаси асосида ногирон, кўзи ожиз болалар билан ишлаяпман".

Танлов сўнгидаги ўзбекона куй-қўшиқлар, миллий рақсларнинг ижро этилиши тадбирга янада файз киритди.

Азиз НОРҚУЛОВ, "Ma'rifat" мухбири

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БУХОРОДА ТУРИБ ФРАНЦИЯДА ЎҚИЙСИЗ — 2-бет

«ҚИЛИЧТЕК ТИЛ БИЛА ТУТТУМ ЖАҲОННИ» — 3-бет

ЛАЗЗАТЛАР ИЧИДА ЭНГ ШИРИНИ — СУҲБАТ — 4-бет

БОҒЧА ВА МАКТАБ — УЛАР ЎРТАСИДА «ХИТОЙ ДЕВОРИ» БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК — 4-бет

ТОШБАҒИР ОНА — У ЎГАЙ ЎҒЛИНИНГ ЎЛИМИГА САБАБЧИ БЎЛДИ — 6-бет

АЛЬФРЕД НОБЕЛЬ ЮРТИДА — 7-бет

«BILIM MASKANI» CHAYNVORDI — 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

«XAMELEON» BUXORODA

Germaniyaning mashhur soyalar teatri ana shunday - «Xameleon» deb ataladi. Yaqinda «Xameleon»ning bosh rejissyori Yurgen Saxmann O'zbekiston davlat jahon tillari universitetining bir guruh talabalari ishtirokida «soyali teatr»ning o'zbekona shaklini yaratdi. «Xameleon»ning bu tomoshasi buxorolik tomoshabinlarga manzur bo'ldi. Teatr jamoasi Marg'ilon shahriga yo'l oldi.

XALQARO SAYYOHLIK YARMARKASI BOSHLANDI

Poytaxtimizdagi «O'zekspomarkaz»da TITF-2003 9-Toshkent xalqaro sayyohlik yarmarkasi ochildi. An'anaga aylangan TITF—2003 yillik xalqaro sayyohlik yarmarkasida Kipr, Misr, Tailand, Chexiya, Slovakiya, Ukraina Hindiston, Birlashgan Arab Amirliklari kabi sayyohlik sohasi taraqqiy etgan mamlakatlarning qator sayyohlik firma va kompaniyalari, sog'lomlashtirish markazlari o'zlarining mazkur sohada erishgan yutuqlarini namoyish etayotir.

QURILISH SANOATI YUKSALISHDA

«Interkontinental» mehmonxonasida «Sement sanoati va bozor» mavzuidagi uchinchi xalqaro Markaziy Osiyo konferentsiyasi boshlandi. Unda Avstriya, Buyuk Britaniya, Germaniya, Fransiya, Mo'g'uliston, Turkiya, Chexiya, Slovakiya, Daniya, Hindiston, Yaponiya kabi yigirmadan ortiq davlatdan 120 ga yaqin korxona vakillari ishtirok etmoqda.

(Давоми 2-бетда)

Obuna — 2004

ОБУНАГА ҲАМ ҲОМИЙЛИК КЎРСАТИШ МУМКИН

Ҳозир матбуотда обуна мавсуми кетмоқда. Кимдир ўзининг эҳтиёжига кўра 4-5 турли газета-журналларга обуна бўлса, баъзилар севимли бирорта нашрига обуна бўлади.

Халқимиз қадимдан маърифатпарвар, саҳоватпеша халқ. Бугунга қадар ҳам бу ўлмас анъана давом этиб келмоқда. Яъни кўпгина ишбилармон тадбиркорлар ўз ҳиммати билан маърифат истовчиларнинг турли газета-журналларга обуна бўлишларига ҳомийлик кўрсатиб келмоқдалар. Баъзида айнан шу хусусда кўпгина фермер ёки тадбиркорлар таҳририятларга мурожаат қилиб:" Биз мактаб жамоасини ёки фаол ўқитувчиларни ҳомийлик асосида газетангизга обуна қилмоқчимиз, лекин афсуски қўлимизда нақд пулимиз йўқ. Банкдаги ҳисоб рақамимиздан пул ўтказиш йўли билан ҳам обунани амалга оширса бўладими", дея сўраб қолишади. Бу каби саволларга "Матбуот тарқатувчи" очиқ акциядорлик компанияси бош директори Рустам Қосимов қуйидагича жавоб берди:

— Албатта, халқимиз турмуш тарзини матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли одамлар ҳам газета-журналларга мунтазам обуна бўлиб боришади. Обуна жараёнида юқоридаги саволлар ҳам туғилиши табиий. Маърифат уруғини сочишда ўз кучини, маблағини аямайдиган ишбилармон тадбиркорлар қуйидаги масалада, яъни нақд пулсиз қонунга биноан жойлардаги матбуот тарқатувчи жамиятларнинг ёки почта алоқаси бўлимига (тарқатувчиларга) бориб шартнома тузган ҳолда буюртмани ва абонементни тўлдиради ва у ердан олинган счёт-фактура асосида тадбиркор ёки фермер ўзининг банкдаги ҳисоб рақамидан пулни тарқатувчилар ҳисоб рақамига ўтказиши мумкин".

ДАФТАРИНГИЗДА КИМНИНГ РАСМИ БОР?

"Маърифат" газетасининг ўтган сонлари (15 октябрь 2003 йил)дан бирида, "Дафтар юзи афишалар тахтасими?" (муаллиф Ойбуви Очилова) номли мақола эълон қилинган эди. Шундан сўнг Ўзбекистон телеканалида «Маънавият» студиясининг «Кун меҳмони» кўрсатуви (19 октябрь 2003 йил) ҳам шу мавзуга мурожаат қилди. Мавзунинг мантиқий давоми сифатида қуйидаги хатни ҳукмингизга ҳавола этяпмиз.

Aks-sado

Бир вақтлар биз мактабда ўқиб юрган кезларимизда дафтаримиз юзида шоир Ғафур Ғуломнинг жилмайиб турган сурати остига тўрт мисра шеър ёзилган бўларди. Биз ҳар гал дафтаримизни қўлимизга олар эканмиз, кўзимиз ўша қадрдон сатрларга тушар ва ўзимиз билмаган ҳолда шеърни ёд олиб улгурардик.

Нега олис болалик ва дафтар юзидаги расмлар билан гапимни бошладим?

Бугун негадир дафтарларимиз юзида улуғ алломаларимиз сурати ўрнига беҳаё ки-йинган чет эл юлдузлари, "жингалаксоч" аёллар, шармсиз эркаклар сурати пайдо бўлган. Худди шундай дафтарлардаги суратларни бир вақтлар Москвадан келтириладиган журналларда учратишимиз мумкин эди. Бу журналлар эса маълум ёшдагиларга мўлжалланганди.

Бугун эса улар очиқдан-очиқ айнан журналларда эмас, илму маърифат истовчиларнинг дафтарлари юзида пайдо бўлган.

Чет элда ишлаб чиқарилган дафтарларни қўя турайлик. Ўзимизда-чи, ўзимизда нега шундай?

Ҳозирда ёшларнинг эстрадамиз юлдузлари, чет эл телесериалларига қизиқишларини "ҳисобга олиб" ўз маҳсулотининг бозори чаққон ва харидоргир бўлишини ўйлаганлар нима учун масаланинг тарбиявий томонига эътибор қаратмаяптилар?

Шу мавзуни кенгроқ ўрганиш мақсадида атрофдаги савдо расталаридаги дафтарларни кўздан кечириб чиқдим. Дафтарларнинг юзидаги расмлар юқорида таърифланган ҳолатлардан мустасно эмасди.

Нарх сўраш баҳонасида дафтарларни қўлга олар эканман, уларнинг ҳар бирида бошқасида такрорланмайдиган ҳолатларга гувоҳ бўлдим. Уларнинг ичида, айниқса Туркияда ишлаб чиқарилган 40 варақли умумий дафтарда

(Давоми 2-бетда)

Biz o'nlab fanlar taraqqiyotiga beqiyos hissa qo'shgan buyuk Ibn Sino tug'ilgan yurt universiteti bilan o'zaro aloqalarni yo'lga qo'yishni sharaf, deb bilamiz.

Dars vaqtida o'quvchilarning fikri-zikri faqat daftar yuzidagi "yulduz"larda bo'lib qolyapti. Yanayam to'g'rirog'i esa to'polonchi bolalarga bu daftarlar yaxshigina ovunchoqqa aylandi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

SHOLI O'RIMI AVJIDA

Ayni kunlarda mamlakatimiz dalalarida paxta yig'im-terimi bilan birga sholi o'rimi ham qizg'in davom etmoqda. Bu yil qariyb to'qson ming gektar maydonda sholi yetishtirildi. Qishloq va suv xo'jaligi vazirligidan olingan ma'lumotlarga qaraganda, dehqonlarimiz 20 oktyabrgacha uygan sholi xirmoni 63 ming tonnadan ortdi. Bu o'tgan yilning shu davridagiga nisbatan qariyb 15 ming tonna ko'p demakdir. O'rimga jalb etilgan uch yuzdan ziyod kombayn ko'magida kuniga yillik rejaning to'rt foizidan ko'proq hosil saranjomlab olinmoqda.

QO'SHMA KORXONA

Konimex tumanidagi «Saribel» qorako'lchilik shirkat xo'jaligida sakson mingdan ortiq qo'y-qo'zi, tuya va yilqi boqiladi. Har yili yuz ming donaga yaqin qorako'l teri, yetmish tonnagacha jun olinadi. Xo'jalikning Yangiqozg'on ovulida xorijlik ishbilarmonlar bilan hamkorlikda «Saribel-Diamet» qo'shma korxonasi tashkil etilib, zamonaviy texnologiya va asbob-uskunalar o'rnatildi. Endilikda qorako'l teri shu yerning o'zida qayta ishlanmoqda.

YANGI KORXONA ISH BOSHLADI

Toshkent tumanidagi Toshkent shirkat xo'jaligida kichik korxona ish boshladi. Bu erda bir kunda yuz tonnaga yaqin qishloq xo'jalik mahsuloti qayta ishlanadi. Tuman bog'dorchilik va poliz mahsulotlari etishtirishga ixtisoslashgan. Shu bois bunday korxonaga ehtiyoj katta. Korxonada tayyorlanayotgan meva sharbatlari, murabbo va tomat pastasi maxsus idishlarga qadoqlanib, Rossiya va Qozog'istonga eksport qilinmoqda. Korxonaning ishga tushishi o'n ikki nafar yigit-qizni ish bilan ta'minlash imkonini berdi.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо олиб борилаётган шунча саъй ҳаракатларга қарамай таълим муассасалари биноларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида бир қатор камчиликларга йўл қўйиб келинаётганлиги ҳайъат мажлисида таъкидланди. Хусусан, вазирликнинг 2003 йил 24 июндаги 102-сонли буйруғига мувофиқ таълим муассасаларини 2003-2004 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари 1 октябрга қадар якунланиши белгиланганлигига қарамай, 15 октябрь ҳолатига умумтаълим мактабларини капитал таъмирлаш Сирдарё вилоятида 83 фоизни, Тошкент вилоятида 91 фоизни, болалар боғчаларини таъмирлаш ишлари 92 ва 80 фоизни, қозонхоналарни капитал таъмирлаш режаси эса Қорақалпоғистон Республикасида 83 фоизни, Тошкент вилоятида 87 фоизни, Самарқанд вилоятида 96 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, кўмир ва печ ёқилғиси билан таъминлаш ишлари ҳам айрим вилоятларда етарли даражада ташкил этилмаган. Масалан, кўмир жамғариш бўйича режа Қорақалпоғистон Республикасида 62 фоизни, Сирдарё вилоятида 66 фоизни, Тошкент вилоятида 71 фоизни ва Самарқанд вилоятида 77 фоизни ташкил этган. Боз устига юқорида номлари тилга олинган Сирдарё, Тошкент вилоятларида кўмир жамғариш бўйича кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан орқага кетган.

Натижада юқорида номлари тилга олинган вилоятларнинг таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича бюджетдан ажратилиши режалаштирилган маблағлар доирасида капитал таъмирлаш, кўмир жамғариш режаларининг бажарилмаганлиги сабабли республика бўйича ўртача кўрсаткич паст бўлган. Бу муаммонинг ўз вақтида ечимини топиш ва ажратилган бюджет маблағларининг тўлиқ ўзлаштирилишини тезлаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги мазкур вилоятлар ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига хат билан мурожаат қилди.

Йиғилишда таъкидланишича, жорий йилнинг 15 октябрига қадар Республика бўйича капитал таъмирлаш, йиллик режага нисбатан умумий ўрта таълим мактаблари бўйича 98 фоизга, мактабгача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва мактаб интернатлари бўйича 97 фоизга бажарилган холос. Шу билан бир қаторда иситиш қозонхоналарини капитал таъмирлаш 92 фоизни, томларни капитал таъмирлаш 94 фоизни ташкил этган. Синган ойналарни алмаштириш (97%), таълим муассасалари иситиш тармоқларини юқори босим остида тозалаш (94%) ишлари ҳам тўлиқ эмас. Энг ачинарлиси бугунги кунда республика бўйича жамғарилган кўмир эндигина 82 фоизга, печ ёқилғиси эса 45 фоизга етган.

Боз устига, вазирлик ходимлари сентябрь ойида жойларда хизмат сафарида бўлганларида айрим таълим муассасаларига стандарт талабларига жавоб бермайдиган 70-80 фоиз майда кукундан иборат кўмир етказиб берилган ҳолатлар аниқланган.

2003 йилнинг июль ва август ойининг биринчи ўн кунлигида «Ўзбеккўмир» ҳиссадорлик жамияти томонидан ортилган кўмир ёқилғисининг сифати жуда ҳам паст бўлган. Масалан, шу йилнинг 18 май куни Сирдарё вилояти Боёвут тумани халқ таълими бўлимига келтирилган тўрт вагон 276 т. кўмирнинг икки вагони сифатсиз, кўмир кукунидан иборат бўлганлиги сабабли қабул қилинмаган. Шунингдек, жорий йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Конимех, Навоий, Навбаҳор, Учқудуқ, Нурота ва Хатирчи туманларига келтирилган тўққиз вагон — 621 тонна кўмирнинг 80-90 фоизи майда бўлганлиги сабабли қабул қилинмаган. Бу ҳақда ВХТБ бошлиғи Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиевга ўзининг 2003 йил 11 августдаги 01-847-сонли хат билан мурожаат қилган. Худди шундай аҳвол Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мавжуд, Беруний тумани халқ таълими муассасалари учун Эллиққалъа станциясига келтирилган 3 вагон — 207 тонна кўмир майда, сифатсиз бўлганлиги сабабли қабул қилинмаган. Чунки ушбу туман мактаблари иситиш қозонлари кичик ҳажмдаги маиший қозонлардан ҳамда контирамарка печкаларидан иборатдир.

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Пскент туманлари таълим муассасалари учун Чиғириқ станциясига июль ойида келтирилган 3 вагон — 207 тонна кўмирнинг ярмидан ортиғи кукундан иборат бўлиб, ишлатилишга яроқсиздир. Қашқадарё вилояти Чироқчи, Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Шаҳрисабз туманлари таълим муассасаларига июль ойида келтирилган кўмирнинг учдан бир қисми сифатсиз бўлиб майда кукундан иборат бўлган.

Вазирликда бўлиб ўтган йиғилишларда такрор ва такрор таъкидланиб, бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай юқорида айтиб ўтилган камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари давом этгани учун ҳайъат мажлиси масъул ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўриш бўйича қарор қабул қилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири (F.Қалмуратов), Самарқанд (А.Йўлдошев), Сирдарё (Ҳ.Ёдгоров) ва Тошкент (М.Бобоёров) вилоятлари халқ таълими бошқармалари бошлиқларига таълим муассасалари биноларини 2003—2004 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш режаларини тўлақонли бажарилишини таъминламаганликлари учун ҳайфсан берилди. Таълим муассасалари биноларини куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш масъулияти барча бўғиндаги тегишли муассасаларнинг биринчи раҳбарлари зиммасида эканлиги қарорда қайд этилиб, жорий йилнинг 1 ноябрига қадар режадаги таълим муассасалари биноларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрламаган ҳудудий бошқарма бошлиқлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига кўмир ва суюқ ёқилғи жамғариш ишига алоҳида эътибор қаратиш, маблағ ажратиш ҳамда шартномадаги маркада сифатли кўмир етказиб бериш бўйича маҳаллий ҳокимликларга мурожаат қилиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ёнғинга қарши мосламаларни тартибга келтириш, қозонхоналарда ишловчи мутахассисларни белгиланган тартибда малака оширишини назоратга олиш каби вазифалар топширилди.

Шунингдек, вазирликнинг тегишли бошқармаларига вазирлик тасарруфидаги муассасалар биноларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш борасидаги аҳволни ўрганиш ва амалий ёрдам бериш мақсадида ходимларни хизмат сафарига яна бир бор юбориш тўғрисида кўрсатма берилди. Халқ таълими вазири Р.Жўраев раислик қилган мазкур ҳайъат мажлиси сўнгида «Таълим муассасаларини янги 2003 — 2004 йил куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича вазирлик қошидаги марказий штаб»га жорий йилнинг 2 ноябрь ҳолатига шу соҳада бажарилган ишлар ҳақида батафсил маълумот тақдим этиш вазифаси топширилди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
«Ma'rifat»нинг
махсус мухбири

ДАВЛАТ ТИЛИ, МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси "Маънавият ва маърифат" марказида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 14 йиллигига бағишланган "Давлат тили, мустақиллик ва маънавият" мавзусида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қуддус Аъзамов очар экан, ўзбек тилининг мустақилликни мустаҳкамлашда, юксак сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий маънавий маърифий тараққиётга эришишдаги ўрни ва мавқеи ҳақида гапириб ўтди. Жумладан, ўзбек тили — миллий ва давлат тили. Биз ўзбек тилини соф қолиб сақлаб керак. Бунга эса шимиз бор имкониятларимизни сарфламоғимиз лозим — дея таъкидлади.

Tadbir

Анжуман сўнгида сўзга чиққан Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимов ва Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти профессор-ўқитувчилари давлат тилининг таълим тизимидаги аҳволи, турли нодавлат радиоканалларда давлат тили мезонлари бузилаётганликлари, фуқароликни белгиловчи ҳужжатларда, кўча афишаларида йўл қўйилаётган хатолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Анжуманда Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан тайёрланган аввалги имло луғатининг тадрижий ишланган 80 минг сўзни ўз ичига олувчи янги нашри тайёрланганлиги эълон қилинди.

Дилмурод СОДИҚОВ,
"Маърифат" мухбири

ҚЎНҒИРОТДА ЯНГИ МАКТАБ

Қўнғирот туманидаги 34-мактаб туман ҳокими Азат Абдумажидов ташаббуси билан қисқа фурсатларда фойдаланишга топширилди. Ҳашар усулида қурилган ушбу мактабга 90 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ш.ТЎРАМУРОТОВА

БУХОРОДА ТУРИБ ФРАНЦИЯДА ЎҚИЙСИЗ

БухДУда очилган ўқув-педагогика маркази шундай имконият яратади

Париж сюд-XI университети нафақат Францияда, балки Европада машҳур олий ўқув юртларидан биридир. Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари ёшлари бу ерда ўқишни ўзларига шараф, деб биладилар. Бухоро давлат университети иқтисод факультети толиби илмлари айни бир вақтнинг ўзида шу ўқув муассасасининг бакалаврлик ёки магистрлик дипломига эга бўладилар. Бунинг учун улар билим олгани ёки илмий-тадқиқот масалалари хусусида тажриба алмашгани Францияга боришлари шарт эмас. Бухоролик ёшлар ўз аудиторияларида туриб, Француз профессорлари маърузаларини тинглашлари, фан асосларини чуқур ўзлаштиришлари мумкин. Париж сюд-XI университетининг БухДУ иқтисодиёт факультетида ташкил этилган филиали ёки ўқув-педагогика маркази туфайли ана шундай имконият яратилди.

Яқинда бу даргоҳда мазкур марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Бўронов, университет ректори, академик К.Муқимов хориж университети филиали ташкил этилиши билан мамлакатимизда биринчи бўлиб Бухорода масофадан туриб ўқитиш йўлга қўйилаётганлигини эътироф этди.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жак-Поль Костий, Париж сюд-XI университети президенти Ксавье Шапюзат, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги "Истеъдод" жамғармасининг бўлим бошлиғи, республика масофадан туриб ўқитиш маркази директори, профессор А.Абдуқодиров сўзга чиқиб, бундан икки йил илгари БухДУ ва Европадаги машҳур олий ўқув юрти ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномаси рўёбга чиққанлигини қайд қилдилар. Маросим қатнашчилари Париж сюд-XI университети томонидан совға қилинган ўн битта замонавий компьютер ва бошқа техника воситалари билан жиҳозланган илмий ўқув-педагогика марказини кўздан кечиришди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда иқтисодиёт факультетининг 20 нафар талабаси танлаб олинган. Улар француз тилини пухта эгаллагач, масофадан туриб ўқишга киришадилар.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жак-Поль Костий, Париж сюд-XI университети президенти Ксавье Шапюзат, вице президенти Анита Берселони ва Ницца дорилфунуни раҳбари Женевье Гурде эндиликда БухДУ фахрий профессорлигига қабул қилиндилар. Университетнинг Бальзак ватанидаги нуфузли ўқув юртлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган илмий кенгаши мажлисида уларга тегишли дипломлар топширилди.

— Бу мен учун шараф, — деди Париж сюд-XI дорилфунуни раҳбари Ксавье Шапюзат. — Дунёга машҳур олий ўқув юртимиз Ўзбекистондан ҳамкор танлаш масаласига киришганида биз Бухорони афзал кўрдик. Биз ўнлаб фанлар тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк Ибн Сино туғилган юрт университети билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйишни шараф, деб биламиз. Ҳамкорликдан асосий мақсад фақат юқори малакали мутахассислар тайёрлашга кўмаклашиш эмас, биз мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир муаммолар ечими билан шуғулланадиган илмий-тадқиқотчи олимлар, амалиётчиларни ҳам камолга етказишни муҳим вазифа деб биламиз.

— Шуни айтиш керакки, — деди БухДУ ректори, академик К.Муқимов, — бизда ижтимоий-гуманитар йўналишда жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларга ҳам эҳтиёж катта. Шунинг учун ҳам доктор Ксавье Шапюзатнинг кўмагида бу масалада Франциядаги яна бир машҳур Ницца университети билан ҳам алоқа ўрнатадиган бўлдик.

Франциялик меҳмонлар Ғиждувон туманидаги француз тили чуқур ўргатиладиган 5-ихтисослашган мактаб-интернатда ҳам бўлдилар. Ўзбек мактаблари учун "Француз тили дарслиги" муаллифларидан бири, ҳассос педагог, Франциянинг Академик пальма мукофоти соҳиби Саид Раҳмонов раҳбарлик қилаётган даргоҳ меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди.

Эркин ЁДГОРОВ

Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги иқтисодиёт коллежида талабалар билан дарсдан ташқари вақтларда қўшимча машғулотлар уюштириш анъана тусини олган. Айниқса, Клара Бозорбоева (суратда) ҳар бир талабага касб сирларини ўрганишда кўмакчи бўлишни ўзига бурч деб билади.

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат

ДАФТАРИНГИЗДА КИМНИНГ РАСМИ БОР?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Jenniffer Lopeznинг ярим-яланғоч сурати ҳеч кимнинг назаридан четда қолмаслиги аниқ эди. Бошқа расталарни айланиб яна Туркия маҳсулоти саналган 40 варақли умумий дафтарларда АЛСУ хоним, Бритни Спирс, Татяна Светлова ва ўзини кўз-кўз қилиб турган Таркан жанобларининг суратларини ҳам кўрдим. Диққатимни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қаратдим. Расталардан орқасига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деб ёзилган ўз дафтарларимизни қидира бошладим. Хайрият, бор экан. Тўғрироғи, уларнинг сони кўп экан. Фақатгина мен уларни чет элда ишлаб чиқарилган дафтарлардан ажрата олмабман. Бу яхши, демак биз чет давлатлар билан беллаша оляпмиз. Дафтарларимиз юзида "Гвадалупе", "Камила", "Қиш сонатаси" сериаллари қаҳрамонларининг сурати акс этиб турибди.

Ҳозирда дафтарларимиз юзида пайдо бўлаётган мана шу каби суратлар ёшларни, тўғрироғи харидорларни аросатга солиб қўйди. Улар дафтарни юзидаги расмига қараб олсинми, ёки...

Мана шундай дафтарларнинг кўпчилигини ёшлар сотиб олаётганини ҳисобга олган ҳолда бир нечта масалаларга аниқлик киритиб олиш айни муддао бўларди.

Биринчидан, "болалар дафтарни расм учун оляптими, ёки бошқа эҳтиёжлари туфайлими?" деган саволга жавоб олиш билан бошлаймиз.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказган кичик сўровим натижасида шу нарса аниқ бўлди-ки, ёшларнинг кўпчилик қисми дафтарни фақат унинг юзидаги расмларига қараб сотиб оляпти экан. Ўғил болаларни BMW машинаси тасвирланган дафтарлар, қизларни эса кўпроқ телесериал қаҳрамонлари, каттароқ ёшдаги ўсмирларни эса ўзимизнинг ёки чет эл эстрада хонандаларининг сурати акс этган дафтарлар қизиқтиряпти.

Энди диққатни масаланинг иккинчи томонига қаратамиз. Биринчи саволнинг мантиқий давоми сифатида иккинчи саволга мурожаат этамиз. "Бугун болалар қандай дафтарлар сотиб оляпти?". Бу саволга жавоб олиш мақсадида икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Сотувчи ва харидорга. 15 ёшлар атрофидаги бир қизча дафтарларни узоқ томоша қилди. Ўзи излаган дафтарни тополмади шекилли, бошқа раста томон юзланди. Ниҳоят, узоқ изланишлардан сўнг сотиб олган дафтарига кўз югуртирдим. Яна ўша аҳвол. Дафтар юзида Россия эстрада юлдузи Филипп Киркоровнинг алламбало сурати.

Сотувчилар шунақа суратлар билан безатилган дафтарларнинг сифати яхши, шунинг учун ҳам у харидоргир деб жавоб беришади.

Дарс вақтида ўқувчиларнинг фикри-зикри фақат дафтар юзидаги "юлдуз"ларда бўлиб қоляпти. Янаям тўғрироғи эса тўполончи болаларга бу дафтарлар яхшигина овунчоққа айланди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Ота-оналар болаларига дафтар олишлари учун пул бераётганларида, наҳотки уларнинг беҳаё расмлар билан безатилган дафтар олишлари мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришмаса?! Ёки дафтарларини ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта бўлса-да текшириб кўришмаса?!

Ҳозирда ҳамма ёшларнинг "айниб" кетаётганидан нолийди. Уларнинг европаликларга тақлид қилишларини танқид остига олишади. Аслида бу каби ҳолатларга аввало уларнинг ўзлари сабаб бўлишмаётганмикан?

Фикримча, ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодга энг зарур нарса, бу — эътибордир. Оилада ота-она, мактабда устозлар уларга эътибор беришлари лозим. Ёшларнинг аниқ бир мақсад йўлида тарбия топиб улғайиши учун ҳар иккала томон ҳам масъулиятни ҳис қилса, айни муддао бўлар эди. Қолаверса, ишлаб чиқарувчиларимиз ҳамда тадбиркорларимиз ҳам ўз юртининг фуқароси сифатида унинг келажагига қандай «ҳисса» қўшишаётганлигини танасига бир ўйлаб кўрса бўлармиди?!

Зеро, соғлом фикрли фарзандлар тарбиялаш бугунги кунинг энг олий вазифасидир.

Маъмурахон ҚУТЛИЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси

ТИЛ ВА ДАВР

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 14 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раиси Қуддус Аъзамов, адабиётшунос олимлар Султонмурод Олимов, Бойбута Дўстқораев, университет Халқаро журналистика факультети "Телерадио журналистика" кафедраси мудири Сайди Умировлар иштирок этишди.

Қуддус Аъзамов йиғилганларни байрам билан қутлади ва она тилининг ҳар бир миллат тақдиридаги ўрни ҳақида сўзлаб берди. Йиғилганларда, айниқса, адабиётшунос Султонмурод Олимовнинг "Тил, саводхонлик ва маънавият", Бойбўта Дўстқораевнинг "Тил ва давр" мавзуларидаги маърузалари катта таассурот қолдирди. Буларда она тилимизнинг гўзаллиги ва имкониятларининг кенглиги батафсил қамраб олинган эди. Матбуотда сўз қўллаш билан боғлиқ камчиликлар ўзбек тилида иш юритишда ҳануз хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ва уларни бартараф этиш усуллари атрофлича муҳокама қилинди.

Anjuman

Анжуман сўнгида талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Ойбек МЎМИНОВ,
ЎзДЖТУ 1-курс талабаси

МАЪНАВИЯТ КЎРКИ

Тил — маънавият гултожи. Миллатнинг барча қадриятлари, ўзлиги миллий тил орқали таништирилади. Миллий ва давлат тилимиз бўлган — ўзбек тили ўзининг маънан бойлиги, жозиба ва сеҳрга тўлалиги билан дунё тиллари орасида ўз ўрнига эга.

Ўзбек тили — давлат тили мақомининг берилганлигига 14 йил бўлди. Ушбу санага бағишлаб республикамиз бўйлаб байрам тадбирлари, анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, П.Ф.Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежида ҳам "Она тилим — жону дилим" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Tadbir

Тадбирда коллеж талабалари ўзларининг адабий-бадиий, мусиқали чиқишлари билан йиғилганларни мафтун этишди.

Тилимиз буюклигини, софлигини талабалар руҳиятига сингдириш ва бу тилнинг хусусиятлари ҳақида коллеж устозмураббийлари маъруза қилдилар.

Байрам тадбири сўнгида русийзабон талабалар, ўқитувчилар тилимизга бўлган ҳурматларини ўзларининг ёд олган ўзбекча мумтоз шеър, қўшиқлари билан намоён этишди.

Мухбиримиз

Forobiyning ustoz-o'qituvchining mas'uliyati xususida bayon qilgan ibratomuz fikrlarini chetlab o'tib bo'lmaydi. U shogirdga haddan tashqari qattiqqo'l ham bo'lmaslik, ko'ngilchanlik ham qilmaslik lozimligini maslahat beradi.

Tilimizning butun botiniy olami, ruhiy-milliy mag'zi jismimizga ona sutidek singib, fikrimizni yashin kabi o'tkirlashtirib borar ekan, uning davlatimiz mustaqilligini mustahkamlash, avlodlarimizni milliy istiqlol g'oyasi ruhida tarbiyalashdagi mavqei yanada orta boraveradi.

"ҚИЛИЧТЕК ТИЛ БИЛА ТУТТУМ ЖАҲОННИ"

Milliy istiqlol g'oyasi

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир.

Ислом КАРИМОВ

Миллий истиқлол ғоясининг муҳим вазифаларидан бири миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат туйғусини шакллантиришда намоён бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, миллий тил ҳар қандай халқнинг ўзлигини, иродаси ва орзу-интилишларини ифодалайдиган хусусияти, маънавияти ва маданиятининг кўзгусидир. Инсон энг қувончли, ширин дамларида ҳам, дардли, ўта оғир ва ҳаяжонли онларида ҳам қалб қўридан чиққан энг соф, чин сўзларини ўз она тилида айтади. Бешикданоқ қулоғимизга алла билан қўрғошиндек қуйилган, онамизнинг оқ сути билан жисмимизга руҳдек йўғрилган, ақлимизни буюк аждодлар мероси билан чақмоқдек пешлаган бундай тенгсиз қудрат-иноъомга барчамиз ҳамиша севиниб талпинамиз. Чунки дилимиздаги энг нозик ҳис-туйғуларни, меҳру муҳаббат, дарду ҳасратларни унинг бебаҳо хазинасидаги инжу сўзлар билан айтамиз. Қолаверса, тил инсонларни бирлаштирувчи, ўзаро муомала-муносабатини таъминловчи воситагина эмас, унинг масиҳий овози ўз миллатини, халқини зафарли ишларга руҳлантирувчи, ўтмиши, ҳозири ва келажагини мустаҳкам жипслаштирувчи энг ўткир, ўта самарали, ҳамиша замонавий маънавий қуролдир.

Барчамиз миллий истиқлол ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, бу мафкурани ёшларимиз онгига сингдиришдек шарафли ишга бош қўшар эканмиз, миллий қадриятларимизнинг асоси саналмиш она тилимизнинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқадиган битмас-туганмас имкониятлардан кенг фойдалана билишимиз лозим. Ана шундай имкониятларни кўриш учун, шоир айтмоқчи, дунёга кичик бир туйнукдан боқиш керак эмас. Яқинда, аниқроғи, 15-17 октябрь кунлари пойтахтимизнинг ҳашаматли "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Тил ва тараққиёт" мавзусида катта халқаро анжуман бўлиб ўтди. Британия кенгаши томонидан ўтказилган уч кунлик ўйиғилишда тил сиёсатининг муҳим йўналишлари муҳокама қилинди, тилларни, хусусан, инглиз тилини Марказий ва Шарқий Осиё халқларига ўргатиш масалаларига эътибор қаратилди, бунда бошқа минтақаларда тўпланган тажрибалардан фойдаланишга оид таклиф-тавсиялар билдирилди. Бунда мени сергаклантирган бир масала шу эдики, асримизнинг ўрталарида нуфузи ва иқтисоди юксалаётган айрим Осиё давлатларининг тиллари глобаллашув жараёнининг натижаси ўлароқ юқори поғонага кўтарилиши мумкинлиги бу ҳудудларда инглиз тилини ўқитишга жиддий эътиборни тақозо этади.

Тилда халқнинг Ватани, бор-йўғи: иқтисоди, мафкураси, маданий мероси гавдаланар экан, уни ўргатиш орқали ана шу Ватан, ўша давлат, унинг моддий-маънавий бойликлари улуғланади, буларга ҳурмат билан қараш, фахрланиш туйғуси сингдирилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, сўнгги йилларда ўқатгина 21 октябрда ўзбек тили байрамларини ўтказиб, бунга одатдаги бир маданий тадбир сифатида ёндашиш билан чекланмоқдамиз. Унутмайликки, ўзбек тили давлат тили сифатида мустақил республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб ва кенгайтириб бормоқда. Эндиликда фақат халқаро кураш мусобақаларида янграётган ўзбекча сўзларимиз билан қониқмайлик. Дунёнинг йигирмага яқин нуфузли университетларида ўзбек тили қизиқиш билан ўрганилаётгани, юзлаб чет эллик талабалар, олимлар кутубхоналаримизда ўзбек тилидаги манбаларни ўқишаётгани, кўплаб илмий, бадиий асарларимиз чет тилларда чоп этилаётгани ўзбек тилининг дунё миқёсида кенг тарқалиши учун янги йўллар очмоқда.

Хоразмий "Муҳаббатнома"сидаги "Қиличтек тил била туттум жаҳонни" мисраларидаги маънони англашга ҳаракат қилар эканмиз, **миллий тилимизнинг давлатимиз номи, байроғи, рамзи ва мадҳиясида мужассамлашган янгроқ овозини жаҳонга ёйишга бурчли эканлигимизни ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда унутмаслигимиз лозим.**

Миллий истиқлол ғояси жамиятимизда эркин тафаккур қила оладиган, ўз Ватанининг жонкуяри сифатида мамлакат тақдири учун ўз зиммасига масъулият олишга қодир шахсни камол топтириш вазифасини қўяр экан, бунда она тилининг онгли фикр-мулоҳазага ўргатиш воситаси сифатидаги лисоний-мантиқий имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Тил тафаккурнинг улкан қуролидир. Тил орқали атроф-муҳит, дунёни англаймиз, билимларимиз, дунёқарашимизни бойитамиз, турли ҳодиса-ҳолатларга фикр-муносабат билдирамиз. Мактабда фан асослари она тилида эгаллаб борилар экан, бунда ҳар қайси фан ўқитувчисининг сўзи, нутқи муҳимдир. **Ўқувчининг сўз бойлиги қанчалик юқори бўлса, унинг фикрлаш тарзи ҳам, воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаш даражаси ҳам шунчалик теран бўлиши аниқ.** Шунинг учун ҳам ёшларда тафаккур ва баҳслашиш маданиятини ривожлантиришда таълим-тарбия масканларининг, ота-она ва катталарнинг улкан масъулияти бор.

Шу ўринда буюк адиблардан бирининг "Ўз тилига муносабатига қараб туриб, ҳар бир одамнинг маданий даражасинигина эмас, балки унинг фуқаролик қадр-қимматини ҳам аниқ айтиб берса бўлади", деган фикрини эслаш кифоя.

Ёш авлодда янгича онгни шакллантириш, уларнинг ички дунёсини бойитиш, жамиятнинг фаол аъзоларига айлантириш учун сўзнинг кучидан етарли фойдаланиш йўлларини излаш зарур. Мустақиллик моҳиятини англаган ҳар бир фуқаро "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг ижросини тўла амалга оширишга ҳаракат қилмас экан, у мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига бефарқ муносабатда бўлади. "Ҳар бир ишда тил ҳуқуқидан фойдаланяпманми", деган саволга жавоб бериб кўринг-чи?

Давлат тилида иш юритишни русча қолиплар асосида олиб бораётганлигимиз, кўча лавҳалари, дўконлар пештоқидаги соф ажнабий сўзларга кўникканимиз мустақиллик мафкурасини етарли англаб олмаганлигимиздан далолат бермайдими?! Юртбошимиз бу ҳақда куйиниб, қуйидагича бонг урганликларини унутмайлик: **"Рус тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамиз? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватан ва халқига садоқат белгиси эмасми?"**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва миллий истиқлол ғоясини амалга оширишнинг муҳим йўналиши ўқув-методик, илмий ва бадиий адабиётларнинг янги авлодини яратишга қаратилмоқда. Баркамол авлодни, етук мутахассисни тайёрлашга хизмат қилувчи дарслик ва қўлланмалар мазмунига ахлоқий-маърифий, илмий-фалсафий қарашлар она тилида тушунарли ва равон сингдирилиши зарур. Айтиш жоизки, айрим ўқув адабиётларининг тили ўзбек тилининг адабий меъёрларига тўла жавоб бермайди, бу эса фикрни тўла англаш имкониятини чеклайди. Дарслик учун матн танлашга юзаки ёндашиш оқибатида баён услуби ғализ, жумлалари тўмтоқ, миллий қадриятларимизга номувофиқ бўлган матнлар китоблардан ўрин олади. Шунинг учун ҳам, ижтимоий-гуманитар фан дарсликларида ҳар бир матннинг миллий истиқлол ғояси вазифаларини рўёбга чиқариш имкониятларини тўлароқ очиш мақсадга мувофиқдир. Давлат тилини ҳурмат қилиш, уни пухта эгаллаш, ўзбек тилида нутқ маданияти талаблари даражасида сўзлаш ва ёза билиш бугунги мутахассисларнинг бурчидир. Ёш авлодда болаликдан она тилига ҳурмат ва эъзозни шакллантириш орқали ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат туйғулари ўстирилади. Ҳамонки шундай экан, **болалар учун турли асар, кўрсатувлар яратганда она тили мавзусига ҳам жиддий эътибор лозим.** Шоирларимизнинг 3-4 та шеърлари она тилига бағишланганини ҳисобга олмасак, бу мавзуда бирон бир ҳикоя, мультфильм, эртак йўқ ҳисоби. Ҳолбуки, кичик бир арман тили ҳақида 16 та ҳикоя ёзилганлигини ўзбек ёзувчиларига эслатиш ўринлидир.

Ўзбек тили таълими жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда қуйидаги уч жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман. Аввало, **тилнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти тўла англаб олиниши лозим бўлади.** Бунда тилнинг тафаккур ҳосиласи эканлиги, унинг ижтимоий характердаги, жамият ва миллат руҳида акс этиши, шахс камолотини шакллантиришдаги бевосита ўрни каби масалаларнинг турли тушунча, матнлар асосида аниқ ёритилишига эътибор қаратилади. Иккинчидан, **она тилимизнинг маданий-маърифий жиҳатига боғлиқ имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш керак.** Аждодларимиз томонидан тўпланган барча маданий билимлар хазинаси тил воситасида жамланиб, авлоддан авлодга етказилаётгани, тилдан таъсирчан ва ҳозиржавоб ташвиқот воситаси сифатида фойдаланиш имкониятларининг кенглиги ҳамонки ойдек равшан экан, ҳар бир маданий-тарбиявий, ташвиқий тадбирларда бунга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Учинчидан, тилнинг лисоний-тадрижий моҳияти она тилини ўқитиш жараёнида ўқувчига чуқур сингдирилмас экан, унда ўз тилининг бетакрор оҳангига, сўз хазинасига, софлигига ҳурмат ва меҳр муқаддас туйғу сифатида намоён бўла олмайди. Шунинг учун ҳам **она тилини ўқитиш жараёнида ўқувчига ўз тилининг гўзал ифода йўсинларини, тасвирий имкониятларини очиб бериш, фикрни аниқ ифодалаш учун зарур сўзни тўғри танлаш ва ўринли қўллаш қобилиятини ўстиришга жиддий эътибор бериш зарур.**

Тилимизнинг бутун ботиний олами, руҳий-миллий мағзи жисмимизга она сутидек сингиб, фикримизни яшин каби ўткирлаштириб борар экан, унинг давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, авлодларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашдаги мавқеи янада орта бораверади.

Турк назмида чўнг мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни якқалам.

Алишер НАВОИЙ

Тил миллатнинг биринчи ҳаққидир. Шу ҳақ ўкситилган бўлса, демак, миллат ўзини ўзи ўкситиб келгандир.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Абдурозиқ РАФИЕВ,
ЎзМУ туркология кафедраси мудири

ЎЗБЕК ТИЛИ САЛТАНАТИДА МЕҲМОН

Ўзбек тилининг жозибадорлиги, ўйноқи оҳангию бадиий жилосининг такрорланмаслигини ҳис этмоқчи, англамоқчи бўлсангиз, шеър ўқинг, шоир қалби торларидан чертилган навога бир лаҳза қулоқ беринг...

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 14 йиллиги муносабати билан юртимиз таълим ўчоқлари, ташкилот ва муассасаларда тил байрамлари ўтказилаётган айни кунларда Тошкент педагогика коллежида ўқувчиларнинг Ўзбекистон халқ шоири, «Гулхан» журнали бош муҳаррири Омон Матжон билан учрашуви бўлиб ўтди. Юқорида бежизга сўз қудрати, унинг сеҳрини билмоқчи бўлсангиз шеър, бадиий асар ўқишга даъват этмадик. Зеро, ҳар қандай тилнинг бойлиги, буюклиги айни халқ лафзида битилган бадиий асарлар билан ўлчанади. Бобомиз Алишер Навоийнинг туркий тилнинг ҳеч бир тилдан қолишмаслигини исботлаш учун ўз асарларини айни халқ тилида битганлиги ҳам шундан.

Шеърият кечасини коллеж директори Озода Эшонхўжаева очар экан, ўқувчиларнинг халқ шоири О.Матжон билан учрашувларини бежизга ўтказилмаётганлиги, бу дийдорлашув толиби илмларнинг ўзбек тили, унинг сеҳрли салтанатига кириб боришлари учун ўзига хос йўл очишга туртки бўлишини таъкидлади.

Ушбу фикрларни кўллаб-қувватлаган ҳолда Низомий номидаги педагогика университетининг «Ўзбек адабиёти» кафедраси мудири, профессор Сафо Матжон сўз оларкан, талабаларнинг ўзбек тили жозибасини ҳис этишларида шоир Омон Матжон ижоди ўзига хос ўрин тутишига ургу берди.

Учрашувда шоир ўз ижод намуналаридан йиғилганларга гулдасталар ҳадя этаркан, коллеж ўқувчилари орасидаги ёш шоир ва шоираларнинг изланишлари, уларнинг ўй-фикрлари билан ҳам қизикди. Бир сўз билан айтганда, ушбу учрашув орқали коллеж ўқувчилари ўзбек тили, унинг мўъжизакор сеҳридан яна бир баҳраманд бўлишди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

ДАВЛАТ ТИЛИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишлаб «Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда давлат тилини ўргатиш орқали ўқувчиларнинг нутқ кўникмаларини такомиллаштириш» мавзусидаги Навоий вилоят семинар-кенгашининг Зарафшонда ўтказилишида рамзий маъно бор. Чунки саноатчилар шаҳри саналган бу заминда саксондан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг фарзандлари энг замонавий қулайликларга эга бўлган 12 та ўрта умумтаълим мактабларида таҳсил олишмоқда. Барча мактабларда «Ўзбек тили куни», «Ўзбек тили ҳафталиги», «Ўзбек тили ойлиги» мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Семинар қатнашчиларини таълим рус, ўзбек, қозоқ тилларида олиб борилаётган Абу Райҳон Беруний номидаги мактаб ўқувчилари ўзбекона иззат-икром билан кутиб олишди. Мактаб ҳовлиси байрамона безатилган. Ясатилган йўлкаларда русийзабон қизлар атлас либосларда ўзбек мумтоз қўшиқларини ижро этишмоқда. Айниқса, жонли тасвирлар: турли миллат вакилларининг «дўппи тикиш», «чинни буюмларга бадиий жило бериш», «ўзбек таомлари» ифодалари, ўзбек миллий кийимлари намойиши — уларни рус қизининг ўзбек тилида бурро-бурро тушунтириши барчани ҳаяжонга солди...

Ал-Форобий номидаги мактабда ўтказилган тадбир эса бундан-да файзли бошланди. Меҳмонлар чилдирма садолари остида қарши олиндилар. Кираверишда эса ўзбек, қозоқ қизлари ўз удумларига кўра «келин салом»га чиқиши кўнгилларни хушнуд айлади. Узун зал бўйлаб эса ўзбек куй-қўшиқлари таралар: бир томонда белбоғли кураш мусобақалари, бир томонда «бешикка солиш», «алла айтиш» удумлари, миллий ҳунармандчилик, миллий наққошлик кўргазмалари давом этарди...

Катта тайёргарликлар билан ўтказилган «очиқ дарс», синфдан ташқари тадбирларни кузатиб, баҳс-мунозара, фикрлашув, тажриба алмашишлардан бир олам таассурот олган анжуман иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида олис Даугистау қўрғонидаги «Буратино» мактабгача таълим муассасаси томон йўл олишди. Муассаса гўзал Ўзбекистонимизнинг бир парчасидек ясатилган бўлиб, унда тарбияланаётган турли миллат фарзандлари ўзбекона эъзоз билан меҳмонларга пешвоз чиқишди. Жажжиларнинг соф ўзбек тилида халқ миллий урф-одатларини маромига етказиб намойиш этишлари ҳайратларга ҳайрат қўшди. Куй-қўшиқлар тингланди, машғулотлар қузатилди, илиқ фикрлар айтилди... Тадбир сўнгида эса рус, қозоқ, қорақалпоқ, тожик ва бошқа миллат ва элатларнинг бир оила фарзандидек меҳр-муҳаббат оғушида улғаяётган жажжи ўғил-қизлари ўзбекона илтифот билан «хайр... омон бўлинг...» дея кўллари кўксида кузатиб қолишди...

Навоий вилоятининг навқирон гўшаси — Зарафшонда «Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар» шиори остида ўтказилган бу анжуман давлат тили бўлган ўзбек тилини суюб, қунт билан ўрганиш, улуғлаш, ёшларни миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишга ундашнинг амалий ифодаси бўлди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Uchrashuv

"БИЛИБ СЎЗЛАСА, СЎЗ БИЛИГ САНАЛУР"

Sinab ko'ring

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгандан кейин барча ўқув фанлари қатори она тили таълимининг ҳам мақсад ва вазифалари ўзгарди.

"Она тили таълимининг асосий мақсади, — дея қайд қилинади ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепциясида, — болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир".

Кўриниб турибдики, фикрни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш она тили таълими олдида турган бош талабдир. Бу тилнинг жамиятда тутган ўрни, вазифаси билан белгиланади. Модомики, тил жамият аъзолари ўртасида алоқанинг муҳим воситаси экан, у аввало нутқ билан боғлиқ. Ўз фикрини ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда тўғри, равон ифодалай оладиган ўқувчини том маънода ўқимишли, саводли ўқувчи дейиш мумкин.

Ёшларга нутқ одоби, сўзлаш маданияти ҳақида сабоқ бериш масаласи узоқ ўтмишдан бери Шарқ мутафаккирлари ижодида марказий ўринлардан бирини эгаллаган. Чунончи, ватандошимиз Форобий ёшларни тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ соҳиби бўлишга даъват этади. Бунда лексикология, грамматика ва мантиқнинг аҳамияти бениҳоя катталиги қайд қилинади. Бу ҳақда у шундай дейди: "Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўзлаш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга (субстанция-нарсалар ва аксиденция(ҳодисалар)га) исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман.

Иккинчи илм грамматикадир. У жисмларга берилган исм (номлар)ни қандай тарлаши, сўнгра ҳақиқатни излаш, ўзининг саломатлигига, одоб-ахлоқига жиддий эътибор бериш лозим. У ёшларга ўгит тариқасида ёшликдан илм эгаллашга бел боғлаш лозимлигини, саломатлигининг яхши бўлишига интилиши, ахлоқли, одобли бўлиши, сўзининг устидан чиқиши, ёмон ишлардан сақланиши кераклигини уқтиради.

Айниқса, Форобийнинг устоз-ўқитувчининг масъулияти хусусида баён қилган ибратомуз фикрларини четлаб ўтиб бўлмайди. У шогирдга ҳаддан ташқари қаттиққўл ҳам бўлмаслик, кўнгилчанлик ҳам қилмаслик лозимлигини маслаҳат беради. Бу фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган. Таълим самарадорлиги фақат ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини тўғри ташкил этиш орқали қўлга киритилади.

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний нутқнинг икки хил тури наср ва назм хусусида фикр юритиб, уларнинг ҳар бири муайян қоидалар асосида ривожланишини баён қилади. Унинг фикрича, нутқнинг насрий шаклида ҳам, назмий шаклида ҳам мазмун бирламчидир. Бу фикр том маънода таълим билан ҳам алоқадор. Ўқитишда асосий эътибор мазмуннинг устуворлигига қаратилади.

XI-XIV аср мутафаккирлари тибга солишни ҳамда субстанция ва аксиденциянинг жойлашишини, бундан чиқадиган натижани ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир: маълум хулосалар келтириб чиқариши учун логик фигураларига биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади, бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз".

Форобий фанларни таснифлаш билан бирга, уларни қандай ўргатиш масалаларига эътибор қаратади. Унинг фикрича, ҳар бир фанни ўрганувчи олдин ўзини шу илмни ўзлаштиришга тайёрлаши, сўнгра ҳақиқатни излаш, ўзининг саломатлигига, одоб-ахлоқига жиддий эътибор бериш лозим. У ёшларга ўгит тариқасида ёшликдан илм эгаллашга бел боғлаш лозимлигини, саломатлигининг яхши бўлишига интилиши, ахлоқли, одобли бўлиши, сўзининг устидан чиқиши, ёмон ишлардан сақланиши кераклигини уқтиради.

Айниқса, Форобийнинг устоз-ўқитувчининг масъулияти хусусида баён қилган ибратомуз фикрларини четлаб ўтиб бўлмайди. У шогирдга ҳаддан ташқари қаттиққўл ҳам бўлмаслик, кўнгилчанлик ҳам қилмаслик лозимлигини маслаҳат беради. Бу фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган. Таълим самарадорлиги фақат ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини тўғри ташкил этиш орқали қўлга киритилади.

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний нутқнинг икки хил тури наср ва назм хусусида фикр юритиб, уларнинг ҳар бири муайян қоидалар асосида ривожланишини баён қилади. Унинг фикрича, нутқнинг насрий шаклида ҳам, назмий шаклида ҳам мазмун бирламчидир. Бу фикр том маънода таълим билан ҳам алоқадор. Ўқитишда асосий эътибор мазмуннинг устуворлигига қаратилади.

XI-XIV аср мутафаккирлари сўзнинг қудрати, ундан фойдаланиш маданияти, кам сўзлаб, кўп маънони ифодалаш хусусида ибратомуз фикрларни баён қилганлар. Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" асарида: "Билиб сўзласа, сўз билиг саналур" ёки "Угуш сўзлама, сўз бирор сўзла оз; туман сўз тугунин бу бир сўзла ёз" (мазмуни: билиб сўзлаш лозим; сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла, туман сўз тугунини шу бир сўзда еч) деган фикрни баён қилган.

Юсуф Хос Ҳожиб сўзлашга ўргатиш одоби хусусида фикр юритиб:

Тил асли талим бор, босинма ўқуш —
Ара угдулур тил, ара минг сўкиш

Нега мундай эрса билиб сўзла сўз.

Сўзинг бўлсу кўрсу керагуқа кўз, — деб ёзади.

Мазмуни: тилнинг фойдаси кўп, ортиқча ҳовлиқма: гоҳо тил мақталади, гоҳо сўкилади; модомики шундай экан, сўзни билиб сўзла; сўзинг кўр учун кўз бўлсин. У тилнинг инсонни эъзозлаши ҳам, жазолаши ҳам мумкинлигини алоҳида уқтиради. "Тили туфайли бахтга эришади", дейди у.

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, ёшларга тилни ўргатиш муомала одобига ўргатиш демакдир. Унинг фикрича, икки тоифа одамлар ундан фойдалана олмайди: туғма соқовлар ва билимсиз кишилар. Демак, қолган барча кишилар тилни билиш, ўрганиш имкониятига эгадирлар.

Шарқнинг буюк мутафаккири Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарида инсоннинг нутқ маданиятини эгаллаши хусусида тўхталиб: "... халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин. Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага эришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, ... ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади".

Ҳазрат Алишер Навоий тилига кучи етадиган кишини ақл подшоси, сўзга аҳамият бермайдиган кишини эса лаънатланган паст киши, деб баҳолайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий тил одоби хусусида фикр юритар экан: "Сендан тил одоби қандай бўлади, деб сўрасалар, шундай деб жавоб бер, дейди:

— яхши фикрни ифодалаш учун оғиз очиш лозим, ёмон гап учун оғизни берк тутгин;

— агар сендан қандай ҳолатларда гапириш маъқул деб сўрасалар, шундай жавоб бер: дилда пинҳон бўлган нарсаларни изҳор қилиш учун, мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш ва уларнинг доду фарёдига етиш учун;

— нимадан тилни тийиш даркор деб сўрасалар, шундай деган:

— биринчи, ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончилик душмандир;

— иккинчи, ваъдага хилоф иш қилишдан, чунки бу иккиюзламачилик нишонасидир;

— учинчи, ғийбат ва бўҳтондан, сабаби бу фосиқлар ишидир;

— тўртинчи, жанжалдан, хусуматдан, гап ташишдан ва шайтоннинг васвасаси бўлган айбжўйликдан;

— бешинчи, ўзни мақташ ва таърифлашдан тийилиш, чунки булар ўздан кетиш, такаббурликнинг аломатидир;

— олтинчи, хизматкорларни лаънатлашдан ўзни тийиш, чунки бу золимлар фелидир;

— еттинчи, ёмон дуо ва ҳақоратдан;

— саккизинчи, одамларнинг ранжишига сабаб бўладиган кулгу ва масхаралашдан.

Кўриниб турибдики, Шарқнинг буюк мутафаккирлари инсон нутқига қўйиладиган талаблар хусусида фикр юритишаркан, айни вақтда унга ўргатиш масалаларини ҳам четлаб ўтмаган. Шундай экан, ёш авлодга она тили сабоғини беришда, таълим ва тарбия уйғунлигига эришиш муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак.

Холбиби ҚУРБОНОВА,
Навоий вилоят ПҚМОИ тил ва адабиёт кафедраси мудири

Xabarlar oqimi

МУҲИМ ВАЗИФА

Қўрғонтепа туманидаги 37-ўрта мактабда БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти ташаббуси билан «Камқонликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ўқитувчилар, ўқувчилар, маҳаллаларда истиқомат қилувчи аёллар иштирок этдилар.

Йиғин қатнашчилари дастлаб тумандаги 5-ўрта мактабнинг «Шифо» гуруҳи ҳамда 8-гимназия-интернатнинг «Соғлом авлод» гуруҳлари ўртасидаги саломатлик беллашувини томоша қилдилар. Беллашувнинг 3 та шарти бўйича бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда 8-гимназия ўқувчилари ғолиб деб топилдилар. Ғолиблар халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан рағбатлантирилди.

Тадбир иштирокчилари «Камқонликнинг олдини олиш» дастури вилоят координатори Дилоромхон Сулаймонова, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатори Дилфузахон Болтабоевларнинг маърузаларини тингладилар. Камқонликнинг олдини олиш борасида мактаб ўқувчилари орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ҳар бир халқ таълими ходими зиммасидаги муҳим вазифалардан бири эканлиги тадбирда яна бир бор таъкидланди.

ЧЎЛПОННИ ХОТИРЛАБ

Андижон шаҳрида жойлашган Чўлпон номидаги боғда эрк ва озодлик куйчиси, қатағон йилларининг қурбони Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонни хотирлаш куни ўтказилди.

Шаҳардаги 15 ва 25-мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган тадбирда шоирнинг Ватан ва муҳаббат ҳақидаги шеърлари ўқилди. Музейнинг илмий ходими З.Ҳамидова ўқувчиларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Тадбирга йиғилганлар шоир музейини томоша қилдилар. Боғда ўрнатилган шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Андижон вилоят халқ таълими бошқармасида америкалик олим Росс Кемпбелнинг ўзбекчага ўгирилган «Фарзандларингизни чин юракдан севсангиз» деб номланган китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Машҳур руҳшунос, профессор Р.Кемпбеллнинг фарзандлар тарбиясига бағишланган ушбу китоби кўплаб тилларга таржима қилинган. Бу китоб Марказий Осиёга беғараз ёрдам ташкилотининг филиали — Андижон Тараққиёт маркази томонидан нашр қилинди.

Тақдимот маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Тиллабоев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў.Охунов, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари А.Нурматов, таржимон, Андижон давлат университети тиллар кафедраси мудири А.Собировлар сўз олиб, қўлланманинг маънавий, тарбиявий ишларимизда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирдилар. Андижон Тараққиёт маркази директори Тед Элдер мустақиллик туфайли йўлга қўйилаётган дунёвий алоқаларимизда ушбу китоб ҳам алоҳида ўрин тутишини, бундай эзгу ишлар яна давом этажагини билдирди.

«Фарзандингизни чин юракдан севсангиз» китоби Андижондаги барча китоб дўконларига сотувга чиқарилди.

О.СИДДИКОВ

"ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ" МАКТАБЛАРДА

Чуст туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида 14 йўналиш бўйича тўгараклар ташкил этилган бўлиб, бу тўгаракларга 2605 нафар ўқувчи жалб қилинган. Машғулотлар асосан болалар қизиқишларини янада ривожлантиришга қаратилган.

— Марказ тўгараклари тумандаги мактабларда фаолият кўрсатади. Бунинг учун мактаб раҳбарлари алоҳида хоналар ажратиб, тўгарак ишини мазмунли ўтказишга ҳар томонлама шароит яратиб берган. Бу аввало ўқувчининг туман марказига бориб келиш учун сарфлайдиган вақтини, қолаверса, йўл харажатини тежаб қолишига ёрдам беради, — дейди марказ бошлиғи Исомиддин Зокиров.

Марказ раҳбари И.Зокиров янгиликка интилувчи, изланувчан инсон бўлганлиги боис, тўгарак раҳбарларининг замон талаблари асосида иш ташкил этишларига, ўз йўналишлари бўйича методик тавсиялар яратишига бош-қош бўлади. Тўгараклар ичида айниқса рақс, мусиқа, доира, тасвирий санъат, ёш қаламкашлар, дўппичилик, каштачилик, севимли ўйинчоқ тўгараклари энг гавжумлари ҳисобланади.

Дўппидўзлик, каштачилик, ўйинчоқлар ясаш ва тикиш, тикувчилик тўгаракларида болалар халқ амалий санъатидан хабардор бўлиш билан бирга, ҳунар ҳам эгалламоқдалар. Тумандаги 28-ўрта мактабда фаолият кўрсатаётган "Қўғирчоқ театри" аъзолари тўгарак раҳбари Шорахим Қаландаров бошчилигида ўзлари сахналаштирган бир неча томошаларини тумандаги барча мактабларда намойиш қилдилар. Ёш ўқувчиларнинг маҳорат билан рол ижро этишлари, албатта, тўгарак ишини тўғри ташкил этишнинг самарасидир.

Анвар Муродов раҳбарлик қилаётган ёш қаламкашлар тўгарагининг аъзолари Бехзод Фазлиддинов, Тоҳира Нуриддинованинг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультети талабаси бўлишига ҳам ана шу тўгаракда замин яратилган.

Тўгарак аъзолари "Қўшиқ байрами", "Иқтидорли ўқувчилар анжумани" каби кўрик-танловларнинг вилоят, республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Ана шундай кўрик-танловларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши ўқувчиларнинг билим олишга, ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини тобора мустаҳкамламоқда.

Хосият ОМОНОВА

Har bir bola bir dunyo. Uning o'ziga xos xarakteri, murg'akkina, lekin har qanday "sim-sim"larga ochilavermas sirli olami bor. Uning kalitini har kim ham topavermaydi.

Agar o'z e'tiqodingni aytmoqchi bo'lsang, faqat bir faktga tayanma, balki ko'p misollar bilan isbotla, suhbatdoshingni buni yuragiga yaqin olishga, shu narsa haqida o'ylashga va haqiqatni izlashga ishontir.

ЛАЗЗАТЛАР ИЧИДА ЭҢГ ШИРИНИ – СУҲБАТ

1-мақола

СУҲБАТДАН КИМ МАНФААТДОР?

Ажойиб сўз устаси, француз адиби А.Моруа "Суҳбат бу, ҳамкорликда қуриладиган бино", деган эди. Ҳа, инсон қанчалик сўз устаси бўлмасин, у албатта, бошқа бир инсон билан биргаликда суҳбат қуради. Бошқани ўз меҳрига, суҳбатига ром қилиш учун "Қобуснома"да айтилганидай "Киши суҳандон ва нотиқ бўлиши керак".

Суҳбатда, албатта, томонлар бўлади ва улар мулоқот давомида қарши томонга ўз таъсирини ўтказиб туради. Томонлар суҳбатда гоҳ эшитувчи, гоҳ гапирувчи, яъни гоҳ таъсир қилувчи, гоҳ таъсирланувчи ролида намоён бўлади.

Демак, биз суҳбатга ҳозирланар эканмиз, ўзимизни албатта мана шу асосий икки ролга тайёрлашимиз зарур. Акс ҳолда суҳбат табиий кечмайди.

Суҳбат инсоннинг ички дунёсини очиб, суҳбатдошларни бир-бирига таништиради. Айнан мана шунинг учун, яъни бизни бошқалар тушуниши учун суҳбатга киришамиз. "Очмасанг ким кўради, айтмасанг ким билади", деган мақолга амал қилсак суҳбат давомида бошқалар бизни билиши учун дардимизни, заруратимизни, ҳоҳиш-истагимизни, умуман бизни нима безовта қилаётган бўлса ўшани "айтамиз". Биз айтган гап маъносига, унинг айтилиш муҳити ва оҳангига қараб бошқалар ҳаракатга келади.

Ҳар қандай суҳбатнинг асосий қуроли ва истеъмолчиси одам ва унинг сўзи. Шу маънода суҳбатга тайёрланар эканмиз, биз биринчи ўринда сўз, сўз санъатига тайёрланишимиз лозим. Ахир "Қобуснома" муаллифи бекорга: "... Халойиқ сенинг сўзинг билан баланд даражага эришганингни билсин, чунки киши мартабасини сўз орқали билдирадилар, сўзнинг мартабасини киши орқали билмайдилар, чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади... Сўзни жуда қимматли, деб билгил, чунки (сўз) хор нарса эмасдир".

Суҳбат ва суҳбатдош дейилганда бу тушунчага кичик бир аниқлик киритилиши лозим. Яъни бу суҳбатдан биринчи навбатда ким манфаатдор. Айнан мана шу кўпроқ манфаатдор томон суҳбатнинг текис, таъсирчан ва натижалироқ ўтишини таъминлашга уриниши, лозим чораларни кўриши ва намоён бўлган тўсиқларни ўз вақтида бартараф қилиши керак.

Агар ўз тажрибамизга қайтсак кўриниб турадики, ҳар қандай суҳбатда гапирувчи (эҳтиёж бор экан гапиради-да) кўпроқ манфаатдор бўлади. Демак, суҳбат яхши ўтиши учун юқорида айтилган тўсиқларни айнан мана шу гапирувчи бартараф қилиши керак. Демак, суҳбат юзасида кўтарилган масалага суҳбатдошлар тушунмаса, қўйилган муаммо уларга мавҳум бўлиб қолса, айнан гапирувчи "гуноҳкор". Чунки у ўз фикрини зарур сўзларга "ўрай" билмаган, эшитувчиларга қулай оҳангда, зарур ҳиссий туйғулар воситасида етказа олмаган. Бошқача қилиб айтганда, айнан гапирувчи, яъни фаол томон ўз фаоллигини ва бу фаоллик таъсирчанлигини нофаол, яъни эшитувчига таъсирчан даражада етказа олмаган. Энг ками билан эшитувчининг имконият ва қобилиятини ҳисобга олмаган, суҳбатда таъсир муҳитини яратмаган. Айни шу жойда руҳшуносларнинг ажойиб бир тадқиқот натижасини келтириб ўтамиз. Инсон бирон бир фикрини тафаккурида жамлаб айтмоқчи бўлди. Ушбу фикрни 100 фоиз деб олайлик. Ўша фикрни киши сўзларга ўраш давомида 10 фоизини йўқотар экан. Демак, фикрдан 90 фоизи қолади. Фикрни айтиш, бошқа кишига етказиш жараёнида яна 10 фоизини йўқотади. Энди фикрдан 80 фоизи қолди. Эшитувчига айтилган фикр турли сабабларга кўра яна 10 фоиз камайиб етиб келади, яъни 70 фоиз. Айтилган фикрнинг эшитувчи томонидан фақат 60 фоизи тушунилади. Ушбу етиб келган ва эшитувчи онгига ўрнашган 60 фоиз ахборот бирлиги, у қанчалик зарур маълумот бўлмасин, агарда такрорланмаса, фикран мулоҳазадан ўтказилмаса 1 соатдан кейин эшитувчининг онгида 24 фоизигина қолар экан.

ЭШИТИШ ОДОБИ

Тўғри, суҳбат таъсирчанлиги фақатгина гапирувчи билан боғлиқ бўлиб қолмайди. Бу фаолият юқорида айтганимиздек томонлар ҳамкорлигида қуриладиган бинодир.

Ҳа, ҳаётда баъзи ҳолларда суҳбат маҳсулдорлиги айнан суҳбатдошлардан қулоқ солувчига, эшитувчига кўпроқ боғлиқ бўлади. Шунинг учун биз қуйида "эшитиш одоби, эшитиш руҳияси" мавзусига алоҳида тўхталамиз.

Айтайлик, катта лавозимли киши қабулидаги фаррошнинг арзини раҳбар қандай қулоқ солиб эшитиши, арзчи фаррош учун ўз фикрини унга етказишни осонлаштиради. Суҳбатнинг аниқ бўлиши нафақат биринчи навбатда гапирувчи фаррошга, аксинча қулоқ солувчи, эшитувчи, лавозимли шахсга кўпроқ боғликдир.

Яна бир мисол, болалар билан катталар ўртасидаги суҳбатдаги маҳсулдорлик кўпинча биз ўйлаганча боланинг қандай гапириши билан эмас, кўпроқ катталарнинг қандай қулоқ солиши, болани эшитиши билан боғликдир.

Мана шунинг учун ҳам буюк "Қобуснома" муаллифи "қизим сенга айтаман, келиним сен тингла" қабилида бундай дейди: "Ҳар кишига гапирмоқчи бўлсанг, қарагилки, у сенинг сўзларинг харидорими ё йўқми. Агар тингловчи сенинг сўзингга харидор бўлса, сўзингни сотгил, (агар шу сўзингни харидор хоҳламаса), у сўзни қўйиб, эшитувчига ёқадиган сўзни гапир, токи сўзингга харидор бўлсин".

Демак, гапирувчи суҳбат маҳсулдорлигини ошириш учун ўз фаолиятини суҳбатдошига бевосита боғлаб олиб бориши шарт. Фақат шу ҳолдагина у ўз мақсадига тўлароқ эришади. Суҳбат ва унинг қонун-қоидалари бизга бугунгина маълум бўлаётгани йўқ. Буюк мутафаккир, табиблар устози Абу Али ибн Сино ҳам бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

Насиҳат қўпол оҳангда берилиши керак эмас, суҳбатдошнинг илм даражасини ҳисобга олиш зарур, насиҳатга (ваъзхонликка) кўп берилмаслик, уни ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш лозим. Насиҳатни мулойим оҳангда, ёлғиз олиб бориш, агар таъна қилмоқчи бўлсанг, бошқалар камчилиги билан қиёслаб таъна қилиш керак. Агар ўз эътиқодингни айтмоқчи бўлсанг, фақат бир фактга таянма, балки кўп мисоллар билан исботла, суҳбатдошингни буни юрагига яқин олишга, шу нарса ҳақида ўйлашга ва ҳақиқатни излашга ишонтир.

Агар суҳбатдошинг сенинг гапларингга эътибор билан қулоқ солаётган бўлса, суҳбатни охиригача давом эттир ва ҳеч нимани сир сақлама, лекин унинг эътиборсизлигини сезсанг, гапингни бошқа мавзуга бур.

Қарабсизки, суҳбат жараёнига иккала томон ҳам бевосита алоқадор. Аммо манфаатдор томон суҳбат "жиловини" ўз қўлидан чиқармаслиги керак. Айнан мана шуни буюк бобомиз ҳам таъкидлаб ўтмоқда.

Суҳбатнинг умумий жиловини қўлдан бермаслик борасида тўхталар эканмиз, бу ўринда гапирувчи, яъни манфаатдор томон нималарга кўпроқ эътибор беришини кўриб ўтайлик:

Биринчи ўринда, албатта, мана шу суҳбатга тайёрлик, яъни таъсирга тайёрлик.

Маълумки, бирон зарурат бўлмаса биз бошқа бир киши ҳузурига бормаймиз. Бу заруратлар ўз вақтида кенг ўрганилган ва бизнинг мавзуга бевосита жиддий тааллуқли бўлмаганлиги учун уларни сал четлаб ўтамиз. Аммо, айтиб ўтмоқчимизки, мана шу зарурат бўлмас экан суҳбатнинг ўзи мумкин эмас. Шахснинг бевосита заруратни ечишга киришиши ва заруратни ечиши мумкин бўлган шахс билан мулоқоти ўз қонун-қоидалари асосида кечади. Бу борада Д.Карнеги асарлари ва улардаги тавсиялардан кенг фойдаланиш мумкин. Мулоқотда Карнегининг таклиф қилган усуллари яна ҳам маҳсулдорроқ бўлиши учун П.Экман ва айниқса К.Изард тавсияларидан кенг фойдаланиш мумкин. П.Экман инсондаги ҳис-ҳаяжоннинг ташқи кўриниши 6 та деса: қувонч, ғам, нафрат-ҳазар, ҳайрат, кўрқув ва қаҳр. К.Изад уларни 9 та дейди (қизиқиш, қониқиш-қувонч, ҳайрат, ғам-ҳасрат, ҳазар, қаҳр, уят, кўрқув ва нафрат).

Кўриниб турибдики, суҳбатдошнинг ҳис-ҳаяжони жуда хилма-хил, биз ўз суҳбатдошимизнинг бу ҳис-ҳаяжонларини ва уларнинг қандай кечаётганлигини аниқ билиб туришимиз керак. Акс ҳолда суҳбат муваффақиятли кечмайди ва ҳатто мулоқот доирасидан чиқиб кетади, кўпинча суҳбатдошлардан бири ўз фикрини тамом қилмасдан бошқа бир суҳбатдош суҳбат мавзусига тааллуқли бўлмаган гапни бошлаши худди шундан келиб чиқади.

Шундай экан, биз суҳбатгача бўлган тайёргарликка кўпроқ эътибор беришимиз, бу суҳбатга жиддий тайёргарлик кўришимиз зарур. Шундагина суҳбатнинг маҳсулдор бўлишини олдиндан башорат қила оламиз.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, биз тайёрланган суҳбатга қарши томон, суҳбатдош тайёрми, у суҳбат қилишни хоҳлайдими?

Бу савол, суҳбатдан лаззат олиш ва айниқса, суҳбат чиройли бўлиши учун асосий тўсиқлардан биридир.

Умуман олганда, ҳар ким ҳам ҳар доим бошқаларнинг суҳбатига муҳтож, тайёр иштиёқда бўлмайди. Шовқин-суронли бу замонда ҳар кимнинг ўз иши, ташвиши, ўй-хаёллари, мўлжалу ташвишлари кўп. Шунинг учун бошқалар суҳбатидан ва айниқса, унинг руҳий таъсиридан одамлар қочиб юришади. Мана шу бошқаларнинг суҳбатини хоҳламасликнинг ўзи инсон учун уни ташқи руҳий таъсиридан ҳимоя қилувчи биринчи воситадир.

Суҳбатдошнинг хоҳламаслиги одатда энг оддий кўринишда, яъни таъсирчининг, субъект объект иккиламасида, субъект таъсиридан қочишнинг қулай йўли — таъсирга диққатсизлик қилишдан бошланади.

ДИҚҚАТНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ САНЪАТИ

Дўстимиз бизга ўз дарди ва мулоҳазаларини айтаётган бир пайтда, агар биз ўз ўй-хаёлимиз билан банд бўлсак ёки қилаётган ишимизни давом эттираверсак, у албатта ё суҳбатни тўхтатади ёки бирон илож қилиб бизнинг диққатимизни ўзига жалб қилади. Диққатсизлик қилиш ва диққатни жалб қилиш бизга табиатнинг инъоми бўлиб, биз уни ёшликдан қўллаймиз. Худди шундай, ёш бола қорни очса йиғлайди, она бу йиғидан ўз диққатини олиб қочса бола қаттиқроқ йиғлайди.

Аудиторияда домла ўз маърузасини давом эттираётган бир пайтда талабалар диққатсиз қулоқ солишса домла иложини топиб уларнинг диққатини ўзига жалб қилиши лозим. Қандай йўл танлаш эса домланинг маҳоратига боғлиқ.

Бошқаларнинг диққатини жалб қилиш, бу ҳам ўзига яраша санъат, бу маҳоратни яхши эгаллаган киши, албатта, санъаткордир. Артист саҳнада мана шу санъатни намоён қилса биз берилиб унинг санъатини томоша қиламиз. Ўқитувчи бу санъатни яхши қўллай олмаса унинг ўтаётган дарси қизиқарли кечмайди. Ўз дарди ва зарурати билан бир кишининг олдига келган бошқа киши суҳбатнинг бу санъатидан фойдалана олмаса ўз ишини битира олмайди.

Бу ҳолда биз "суҳбатдош хоҳлайдими?" деган саволга Д.Карнегининг "Сизга қарама-қарши бўлган фикрдаги кишини қандай қилиб ўз тарафдорингиз қилиш мумкин", деган усулларидан кенг фойдаланишимиз лозим.

Суҳбатдан қочишнинг энг оддий ва қулай йўли бу суҳбатдошга диққатсизлик, эътиборсизлик кўрсатишдир, деган эдик юқорида.

Суҳбатда эътиборни ушлаб туришнинг кучли воситаларидан бири кўзни-кўзда, нигоҳни-нигоҳда ушлаб туришдир.

Руҳшунос олимларнинг олиб борган тадқиқотларига қараганда, суҳбатдошлар оралиғидаги масофа миллий урф-одатларга кўра ҳар хил бўлар экан. Америкаликлар суҳбатдошининг бутунлай бўй-бастини кўриб туришни ёқтиришади, овруполиклар учун белдан юқорини кўриб туриши етарли, осиёликлар, жумладан, хитойлик ва японияликлар учун елка, бош қисмини кўриб туриш етарли экан. Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбекларнинг бу қарашлари ҳали ўрганилмаган.

Юқорида айтганимиздек, суҳбат давомида суҳбатдошнинг, объектнинг кўз, нигоҳини кўриб туришимиз катта аҳамиятга эга. Объект субъект таъсиридан қочишнинг биринчи ва аниқ белгиси — бу кўзни суҳбатдошдан олиб қочишдир.

Суҳбатдош субъект объект кўзини олиб қочаётганини сезган заҳотиёқ уни ўзига жалб қилишга киришади. Бу ҳамма ҳам маълум ҳол. Аммо қандай қилиб жалб қилиш эса — бу маҳорат саналади. Бу мавзудаги руҳшунослик асарларидан хабардор киши хатони камроқ қилади, табиатан мулоқот моҳирлари ҳам худди шундай. Аммо ўзини суҳбатда нўноқроқ санаган киши, албатта, руҳшуносларнинг тавсиялари билан танишиб, зарур машғулотлар ўтказиши керак. Маҳоратга меҳнат билан эришилади.

Бу йўналишдаги шахслараро мулоқот маҳорати тавсиялари руҳшунослик асарларида кўп учрайди.

Демак, суҳбат давомида у маҳсулдор кечиши учун суҳбатдош, яъни субъект биринчи ўринда объектнинг диққатини, эътиборини ўзига жалб қилиши унинг нигоҳини кўздан қочирмаслиги лозим. Иккинчидан, объект диққатининг асосий таъсир давомида доимий, нотарқоқ бўлишига эришиш керак. Фақат шу ҳолдагина суҳбат маҳсулдор ўтади. Бу эса иккала томонга ҳам боғлиқ, айниқса, таъсир қилувчи томонга кўпроқ зарур.

(Давоми бор)

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

Muloqot san'atining sirlari

Taqriz

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ: ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДАГИ ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШЛАР»

"Ўзбекистон тарихи" фани илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукаммал ёритиш, ўқитувчи-ўқувчи, талабаларга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш олимлар зиммасидаги вазифа. Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, тарих фанлари доктори Қўлдош Эргашев тузувчилигида "Ўзбекистон тарихи: таълим ва тарбиядаги янгича йўналишлар (услубий тавсиялар)" қўлланмаси чоп қилинди. Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва шу университет ҳамкорлигида тайёрланган бўлиб, тавсиянома барча профессор-ўқитувчилар, халқ таълими ходимлари ва педагоглик касбини танлаган талабалар учун мўлжалланган. Қўлланмага тарих фанлари номзоди, доцент Х.Мамараҳимов масъул муҳаррирлик қилган.

Тавсияномада Ўзбекистон тарихи: таълим ва тарбиядаги янгича йўналишларнинг мақсад ва масъулияти, ўқитишдаги муаммолар ва изланишлар, янги педагогик технологияларни қўллаш давр талаби эканлиги баён этилиб, бу фандан маъруза ўқитишда, демократик тарбиявий жараёнларни олиб боришда янгича ноанъанавий йўналишлар очиб берилган. Шунингдек, қўлланмада фандан амалий машғулотлар ўтишнинг янгича йўналишлари, талабага эркинлик ва имконият бериш лозимлиги, таълим ва тарбиядаги тарбиявий уйғунлик, талабалар билимига холисона баҳо бериш каби мавзулар кенг қамраб олинган.

Бугунги кунда ёшларда фуқароликни ва у билан боғлиқ бўлган фуқаролик жамияти қадриятларини шакллантириш, уларни миллий қадриятлар билан узвий боғланган умуминсоний қадриятларга, фуқаролик вазифаларини бажаришга тайёрлаш, жамият сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий фаолиятига таъсир этувчи миллий онг даражасини ошириш тақозо этилади. Бундай авлодни тарбиялаб, вояга етказиш эса узлуксиз таълим тизими: мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, малака ошириш тизимида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларнинг таълим ва тарбия мазмунига бевосита боғлиқлигидир.

Қўлдош Эргашевнинг "Ўзбекистон тарихи: таълим ва тарбиядаги янгича йўналишлар (услубий тавсиялар)" китобчаси юзасидан умумий хулосаларимиз қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мазкур услубий тавсиялар "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ижтимоий ҳаётга жорий этишда, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари педагог-мураббийлари, профессор-ўқитувчилари учун дастуриламал бўла олади.

Иккинчидан, китобчада миллий истиқлол ғоясини нафақат таълим жараёнида, балки уни дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда демократик тарбиянинг янгича ноанъанавий услубларидан кенг, самарали фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари муфассал ўрин олган. Айниқса, бунда "Мўъжизалар майдони", "Ўйла, изла, топ", "Нима, қачон, қаерда?" каби ўйин, кўрик-танловлар кишини бефарқ қолдирмайди. Ёшлар бахс-мунозара, гуруҳларга ва жуфтликларга бўлиниб ишлаш, интервью, ижодкорлик, интилиш, мусобақа, баҳолаш ва қиёслаш каби замонавий ноанъанавий услублар ҳақида батафсил ва умумий тушунчаларга эга бўладилар ҳамда уларда мустақил фаол иштирок этадилар.

Учинчидан, китобчада Ўзбекистон тарихини ўқитишдаги муаммолар, янги педагогик технологияларни қўллаш, фан бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтишнинг янгича йўналишлари бевосита миллий дастур сифат босқичига тўлиқ жавоб беради, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, услубий тавсияларда ўз тарихини ўрганиш билан боғлиқ бўлган суҳбат сценарийси, талабага эркинлик ва имконият бериш услублари, таълим жараёнидаги тарбиявий уйғунлик, талабалар билимига холисона баҳо беришнинг якуний давлат аттестацияси (ЯДАС) ва унинг дастури, ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ёшлар сиёсий фаоллигини, миллий ўзлигини англашни янада кучайтиради. "Ўзбекистон тарихи" фани ЯДАС дастурида мазкур фан предмети, Ўзбекистоннинг қадимги, ўрта асрлар даври тарихи, хонликлар, янги тарихи, энг янги тарихи даврлари мамлакатимиз тарихини чуқур ўрганишга бағишланган.

Бешинчидан, бизнингча, "Ўзбекистон тарихи: таълим ва тарбиядаги янгича йўналишлар" услубий тавсиялар адади ниҳоятда кам бўлиб, атиги 100 нусхани ташкил этади. Бу ҳолатда Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими ва бошқа вазирликлар тасарруфидаги таълим муассасалари кўплиги инобатга олинса, фойдадан холи бўлмасди. Тарихчи олимларнинг қишлоқ ўқитувчилари билан бўлган учрашувларида ана шу услубий тавсияларга бўлган эҳтиёж, сўровлар шундан далолат беради. Шу боисдан ҳам етук олимнинг илмий салоҳияти маҳсули бўлган мазкур китобчанинг иккинчи нашрини тайёрлаб, уни бир неча минг нусхада чоп қилдириш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, ушбу услубий тавсиялар мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтиришда, миллий ўзликни англаш, ўз тарихини мукаммал билишда, уларни комил инсон руҳида тарбиялашда асосий йўл-йўриқ вазифасини бажаради.

Аброр ҲАЗРАТКУЛОВ,
ЎзДЖТУ маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректори, тарих фанлари доктори, профессор,
Турсунбой СУЛТОНОВ,
Тошкент давлат итисодиёт университети "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

Uzluksiz ta'lim

БОҒЧА ВА МАКТАБ

улар ўртасида «хитой девори» бўлмаслиги керак

"СИМ-СИМ"ЛАРГА ОЧИЛМАГАН СИРЛИ ДУНЁ

... Ҳар гал боғчалар ёнидан ўтар бўлсам, қизимнинг тарбиячиси Амина опа кўз ўнгимда гавдаланаверади. У киши жуда меҳрибон, оқила, зийрак, энг асосийси, барчамизнинг болаларимизга жони ачиниб, юрагидан меҳрини бера оладиган ўз касбининг фидойиси, билимдони эди. Опа тарбияланувчиларнинг барчасини ота-оналари билан қавму қариндош, жон-жигардек бўлиб кетар, улар билан дилдан суҳбатлашар, ҳатто дам олиш кунлари уйларига йўқлаб борарди. У таътилга чиқишни ҳам йилнинг августигача чўзиб борар, "дам олишга кетсам болаларимни бошқалар тушунмайди..." дея жажжиларини ҳеч кимга ишонмасди. Шу тариқа қизалоғим оз эмас, кўп эмас олти йил унинг қўлида тарбия топди. Ўйлаб кўрсам дилбандим феъл-атворидаги энг нозик жиҳатларни мендан олдин Амина опа кашф этган экан. Қизиқишлари, ҳиссиётларини ўстиришда опа энг биринчи мураббий, кўмакчи бўла олибди...

... Ҳеч ёдимдан чиқмайди: хайрлашув кечаси опа кўзида ёш, полапонларини учирма қилаётган она қушдек болаларни гир-гир айланади. "Вали сенга пирожний ёқмайди. Юзингда тошмалар тошиб кетади-я, Шоҳсанам музқаймоққа сенда аллергия бор... Ўлмасимнинг хотираси яхшию шеър айтишга йўқроқ. Шунинг учун рақсга тушади... Ҳалима актёрликни боплайди". Хуллас, ҳаммаси иқтидорли. Фақат уларни тушуниш керак-да... Бир четда унинг ҳаракатларини кузатиб туриб, боламни ўқитувчиси қачон опадек кашф этиб оларкан деган ўй мени ташвишлантирганди ўшанда. Амина опа йиллар ўтса ҳам болаларининг ҳолидан хабар олиб турар, опанинг бу одатини қайсидир муаллим хушлаб ўзининг энг яқин маслаҳатдоши деб билар, кимдир эса "эзма"лигидан безилларди...

Аслида-ку, ҳар бир бола бир дунё. Унинг ўзига хос характери, мурғаккина, лекин ҳар қандай "сим-сим"ларга очилавермас сирли олами бор. Унинг калитини ҳар ким ҳам топавермайди. Тогиб яхши ўқувчига айлантира олиш учун эса Амина опаларнинг сабоғини олиш зарур бўлади. Биз катталар боланинг кўнгли, қарашлари билан кўпам ҳисоблашавермасак-да, ҳар бир воқелик, муносабатга унинг ҳам ўз баҳоси, "қайтаражак жавоблари" бор. Ҳар бир боланинг ўз қизиқиши, бир-бирига ўхшамас интилишлари бўлгани каби неларгадир қобиллиги, нималаргадир нўноқлиги ҳам борки, атрофдагилар, айниқса, тарбиячи ва ўқитувчилар унинг бу жиҳатларига эътибор қаратмасалар катта йўқотишларга йўл очиб қўйиши мумкин.

Мавзумизга қайтсак. Беш-олти йил бола оламининг энг нозик нуқталаригача кашф этишга улгурган тарбиячи нега мактабдан узоқда? Ёки биринчи синфни қабул қилишга жазм этган муаллим нега йўлини боғча томон бурмайди. Ахир, унинг учун энг зарур бўлган сирли калитлар тарбиячининг қўлида-ку?! Тўғри, муаллим ўзига ишонган, малакали, билимли мутахассис бўлиши мумкин. Лекин бола билан "тил топиши" учун кетадиган вақтни қисқартириш мумкинлиги тарбиячи ва ўқитувчининг ҳамкорлигида экани аён-ку!

Бу эътирозларимиз ва мазкур мавзу сабаб кўпгина бошланғич синф ўқитувчилари билан ана шу ҳамкорлик ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлдим. Лекин кўпчилигидан "мактабдан ортмаймиз" қабилида жавоб олдик. Мактабдан ортиш учун эмас, мактаб ишига киришиш учун бу ҳамкорлик зарурлигини улар қачон теран англаши эса бизга қоронғу!

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг дебочаси экан, бошланғич синфларни ўқитиш таълим тизимида нолдан бошлаш эмас, тўғри давом эттириш бўлиб қолмоғи керак.

ЎРТАДАГИ БИР ҚАДАМ ЙЎЛ

Навоий шаҳридаги 5-"Наврўз" мактабгача таълим муассасаси 7 ва 17-мактабларнинг ёнгинасида жойлашган. Масофанинг бу яқинлиги тарбиячи ва ўқитувчиларнинг ҳар куни изланиб, диллашиб туришига катта имконият яратган. Энг қувончлиси, бу яқинлик ўзаро ҳамкорликка ҳам уланиб кетган. Тарбиячи ва ўқитувчилар турли тадбирларни биргаликда ташкил этишади. Бу каби муносабатлар эса, ўз навбатида, тарбиячининг бугун ўқувчига айланган ўғил-қизларининг ҳаёти билан қизиқишига, кези келганда"... фалончи билан бу оҳангда, ... фалончи билан бундай тарзда муомалада бўлиш керак" қабилида йўлланмалар беришига имкон яратади. Тадбирни ёки тайёргарликни ёхуд машғулотларни кузатаётган ўқитувчи эса, ўзининг бўлажак ўқувчисини "таниган, билган"дек бўлади. Таъбир жоиз бўлса, бола оламининг сирли калитини шу тахлит боғичидан тутади.

"Наврўз" вилоятдаги энг яхши мактабгача таълим муассасаларидан бири. Бу ерда икки юзга яқин болажонлар тарбияланмоқда. Муассасада болаларни миллий қадриятлар ва анъаналар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. 1997 йил ташкил этилган "Маънавият ва маърифат" хонасига халқ оғзаки ижоди, халқ амалий санъатидан намуналар, тарихий ёдгорликлар тўғрисида расм ва кўргазмалар, қўлда ясалган турли мавзудаги композициялар, машғулотлар ишланмалари, стендлар тартиб билан жойлаштирилган. Шунингдек, боғчада "Экология музейи" ташкил этилган бўлиб, у ердан Қизилқумнинг бепоён кенгликлари жонли ва жонсиз табиатини акс эттирувчи экспонатлар, халқнинг турмуш тарзини ифодаловчи тасвирий лавҳалар, кўргазмалар ўрин олган. Бу манбалар нафақат тарбияланувчиларнинг, балки бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳам ноанъанавий тарзда машғулотлар ўтишида муҳим қўлланмалар бўлиб хизмат қилаётир. Бу бисёрликларнинг боғчага ўқитувчиларни чорлаши ҳам биз истаётган ҳамкорлик сари бир қадамдир. Муассасада ташкил этилган "Бойчечак" болалар фольклор дастасининг мактабларда ўтказилаётган турли шодиёналарда иштирок этиши ҳам маълум маънода мактаб ва боғча ўртасидаги яқинлашишнинг йўналишларидан.

— Болалардаги айрим хасталиклар шу ердаги текширишларимиз натижасида аниқланади, — дейди ҳамшира О.Норқобилова. — Биз бу ҳақда ота-оналарни бохабар қилиб, имкон қадар даволашга ҳаракат қиламиз. Касаллик бола организмида сурункали тарзда давом этаётган бўлса, кейинчалик мактаб шифокори, ўқитувчисига ҳам етказамиз. Шу тариқа хасталик илдиз отишига йўл қўйилмайди. Баъзан ўқитувчилар "... фалончи инжик экан, фалончи жисмоний тарбиядан бунақа..." деб қолишади. Шу ўринда ҳам тарбиячи ва ўқитувчи ўртасида алоқа бўлса, боланинг табиатига қараб иш кўрилса, менимча, кутилган натижага эришиш мумкин.

— Шиоримиз ҳар бир кичкинтойни улуғ инсон ўрнида кўриб тарбиялаш, — дейди муассаса раҳбари Башорат Тошева. — Айни пайтда муассасамиз "Диншунослик" курси бўйича тажриба-синов майдончаси ҳисобланади. Мактабгача таълим босқичида "Одоб дурдоналари" курси ўтилаётган бўлса, амалдаги режага асосан бошланғич синфларда "Одобнома" дарсларига уланиб кетади. Кўриниб турибдики, бу фаолият ҳам боғча ва мактаб ўртасидаги ҳамкорликнинг зарурат ва шартлигини кўрсатиб турибди.

Боғча ва мактаб ўртасидаги бу тахлит ҳамкорликни яқин йўлгина эмас, таълим ва тарбиядаги якдил ташвиш, олий мақсадлар яқинлаштириши, бирлаштириши шарт. Лекин кўпчилигидан ёшлар ўртасида «хитой девори» бўлмаслиги керак. Бошланғич синф муаллимлари ҳам бу ерга ташриф буюриб, бўлажак ўқувчиларининг қизиқишлари, интилишлари билан танишади. Марказда ўтказилган "Мустақиллик болалари" мавзусидаги машғулотни кузатиб, бу ерда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш кўнгилдагидек эканлигига амин бўлдик. Ушбу машғулотнинг мақсади, болаларнинг она табиатга меҳр-муҳаббатларини ўстириш, Ўзбекистоннинг мадҳияси, герби, байроғи ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш, болаларнинг нутқини ривожлантириш, ҳарфларни таниб, айтиб, тўғри талаффуз қилиб, сўзларни бўғинларга ажратиш, тез айтиш, шеърларни ёд ўқиш, сон-саноқ малакасини ошириш, аралаш сонларни тартиб билан жойлаштириш, геометрик шаклларни билиш малакасини мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Машғулотнинг бориши: Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, болажонлар. Бугун маҳаллада ташкил этилган "Саводхонлик маркази" болалари олган билимларини намойиш этишади. Марҳамат, болажонлар.

Болалар навбат билан шеър айтишади:

Дўстлар, менинг юртимни
Ўзбекистон дейдилар...

Тарбиячи: Раҳмат болажонлар. Шеърларингиз нима ҳақида эди?

Болалар: Ватанимиз Ўзбекистон ҳақида.

Тарбиячи: Ватан ҳақида яна нималар биласиз?

Болалар галма-гал мақоллар ва ҳикматли сўзлардан айтишади.

Тарбиячи: Хўш Ватанимиз рамзларини биласизми?

Болалар Ўзбекистон герби, байроғи ҳақидаги тушунчаларини баён этишиб, мадҳиямизни қуйлаб беришади.

Тарбиячи: Шундай юртга муносиб бўлиш учун сиз билимли, ақлли инсонлар бўлиб камол топишингиз керак, шундайми. Хўш, одобли бола қандай бўлиши керак?

Болалар ўз тушунчаларини мисоллар билан давом эттиришади. Ҳордиқ чиқариш машқлари ўтказилгач, болалар Ўзбекистондаги шаҳарлар, унинг ҳайвонот олами, бойликлари, юртимиздан ўтган улуғ аждодларимиз ҳақидаги билимларини ҳам намойиш этишди. Бу жараёнда жажжиларнинг ҳарфларни таниши, математика илмидан бохабарлиги, ясаш, бўяш, чизишга лаёқатлари ҳам синовдан ўтказилди. Дарс болаларнинг бадиий чиқишлари билан якунланди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

20 йиллик тажрибага эга Дилбар Қодирова Тошкент шаҳридаги 179-мактабгача таълим муассасасида фаолият кўрсатади. Ота-оналар эътиборини тортган тарбиячи машғулотларни ноанъанавий тарзда олиб боради.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

Dushmanning o'lgani o'ldi, qochgani qochib qutildi, to'pu to'pxonalar o'lja bo'lib qoldi. Bu o'ljalarga merganlar qaramay, G'irotning izidan ergashib, tog'ning boshiga qarab, Avaz bilan G'irotni axtarib borayotir.

Avaz bog'otga etib, eshikni ochib ichkariga kirdi. Shunday qarasa, olmalar pishib yotir, ostiga tushib yotir. Bir naqsh olma Avazning boshiga tegayin deb turibdi. Olmadan emoqchi bo'lib, qo'l uzatdi. Olma darillab osmonga chiqib ketdi, qo'li etmay hayron bo'lib o'tdi.

MALIKA AYYOR

DOSTON

(Davomi. Boshi 83-84 sonlarda.)

Dushmanlar qarasa, ikki otliq, tog'dan baqirib, chaqirib, siyosat qilib kelayotir. Buni ko'rib: "Boyagi Go'ro'g'lining odami ekan, bu kelayotganning birovi tayin Go'ro'g'li", deb dushmanlar zanglovini tashlab, otini bitta-bitta ushlab, qochar yo'lini boshlab turdi. Merganlar shunday qaradi, lashkar qo'zg'oldi. Urush ko'rib yurgan giranda emasmi, Go'ro'g'lining otini tutib: "Mana men urushga keldim, Go'ro'g'li bo'laman, qayoqqa qochib qutilasizlar!" deb ikki mergan birdan dushmanning ustiga ot qo'ydi.

Dushmanlarni to'plab olib,
Etganiga qilich solib,
Har dara o'likka to'lib,
Bosh kesar maydon ichinda.

Tog' askarin cholib tuman,
Dushmanlarga bermay omon,
Shu sifatda Asad, Shodmon
Bosh kesar maydon ichinda.

Kesildi dushmanning boshi,
Sel bo'lgandir ko'zda yoshi,
Shuldir merganlar savashi —
Bosh kesar maydon ichinda.

Oshiq fahmi aqshom-kecha,
Holin bilmaydi birnecha,
Dushmanlardan o'ldi ancha,
Qirildi maydon ichinda.

Yetganiga qilich soldi,
Nechasining boshin oldi,
Dushman qochdi yo'lga kirib,
To'pu to'pxonalar qoldi.

Eshitingiz merganlarning so'zini,
Qamsab kesdi dushmanlarning o'zini.
Nogahondan borayotib merganlar,
Yo'lda ko'rdi G'irko'k otning izini.

Merganlarning xasta ko'ngli buzildi,
Ko'zdan yoshi qatra-qatra tizildi.
Otning izi qizil qonga to'lipti,
Ikki mergan toqqa qarab burildi.

Shunda dushmanning o'lgani o'ldi, qochgani qochib qutildi, to'pu to'pxonalar o'lja bo'lib qoldi. Bu o'ljalarga merganlar qaramay, G'irotning izidan ergashib, tog'ning boshiga qarab, Avaz bilan G'irotni axtarib borayotir.

Tog'ning ustiga chiqib bordi. Merganlarning otini ko'rib, G'irko'k kishnab qo'yaberdi. Buning kishnaganini Avazjon eshitib, "Dushmanlar kelib qoldi", deb jon talvasasida boshini ko'tarib qaradi. "Bular o'zimizning odamlarimiz ekan", deb yana boshini qo'yib yotdi. Merganlar Avazning bu holini ko'rib: "Endi Avazni o'ldirmak kerak. Buning hech nimaga holati kelmay qolgan ekan", dedi. Yana o'ylab aytdi: Avazni o'ldirsak, o'lar ketar, lekin Avazni o'ldirib, G'irko'kning o'zini Chambilga quruq minib olib borolmasmiz, Torkiston shahrida Malik parini ham ikkovimiz ololmasmiz. Endigi maslahat: dori-darmon qilayik. Avazni tuzatib olayik. Avaz o'zi uchun o'zi xizmat qilib, Torkiston borar, Malika parini olar, bizlar birga yurib shaharlarni tomosho qilib ko'rganimiz qolar. Qaytib shu erga kelganda Avazni o'rtaga olayik, tanidan boshini yulayik, Go'ro'g'li: "Avazni qayoqqa ketdi, qayoqda qoldi", deb so'rasa, Avazing bir devning qanjig'asiga ilinib bekorga o'lib ketdi, — deb erkin turib aytayik. "Barakalla merganlar, tila maqsadlaringni"! desa Hazorasp shahrini tilab olayik, — dedi. Asad mergan aytdi: "Ey Shodmon aka! Tila deganda Hazorasp shahrini tilab turma, Bolqiyon shahrini ham qo'shib tila! Bola-chaqang rizqi deb, bir shahar bizlarga nima bo'ladi?!".

Ikki mergan bu so'zni ko'p o'ylab, maslahat qilib, Avazning qoshiga bordi. Otdan tushdi, Avazning badaniga tekkan o'qlarni oldi, o'qning joyidagi qora qonlarini so'rib tashladi. Avazga dori topmoq uchun toqqa chiqib ketdi. Nogahon bir ayiq chiqdi. Otib olib, o'tini oldi. Yana bir kiyikni otib, kindigini oldi, toshbaqaning tuxumini olib, uchchavini birga qo'shib, yumurtqa malham qilib, Avazning yaralariga tortdi.

Avazning yarasi andak tuzalib, otga minadigan bo'ldi: uchchovi otlanib, otlariga minib tog'dan pastga enib, ketaberdi. Shunda Asad mergan Avazga qarab bir so'z deb borayotir:

Ushbu damning damlarini dam dema,
Shukur qilgin, davlatingni kam dema,
Men esonda, Avaz o'g'lon, g'am ema!

Hamroh bo'lding, Asad, Shodmon to'raga,
Rad berarman ko'kdan kelgan baloga.
Dushmaningdan aslo qo'rqma, Avazjon,
Men esonman, g'am emagin sadag'a...

Xudoyim saqlag'ay bandani omon,
Boshingdan ketganday qayg'uli tuman,
Ish ko'rsatadi Asad bilan Bek Shodmon,
Jafo ko'rib, xafa bo'psan, Avazjon.

Avazjon indamay, "ko'tarilsang-ko'tarilaber", deb tog' orasida ketaberdi. Asad merganning ko'zi fil mingan dushmanning o'ligiga tushdi. Qo'rqib otning jilovini tortib, nash'asi uchib, xayoli qochib turdi. Avaz aytdi:

— Botirlar, haydaybering, bu yotgan o'lik.

Merganlar so'radi:

— Avazjon, buni kim o'ldirdi?

Avaz aytdi:

— Men o'ldirdim.

— Ey Avazjon, shuni o'ldirgan bo'lsang, sen ham yaxshi bo'lib qolgan ekansan, — dedi merganlar.

Bundan o'tdi, Badbaxt cho'lga etdi. O'lik degan bog'day bo'lib qiyrab yotibdi.

— Buni ham men o'ldirdim. Shu erda yarador bo'lgan edim, — dedi.

Merganlar aytdi:

— Avazjon sen durust bo'lib qolgan ekansan, sening oyoq olishing durust ekan, bizlar bilan birga yurib, urushning tartibini ta'lim olsang, bizlarday bo'lib qolasan, ekan, — dedi.

Lekin Avaz bularning so'ziga indamadi, javob ham bermadi. Uchchovi qirq kecha-kunduz yo'l yurdi.

Yo'l yura-yura savr degan kunlarda Beldos degan bir qirga yetib, uchchovi otdan tushib, otlarni o'tlatib yotdi. Merganlar aytdi:

— Avazjon, bora turgan joying yaqinmi? O'zing bilasanmi, necha kunda borasan, qaysi shaharga borasan? Kunma-kun bedov otlar bilan yo'l tortamiz. Sira yetmaymiz, o'zing yo'lni bilasanmi yo bekorga yurib, adashib ketib borayotibmizmi? Dunyoning yuzidan chiqib ketdik. Endi dunyoning chetiga borayotirmiz.

Avaz aytdi: — Men ham ko'rganim yo'q. Otam, shu yoqda, deb aytgan edi. Uchchovi so'zlashib gaplashib turib edi, bir tepadan tutun chiqayotir. Merganlar aytdi: — Ey Avazjon, anov tepadan tutun chiqayotir, boradigan shahring shu tepaning ostida bo'lmasin?

Avaz aytdi: — Bo'lsa bo'lar, ikkoving bir borib, xabar olib kelsalaring-chi!

Merganlar aytdi: — Avazjon, sen yoshsan, chopqillab borib xabar olib kelsang; shahar bo'lsa, kelib bizlarga xabar bersang, undan keyin boramiz.

Avaz xayr deb o'rnidan turib, piyoda bo'lib, tepani aylanib borib qarasa, oldidan bir g'or chiqdi. G'orga boraverdi. Qarasa, darvoza ko'rindi. Darvozani ochib ichkari kirib qarasa, qirq dev araq-sharaq ichib mast bo'lib o'tiribdi. Chiqib turgan tutun sag'al mast bo'lib o'tirgan devlarning dami edi. Bu qirq devning kattasini Yaproqdev der edi. Avazjonni ko'rib, vaqti xush bo'lib kulib, "Xudodan har nima tilasak berar ekan, mast bo'lib edik, ustidan eydigan barra kabobni ham berdi", deb oldidagi xizmatkor devlarga qarab bir so'z dedi:

Yosh o'g'lonning bilmaganin bildiring,
Urmay, so'kmay, shodiyona kuldiring,
Barra go'shtin kanoraga ildiring,
Hayollatmay yosh o'g'lonni o'ldiring!

Avaz bu so'zni devdan eshitib, devlarga qarab bir so'z deb turibdi:

Chambilning qo'chqori o'zim bo'laman,
Qilich ursam darrov boshing olaman,
Otlanaber hayollamay, zo'r devlar,
Chambil eltib seni loyga solaman.

Ostimda o'ynaydi yuz alvon otim,
Maydonli kun tosha kelar g'ayratim,
Otlanaber hayollamay, zo'r devlar,
Chambil elga eltsam bo'lar maqsadim.

Ul meni buyurgan, Go'ro'g'li polvon,
Go'ro'g'li o'g'liman, otim Avazjon,
Hayollama, oldima tush bu zamon,
Yo'qsa, qilay boshingga oxir zamon!

Go'ro'g'li degan so'zni eshitgandan poygada devlar qochib to'rga o'taberdi. Bir-birini bosib, takbiridan adashib, aqli shoshib, to'polon bo'lib qoldi. Shunda Yaproqdev aytdi: — Ey devlar, shoshmanglar, hovliqmanglar! Men gapning rostini so'rayin, qo'rqmanglar, bu kelgan jonday jiyanimiz bo'lar ekan, — deb Avazjonga qarab bir so'z degani:

Asqartog'ning boshin cholgan tumanmi,
G'amli qulga mudom oxir zamonmi?
Tanimasni siylamas der, Avazjon,
Chambil elda Misqol opam omonmi?

G'am bilan sarg'aydi guldayin diydor,
Bir nechalar o'z holidan bexabar,
Chambil eldan kelgan bo'lsang, bek-tojdor,
Chambil elda Yunus, Misqol opam bor.
Yunus pari, Misqol opam omonmi?

Xazon bo'lib bog'da gullar so'lmasin,
Xayolingga boshqa gaplar kelmasin,
Bu so'zni zo'ravon yeznam bilmasin,
Qora kunni bizday sho'rga solmasin,
Chambilda Go'ro'g'li yeznam omonmi?

Avaz: — Davlatimdan sholi sholdan o'rading,
Gul tarzing sarg'ayib menga qarading,
Parizod enamni mendan so'rading,
Shu enamning sen nimasi bo'lasan?

Yaproqdev: — Sen eshitgin tog'alaring so'zini,
Bizlar ko'rdik, bek yeznamning o'zini,
O'n yarim lak devga zo'rlik yetkizib,
Olib ketdi Shovrubshohning qizini,

Bir kunlari keldi daryoday toshib,
Irambog'da devlar bilan savashib,
Devlar qoldi unda aqli shoshib,
Bir-biridan devlar yurgan adashib,

Olmadayin so'lgan, gulday tarzim bor,
Avaz o'g'lon, senga aytar arzim bor,
Enang parilarga podshoh vaqtida,
Bizlar edik ul enangga xizmatkor.

Aytgan so'zin poyon niqobi erdik.
Enang parilarga podshoh vaqtida,
Ul enangning bizlar meshkobi erdik,
"Tanimasni siylamas" der, Avazjon,
Bul tog'ang bo'lmasin yana gunohkor.
Otangga aytmagin, Avaz zo'ravor.

Shunda bu qirq dev Avazjonga uzr-ma'zurlar aytib, tanishib, so'rashib, hammasi bo'lakdan ko'rishib aytdi: "Otingiz, jo'rangiz yo'qmi, bu yerlarga bir o'zingiz piyoda keldingizmi?" deb so'radi.

Avaz aytdi: — Otimiz, mehmonimiz ham bor.

— Unday bo'lsa biroving borib olib kel! — deb Yaproqdev buyurdi.

Birovi yugurib, tepaning orqasiga qarab chopib chiqdi. Merganlar qarasa, tepada bir dev yalanglab kelayotir. Merganlar buni ko'rib, aqlidan shoshib, ko'zi qamashib, Asad Shodmonga qarab aytdi: — Ey Shodmon aka, bu yer devning joyi ekan, Avaz borgan, so'ng Avazni yeb turib, "Buning jo'rasi bordir" deb bizlarni axtarib kelayotir.

Ikkovining aqli shoshib, devga qaramay ketaberdi, dev qo'l bulg'ab qancha chaqirdi, bular qaramadi; nochor, qaytib Avazning oldiga keldi.

—Jiyanim, u mehmonlaringiz qanday?! Bu yoqqa yuring deb chaqirsam, qaramay, u yoqqa ketib borayapti. Yugurib, jilovlab qaytarayin desam, sizning ko'nglingizga "qo'rqitibsan", degan gap kelar deb, qaytarolmay yugurib keldim, — dedi.

Avaz aytdi: — Sizlardan qo'rqmoq qayda! Ularni Chambil elda Asad, Shodmon sher deydi, har qaysisi ta'tilga 90 devni yer deydi.

Dev aytdi: — Yetmagan ajalim; etmaganim, jilovlab qaytarmaganim yaxshi bo'lgan ekan.

Avaz aytdi: — Otam meni sizlarga buyurganda ikkovi birga chiqib edi: "Avaz bilan birga borayik, horigan-charchagan devlarni yeb kelayik" deb kelgan edi. Ular qo'rqib qaytib ketgan emas; ularning oti hurkib, jilov bermay ketayotgandir. Men, sen hayallab ketganda, seni ular eb yotgan ekan deb gumon qilib turgan edim. Unday bo'lsa, men o'zim borib ularni olib kelayin, — deb Avazxon g'ordan chiqib qaradi, ko'zko'rim erda qorayib ketib borayotir. Avaz ularga qarab, qo'l bulg'ab chaqirdi. Avazning tovushi ularning qulog'iga bordi. Merganlar: "Avaz bor ekan-ku" deb, Avazning oldiga qaytib keldi. Aytdi: — Avazjon! Bu yerda devlar bor ekan. Sen devni ko'rsang og'a, tog'a chiqib qoladigan kasaling bor. Bizlarni endi ergashtirib devlarga yedirib qo'ymagin!

Avaz aytdi: — Bir dev ekan, uni men kattalik qilib "Aytib kel", deb buyurib edim. Bir dev bo'lsa, sening biroving ham bas bo'lasan.

— Unday bo'lsa hayda, boramiz, — deb merganlar Avaz bilan birga kelib, sherdillik bilan darvozadan kirib qoldi. Go'ro'g'lining hurmatidan qirq dev birdan yugurib kelib, otining jilovidan ushlab qoldi. Bu devlarni ko'rib merganlarning rangi-tusi o'chib, Shodmon mergan otga suyanib bazo'r tushdi. Asad mergan qo'rqqanidan qurg'ur o'zini to'xtatolmadi. Tushayotib, bir oyog'i uzangida qoldi. Devlar hayron qoldi.

— Bu mehmon nimaga yiqildi? — dedi.

Shunda Avazjon bu so'zni aytib turgan ekan:

Mehnat tortib Chambil eldan kelasan,
Dev go'shtiga xumori bo'b yurasan,
Devning mo'lin bu erlarda ko'rasan,
Qirq tog'amning barin nobud qilasan.

Sen eshitgin Avazning nolishini,
Yolvorib o'rtaga solgan ishini,
Bu orada Avaz o'g'lon bo'lmasa,
Sen yeysan-ku qirq tog'amning go'shtini.

Nodon ko'ngil har xayolda bo'lmagin,
Qirq tog'amning barin nobud qilmagin.

Sendayin mardlarning holin bilar-da,
Ayriliq g'amlarning bag'rin tilardi,
Qirq tog'amning barin nobud qilmagin,
Birovin o'zingga so'yib berar-da.

Bu so'zni aytib merganlarni so'z bilan qaytarib, ko'nglini xushlab, mayxonaga ergashtirib boshlab olib bordi. Devlar Avazjon vaqti xush bo'lib, "Avaz bo'lmaganda bular hammamizni yer ekan", deb Avazdan minnatdor bo'lib, mehmonlarning ostiga to'shak tashlab, ko'p siyladi, yugurib qildi xizmatni, qildi ziyofatni. Bir qo'yni so'yib, sho'rvasiga to'yib, go'shtini pishirib, korsonga solib, bular uning oldiga qo'ydi. Avaz go'shtdan olib yeyayotir, Shodmon mergan ham olib yeyayotir, Asad mergan ham bir tuyurini olib, yemoqchi bo'lib og'ziga soldi, qo'rqqan qurgur, go'shtni tomog'idan o'tkaza olmay yutunib, tomog'ida qoldi. Shunda devlar so'radi: — Avaz jiyanim, bu mehmon nimaga go'shtdan yemaydi.

Avaz aytdi: — Bir tuyurini olib, "dev go'shtimikan", deb og'ziga soldi. Qo'y go'shti ekanligini bilib yemay qoldi. Bunisi odamning aytganiga uncha-muncha ko'nadi, shunisiga bittalaringni so'yib bermasalaring bo'lmaydi.

Devlar ham Asaddan qo'rqadi. "Qoni suyuq, rangida qoni yo'q, ko'zi olaygan, yomon yigit ekan", deb devlar qo'rqib turipti.

— Ey jiyanim! Bizlarni kam qilib nima qilasiz, bizlar qirqtamiz. Anov yerga borsalaringiz, qochib yurgan, uchib yurgan oqsoq-to'qsoq devlar ko'p, shulardan ushlab olib bosib, yeb ketaberasizlar, — dedi. Asad merganning bo'g'ini bo'shab ketdi. "Devlarning bari shu desam, bulardan boshqa devlar ham bor ekan, endi men qanday qilaman", deb ko'zi bo'zarib, tusi qochib ketaberdi. Shu ko'rgulikda shu oqshom bular devlarning mayxonasida yotdi.

Erta bilan tong otdi. Kun choshga haddiga etdi. Lekin devlar, "Hasharga olib boraman" deganini eshitgan emasmi, ko'nglida o'ylab, "Haydab ketib qoladimi", deb hayron bo'lib turibdi. Shunda devlar "Yo'l bo'lsin deb so'rayik, ko'nglida nima borin bilayik", deb Yaproqdev Avazjonga qarab bir so'z dedi:

Gap eshit, Avazjon, aytgan tilimdan,
Olmos po'lat ayrilmaydi belingdan.
Ne sababdan chiqding Chambil elingdan,
Yo'l bo'lsin, Avazjon, qayga borasan?..
Ostingda bek otangning tulpari,
Sen bo'lasan, Chambil elning qo'chqori,
Yo tegdimi bir parining xabari?
Yo'l bo'lsin Avazjon, qayga borasan?

Avazjon devlarga qarab, sir holini xabar berib bir so'z deb turipti:

Shakarko'lga otam ovga boribdi,
Malikaday parizodni ko'ribdi,
Oltmish yillik yo'lni qaror beribdi,
Torkiston deb pari va'da qilibdi...

Va'da bergan Malikaday gajakdor,
Ko'rsat, devlar, menga Torkiston shahar,
Otam amri bilan keldim muqarrar.

Bu aytgan so'zimni hazil bilmagin,
Badbaxt devlar tarqashovlik qilmagin,
Hazil bilib, g'arib bo'lib o'lmagin,
Torkistongachayin bo'ling xizmatkor,
Bek otam bo'lmasin yo'lga intizor!

Yaproqdev Avazga qarab aytdi: — Jiyanim, bizlar Yamandan Yasarni, Xitoy — Xo'tonni, barcha jahonni, shahri Bejonni qolmay, uchamiz, haligachayin bunday parini, bunday shaharni hech yerdan eshitganimiz yo'q, yangitdan sizdan eshitib turibmiz.

Unda Avazjon: — Eshitgan bo'lmasalaring endi bizga xizmat qilsalaringiz, — dedi. Yaproqdev: — Xayr; bizlardan nari — yigirma yillik yo'lda Qizildev degan bir dev tog'angiz bor, shundan so'raysiz-da, shu bilmasa, bizlar bilmaymiz; dev tog'angizning xizmati, Go'ro'g'li yeznamning hurmati, — deb Yaproqdev bir tilsimot o'qib, uchovini uchta olma qilib, yoqasiga soldi-da, qo'ydi; yana bir tilsimot bilan uch otni uch to'rg'ay qilib, qo'yniga soldi, shunday qilib osmonga uchib ketaberdi.

Avazjonga devlar bo'ldi xizmatkor,
Falakda bulutman bo'ldi barobar,
Olma bo'lib Avazjonday zo'ravor,
To'rg'ay bo'lib chuldiraydi bedovlar.
Torkiston deb ko'zlab uchadi devlar,
Bu ishlardan Avaz o'g'lon bexabar,
O'n kecha-o'n kunduz uchgandir shu dev,
Bir erga quyulib tushdi muqarrar.

Bir tilsimot bilan Avaz merganlari bilan qadimgi asliga keldi, otlari ham asliga keldi. Shunda Avazxon aytdi: — Tog'a! Sizning joyingizdan beri qanchalik yo'lga keldik? Dev aytdi: — Jiyanim, men kecha-kunduz uchib kelayotirman, mening yurishimda yigirma yillik yo'lga kelding.

— Tag'in yo'l boshlang, — dedi.

Unda dev aytdi: — Men o'z chegaramizga keldim, buyog'iga borolmayman, mening xizmatim shu bo'ldi, endi sizlarga quvvat bersin, — deb Avazjonlar bilan omonlashib, Yaproqdev shu yerdan orqasiga qarab qaytdi.

Bular ham yo'lga tushdi. Shunda Asad bilan Shodmon yig'laydi: "Endi bizlar elni, odamni ko'rmay o'lamiz. Devlar bilmaydi, bu qanday biladi?! Avazning o'zi o'lgan odam edi, bunga qo'shilib, ergashib yurib bizlar ham o'ldik. Endi hali ham bo'lsa javob so'rayik, elimizga borarni ko'zlayik", deb ikkovi Avazjondan javob so'rab, Asad mergan bir so'z dedi:

Iloyim biz botir bo'lmay ketayik,
Javob bersang, Avaz, elga qaytayik.
Avval boshlab biz yo'liqdik deviga,
Endi yo'liqmayik odamoviga...

Ketmadi boshimdan bir zarra tuman,
Qaytib elni ko'rmak bizlarga gumon,
Endi bizga javob bersang Avazjon,
Javob tilab turar Asad ham Shodmon.

Avazjon Asad mergan bilan Shodmon merganning so'zini birday ko'rib, merganlarga dildoshlik berib bir so'z dedi:

Ko'zda yoshing munchoq-munchoq tizildi,
Diyda giryon bo'lib, bag'ring ezildi.
Yig'lama, merganlar, ko'nglim buzildi,
Salomat ko'rarsan, o'g'il-qizingdi...

Chambilbelda sen ham yurgan to'rasan,
O'lmasang, bir kuni Chambil borasan.
O'g'il-qizing sog'-salomat ko'rasan,
Ne sababdan mergan, ko'ngling bo'lasan?!

Bu so'zlarni aytdi Chambilning mardi,
Ostida o'ynaydi Bekning G'iroti,
Merganlarga zo'r ayladi, Avazjon,
Yo'l boshladi jo'nayberdi shu zamon.

Xalq og'zaki ijodidan

Ne derin bilmadi Asad ham Shodmon.
Bog'bon bo'lsa bog'ning guli terildi,
Yarashiqqa ot kokili urildi,
Nogohondan borar edi uchchovi,
Yarqillab Gulshanning bog'i ko'rindi.

Bular Gulshan chorvog'iga yetdi, otning jilovini tortdi, bedovlarni to'xtatdi. Merganlarga qarab Avaz aytdi: — Ey merganlar! Sizlar shu yerda otlarni ushlab turinglar. Bu bir boqqa o'xshaydi, men borib bu bog'otni ko'rib kelayin, qanday joy ekan, bilib kelayin.

Merganlar aytdi: — Avazjon! Boshqaga bandargoh bo'lsa, kirib chiqmoqqa rasm bo'lsa, senga kasm bo'ldi. Sening otingni ushlab turmoqqa ham bizda jon qolmadi. Kelayotgan yerda bizlarga ot ushlatib, o'zing ketding, devni yuborib yuragimizni yording. Endi borar bo'lsan, ko'nglingni xushla, otingni bir toshga boylab tashla, bizlar anavi tepani betga olib, orqa sirtidan qorovullik qilib turamiz. Bu erda devning makoni bo'lsa, "mehmonim bor", deb bizlarni aytmayoq qo'yaqol, devlardan qo'rqib o'ldik, devlarning qilgan ziyofatidan ham kechdik.

Bu so'zni eshitib Avaz ko'nglini xushlab, otini bir toshga boylab tashlab, bog'otga qarab yurib ketdi. Merganlar shu yerda panaroq yerni olib turib qoldi.

Avaz bog'otga yetib, eshikni ochib ichkariga kirdi. Shunday qarasa, olmalar pishib yotir, ostiga tushib yotir. Bir naqsh olma Avazning boshiga tegayin deb turibdi. Olmadan yemoqchi bo'lib, qo'l uzatdi. Olma darillab osmonga chiqib ketdi, qo'li yetmay hayron bo'lib o'tdi. Yana bir yerga borib qarasa bir to'p anjir pishib, ilinib turipti. Anjirdan yemoqchi bo'lib qo'l uzatdi, anjir tomiri bilan qo'porilib osmonga chiqib ketdi. Bundan o'tdi. Bir sarhovuzga yetdi, suvi labba-lab bo'lib turipti. Suvdan ichayin deb qo'lini uzatdi,suvi 40 gaz pastga tushib ketdi, qo'li yetmay, bundan ham hayron bo'lib o'tdi. Bir boqqa yetdi. Husayni uzumlar, qora uzumlar pishib shalvirab turipti. "Ular baland edi, past edi qochib qutildi, bu uzumlarni bosib olsam ham bir boshini olaman", deb ko'nglini xushlab, toklarning ustiga o'zini tashladi, bir shingil uzumni og'ziga olib tishladi. Bir tokning nari kelib, Avazning bo'ynidan oldi. Avazjon tokka o'ralib, bo'yni bo'g'ilib qoldi. Og'zidagi uzumni tashladi. So'ngra tokning nari qo'yvordi. Bundan o'tdi, uch ko'shkka etdi. Uch ko'shk: ichkima, zertang-zabartang obod joy. Pastki ko'shkda osh damlanib turipti. Avazxon aytdi: "Bu ongda, xo'p qulay yo'liqdim, buni suzib yeb olayin". Tovoqqa qo'lini uzatdi, tovog'i sapchib, uncha yerga borib turipti. Avaz qozonning ustiga o'zini tashladi. Kapgir Avazning qo'ltig'idan chiqib ketdi. Yuqoridan kelib Avazning manglayiga qo'yib yubordi, manglayi yorilib qoldi. Kapkirdan taaddi ko'rib, "bu qanday jodugarning makoni ekan, uning egasini bir ko'rib ketmasam bo'lmas", deb qozonning boshida yonboshlab, bu so'zlarni aytib yotaberdi:

Odamman deb chiqdim Chambil elindan,
G'arib bo'lib hech ish kelmay qo'limdan,
Qanday ayyor manziliga keldim man,
Jabr ko'rib, jafo tortib qoldim man...

Yegani daraxti meva bermasa,
Ichay desam obi-ravon bo'lmasa,
Oshin yeyay desam kapkiri ursa,
Qanday kashmir manziliga keldim man!

Bu joy Gulqiz degan parining makoni edi. Gulqiz parilar yuqori baland ko'shkda edi. Gulzamon degan oshpaz kanizi bor edi.

Gulqiz: "Oshing pishgan bo'lsa, borib suzib kel", deb Gulzamonga buyurdi. Gulzamon pastgi ko'shkka kelib, Avazjonni ko'rib oshiqi beqaror bo'lib: "Shunday yigit yoring bo'lsa, mundan yomon bo'lsa, satqai saring bo'lsa, munday yigit harkimga o'ngg'ay kelavermas" deb, Avazning oldiga yaqinroq kelib qarasa, sher haybatli, arslon bilakli Rustam jasadli ajab suratli yigit, qozonning boshida hayoli qochib, hech qayoqqa qaramay yonboshlab yotibdi. Gulzamon o'yladi: "Bunga bir so'z aytib ko'rayin, agar ixtiyor qilsa, buvishim ham bilmay qolsin, muning bilan bo'layin", dedi. Avazga qarab bir so'z qotib dedi:

Kokillarim eshilgandir tol-tol,
Har toliga bersa yetmas dunyo mol,
Bu so'zga, davlatli xonim, quloq sol,
Magar dushman kelsa bo'ladi poymol.

Osha eldan mehnat tortib keldingmi?
Sen ham mening xaridorim bo'ldingmi?
Borayinmi, to'ram, sening qoshingga,
Osha eldan meni izlab keldingmi?

Yana bahor bo'lsa ochilar gullar,
Gulni ko'rsa, mast bo'lib sayrar bulbullar,
Sendan savol so'rdim, mendayin dilbar,
O'ynab-kulsang, kelgil davlatli shunqor!

Diqqat bo'lib yotgan Avazjon Gulzamonga so'ylamadi ham, qaramadi ham, ko'z qoqmadi ham. Unda Gulzamon aytdi: "Bu meni ko'zga ilmadi, pisand qilmadi. Bu yigit mening tengim emas ekan, bekorga gapiribman. Endi muning tarifini buvishimga aytayin, agar buvishim qabul qilsa, mundan quruq qolmasin", deb orqasiga qarab durssa qo'yib, "yerdan temirtak topgan qulday" bo'lib chopib, balanddagi ko'shkka yetdi. Gulqiz parini gala-gala kanizlar chalqaraman qilib, chandirday cho'zib, o'rtaga olib, uqalab, yumalatib, dumalatib hodimi qilib yotib edi. Gulzamon borib bir so'z dedi:

Jamollari oyu kundan g'olibdi,
Ko'rganlarning bejoy aqlin olibdi,
Men bilmayman, qay shahardan kelibdi,
Jon olguvchi jonon ko'rdim buvishim...

Belida yarqillar keskir po'lati,
Ne joylarda bilmam o'sgan elati,
Har kim ko'rsa qolmas aning toqati,
Rustamdan ham ziyodadir jasadi,
Jon olguvchi jonon ko'rdim, buvishim,

(Davomi kelgusi sonda.)

Har bir ota-ona o'z nasli davomchisini sog'lom qilib o'stirishi shart va zarur. Turmushga chiqayotgan qiz bunga tayyormi, uylanayotgan yigit o'z oldiga qo'yilgan vazifalarni eplay oladimi? Shu va shu kabi barcha masalalar jamlanib reproduktiv salomatlik nomi bilan yuritiladi.

Mana, jahon chempioni bilan uning o'qituvchisi orasidagi munosabat. Bizda esa... "iltimos"dan boshing chiqmaydi. Viloyatda bo'lganimiz, hamma bir-birini bilgani, tanigani uchunmi yo boshqa biror sababdanmi? Qaniydi, bizning o'qituvchilarimizu talabalarimiz ham xuddi shunday talabchan bo'lsalar, nur ustiga nur bo'lmasmidi?"

СОҒЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ёхуд ўқувчи-ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш ҳақида

Яқинда матбуотда эълон қилинган ЮНИСЕФнинг «2003 йил ижтимоий мониторинги» тадқиқоти натижалари билан танишиб, юртимизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш борасида ибратли ишлар қилинаётганлигига амин бўлдим. Тадқиқот натижалари ушбу мақоланинг ёзилишига туртки бўлди.

Бир аёл қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга жинсий таълим бериш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди-да, "ҳозирги қизлар ҳамма балони билади, биз анча содда бўлган эканмиз", дея бошидан ўтказган бир воқеани сўзлай кетди.

"Бўлажак турмуш ўртоғим билан илк бора учрашувга чиққанимда, у мени бир марта ўпиб олди. Жинсий ҳаёт борасида ҳеч нарса билмаганлигим, ўпишишни уят деб, ёмон бўлади, деб қулоғимизга қуйишгани боис шу қадар қўрқиб кетдимки, уйга келибоқ ҳўнграб йиғлаб юбордим. "Онажон, мени сўйиб ташланг, энди мен болали бўлиб қоламан. Куёвингиз мени ўпиб олди. Энди дадам, акам билиб қолса нима бўлади. Улар мени ўлдирмасдан, элу юртга шарманда бўлмасимдан аввал сиз ўлдириб қўя қолинг", дея йиғладим. Онам мени бағриларига босиб "Йиғлама, ўпиб олса ҳеч нарса қилмайди", дея секингина менга оилавий ҳаёт сир-асрорларини тушунтира бошладилар. Ана шундан кейингина кўнглим бироз таскин топди. Ҳозирги ёшлар эса бизга ўхшаган эмас...»

Дарҳақиқат, опанинг гапларида жон бор. Бундан 20-30 йил аввал балоғатга етган йигит-қизлар бугуннинг болалари каби эмасдилар. Жаҳонда турли ўзгаришлар юз берди, газета, телевидение, радио, Интернет каби ахборот олиш манбалари кўпайди. Ўз навбатида бу воситалар орқали кўпдан-кўп маълумотларни билиб олиш мумкин бўлиб қолди. Бу ёқда СПИД балоси, гиёҳвандлик анча кучайиб кетди. У пайтларда ота-онанинг ёнида кинофильм кўриш, уятли ҳисобланган мавзулар ҳақида гаплашиш беҳаёлик саналгани ҳам рост. Аммо бугун билдикки, балоғат ёшидаги болаларга жинсий таълим бериш уларнинг келгуси ҳаётларида рўй бериши мумкин бўлган кўпгина кўнгилсизликларнинг олдини олар экан. Хуллас, бугуннинг ёшлари ҳамма-ҳамма нарсадан хабардор. Бу хабардорлик аслида ёмон эмас. Нима яхшию, нима ёмонлигини билиш кўп ҳолларда ўқувчи-ёшларнинг тўғри йўлни танлаб олишига ёрдам бериши ҳам шубҳасиз.

Айни кунларда биз юқорида таъкидлаган турли балою офатлар, касалликлар кўпайиб бормоқда. Ва бу касалликлардан ҳимояланиш, уларга чалинмаслик йўлларини билиш жуда муҳимдир.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар мавқеини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Оиланинг тиббий маданиятини янада ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси"да қарор қабул қилган эди.

Ушбу қарорни бажариш мақсадида 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг ўқув дастурига соғлом оила ва никоҳ, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича тиббиёт ходимлар томонидан ўтказиладиган махсус факультатив дарслар киритилиши кўрсатиб ўтилган.

Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш мақсадида 16 соатдан 32 соатгача мўлжалланган ўқув дастури тайёрланди. Режага 10-синфлар учун "Ота-она саломатлиги бўлажак фарзанд саломатлигининг асосидир", "Жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар", "Оила гигиенаси", "Оила маданияти", 11-синфлар учун "Соғлом никоҳ — соғлом авлод пойдевори", "Ҳомиладорлик ва паталогик ҳомиладорлик", "Она сути — табиатнинг бебаҳо неъмати" каби мавзулар киритилган.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб Республиканинг барча умумий таълим мактабларининг 10-11-синфларида машғулотлар ўтиш ташкил этилди.

2002-2003 ўқув йили учун ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфлари ўқитувчилари учун "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" методик қўлланмаси тайёрланди. Мазкур методик қўлланма ҳозирги кунда Республиканинг тажриба-синов учун танланган мактабларида синовдан ўтмоқда. Ушбу мактаб ўқитувчилари фикр мулоҳазалари инобатга олиниб, ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб барча умумий таълим мактабларига тадбиқ этиш режалаштирилди.

Республика репродуктив саломатлик маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди Феруза Файзиева билан қилган суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.

— Бизнинг асосий вазифамиз болалар балоғат даврида нималарни билишлари керак, улар бу пайтда қандай ўзгаришларни бошдан кечираги, ўғил болаларда бу жараён қандай кечади, соғлом насл қолдириш учун нималарга эътибор бериш лозим каби саволларга ечим излаш ва йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Ўқувчиларга жинсий таълимни етарлича ва тўлиқ беришимиз керак. Негаки, ҳозирги кунда мактаб ўқувчилари ўртасида жинсий йўл билан юқадиган касалликлар сезиларли даражада кўпайган. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Ҳаттоки энг оғир ҳисобланувчи касалликлар ҳам ўсмирларда учрамоқда. Бундай ҳол республикамизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида мавжуд демоқчи эмасман, аммо биз сўровномлар ўтказган, биз текширган шаҳарларда бу ҳол кузатилди. Нима учун кўпаймоқда, деган ҳақли савол туғилиши мумкин? Чунки мактабларда ўқитилиши керак бўлган "Саломатлик" дарслари ўтилмаяпти ёки мутахассис бўлмаган ўқитувчилар томонидан ўқитилмоқда. Болалар қандай касалликлар юқумли эканлигини билмайди, жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг оғир асорат қолдиришидан ҳам хабардор эмаслар. Касалликларнинг олдини олса бўладими, нима қилсак бу касалликлар тарқалмайди, деган саволларга умуман жавоб беролмайдилар. Баъзи жойларда, асосан, Тошкент ва Навоий шаҳарларида сўров ўтказганимизда ўқувчилар ўз саломатликларини қандай сақлаш кераклигидан ҳам хабарсиз эканликлари ойдин бўлди.

Ҳолбуки, мактаб дастурига киритилган 16 соатлик дарслар ичида бу саволларга аниқ ва муфассал жавоб олиш мумкин. Ўғил-қизларимиз қачон шифокорга мурожаат қилишни ҳам билишлари лозим. Чунки аксарият ҳолларда одамлар ўз саломатликларига беэътибор бўладилар.

— Феруза опа, ҳозирги кунда репродуктив саломатлик ҳақида кўп гапирилмоқда. Репродуктив саломатликнинг ўзи нима?

— Бу насл қолдириш учун барча эндокрин, жинсий аъзоларнинг соғлом бўлишидан, организмда бўладиган барча ўзгаришлардан ташқари эркак ва аёллар ҳаёти давомида унинг турмуш тарзи, психологик ривожланганлик, оиладаги етишмовчиликларнинг ҳал қилиниши — ҳаммаси репродуктив саломатлик номи остида таҳлил қилинади, ўрганилади. Репродуктив саломатликнинг энг асосий шарти ҳар бир инсон оила қуришдан аввал ўзининг соғлом эканлигига ишониши керак. Турмуш қураётган йигит ўзига "Эртага турмуш қурсам олдимда қанақа вазифа туради, оиламни боқа оламанми, фарзанд нима, унинг қадрига ета оламанми, моддий, маънавий, ижтимоий, руҳий жиҳатдан менинг вазифам, ёрдамим нималардан иборат", деган саволларни бериб кўриши лозим. Қизлар, яъни бўлғуси оналар ҳомиладорликдан бошлаб чақалоқ вояга етгунича унга қандай тарбия беришни билиши керак.

Ҳар бир ота-она ўз насли давомчисини соғлом қилиб ўстириши шарт ва зарур. Турмушга чиқаётган қиз бунга тайёрми, уйланаётган йигит ўз олдига қўйилган вазифаларни эплай оладими? Шу ва шу каби барча масалалар жамланиб репродуктив саломатлик номи билан юритилади.

Репродуктив саломатлик ўз ичига эндокринолог, гинеколог, терапевт, психолог, керак бўлса тиш шифокоригача бўлган мутахассисликларни қамраб олади. Мен доимо бир нарсага ҳайрон қоламан. Ҳеч қайси касб эгаси аҳоли эшигини тақиллатиб: "Шу хонадонда касал борми-йўқми, чиқиндилар йиғилиб қолмаганми, ичадиган сувларингиз тозами, болаларингизни ҳаммаси саломатми", деб сўраб юрмайди. Шифокорлар эса аҳоли саломатлигини сақлаш учун шундай қиладилар. Токайгача халқимиз ўз саломатлига эътибор бермай яшайди, қачонгача энг оғир шароитлардагина шифокорга мурожаат қилади? Катта авлод вакиллари соғлиқлари учун ўзи эмас, шифокор масъул деган тушунчани онгига сингдириб бўлган. Энди биз шифокорлар, тарбиячи ва мураббийлар ёш авлодга ўз соғлиги, ҳаёти, фаровон келажаги учун ўзи жавобгар эканлигини сингдириш вазифасини олдимизга қўйишимиз керак. Ҳар бир инсон ўз соғлиги ҳақида қайғурмас экан, ҳеч қандай репродуктив саломатлик бўлмайди, онадан соғлом фарзанд туғилмайди.

— Демак, соғлом авлодни камолга етказиш, ўзидан соғлом насл қолдириш учун ота-оналар чақалоқ туғилганидан бошлаб унга ғамхўрлик қилиши керак экан-да?

— Йўқ. Турмуш қуришдан аввал, яъни балоғат даврида, ҳомила она қорнида пайдо бўлаётган даврдан бошлаб кейинги авлоднинг ҳаёти, тақдири ҳақида қайғуриш лозим. Чунки соғлом она, соғлом отанинг зурриёди ҳам соғлом бўлади.

Ҳозирги кунда ўғил болалар у ёқда турсин, ҳатто қиз болалар ҳам сигарет чекмоқда, спиртли ичимлик истеъмол қилмоқда. Кашандалик, гиёҳвандлик кўпайиб кетмоқда. Бу иллатларга барҳам берилмас экан, саломатлигимиз яхши томонга юз бурмайди. Экологик шароит, турли етишмовчиликлар туфайли аҳолининг саломатлиги кўнгилдагидек эмас. Ана шу бир ҳовучгина соғлигимизни ҳам эътиборсизлигимиз сабабли, турли иллатларга илашиб қолишимиз оқибатида йўқотмаяпмизми? Сир эмас, ҳеч ким ўз соғлиги билан қизиқмайди. Эндигина турмуш қураётган йигит-қизлар шифокор ҳузурига бориб "Мени бир текшириб кўринг-чи, қандай касалликлар бор экан, нуқсонларим йўқми? Эртага кимнингдир умр йўлдоши бўлиб, оила қурсам соғлигим тарафидан муаммолар келиб чиқмайдими?" деб суриштирмайди. Сизу бизнинг асосий ишларимиздан бири ҳам мана шу — аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, уларга тиббий таълим бериш.

Буни мактаб бўсағасидан бошласак, келажакда соғлом ва ўз соғлигини ҳамиша ўйлайдиган авлодни шакллантирган бўламиз.

Шу ўринда Республика Репродуктив саломатлик маркази ҳақида ҳам икки оғиз сўз.

Ушбу маскан 1999 йилда очилган. Унинг асосий мақсади акушер-гинеколог, доялари ўқитиш. Чунки билим бир жойда тўхтаб турмайди. У муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Акушер-гинекологлар, доялар ҳам замон талабларига жавоб берадиган, мустақил фикрлашни ва ишлашни ўрганадиган бўлишлари лозим. Улар соғлом аёллар билан касал аёлларни ажрата билишлари, ҳомиладорликнинг энг нозик пайтида бўлажак оналарга ёрдам беришлари лозим.

Марказ ўз олдига қўйган вазифалар юксак ва эзгу. Ҳар ойнинг учинчи пайшанбасида ушбу даргоҳда журналистлар ўқуви ҳам ташкил этилади. Йигирма нафар турли ОАВларда фаолият юритаётган журналистлар тиббий маълумотларга эга бўлишади, ҳар бир учрашувда бирор-бир касаллик тўғрисида тўлиқ ва атрофлича билиб олишади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг
махсус мухбири

ИШОНЧ ҒАЙРАТ БАХШ ЭТАР

Мамлакатимиз ёшларининг тарбиясида, замонавий билим олишида мураббий-устозларнинг ўрни беқиёсдир. Айниқса, бугунги кунда академик лицей ва коллежлар фаолиятида уларнинг улкан ҳиссаси бор. II Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги лицей ўқитувчилари ҳам ёшларга мустаҳкам ва пухта билим бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

1995 йилда ташкил этилган ушбу даргоҳда айни кунда 300 нафар ўқувчи табиий фанлар йўналиши бўйича, хусусан, биология ва кимё фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўрганмоқда. Уларга бир-биридан тажрибали мураббийлар сабоқ беради.

— Албатта, ёшларга билим бериш осон иш эмас, — дейди лицей директори, биология фанлари номзоди, доцент Гулом Жалолов. — Негаки, ўқувчи келажаги ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи билими, зукколиги билан ўқувчини жалб қилиши, фанга қизиқтира олиши керак. Бизнинг лицей мураббийлари эса, бунга алоҳида эътибор билан қарайди. Шу сабабли ҳам, ўқувчиларимизнинг ўтган йили олий ўқув юртларига ўқишга кириш кўрсаткичи 98 фоизни ташкил этди. Ўқувчилар биология фанлари номзоди, доцент Дилором Рустамова, биология фанлари номзоди Раъно Бобоева, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Мамлакат Эргашева ҳамда биология фанлари доктори, профессор Очил Мавлонов каби ўқитувчилари билан фахрланишади. Бундай ишонч эса мураббийларимизга янада куч-ғайрат бахш этаверади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА (ЎзА)

Суратда: Лицейнинг биология фани ўқитувчиси Саноат Нажимова ўқувчиларга машғулот ўтмоқда.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИНГ УСТОЗИ

(Лавҳа)

Нима бўлдию, гап шоҳмат бўйича бир неча маротаба жаҳон чемпиони Анатолий Карповга бориб тақалди. Шунда ТерДУ математик таҳлил кафедрасининг доценти Шавкат ака Воҳидов қизиқ бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Мен уни оқизмай-томизмай қоғозга туширишни кўнглимга тугиб тингладим:

"Мен ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг охирги курсида ўқиб юрганимда Москва Давлат университетидан келган бир олимнинг маърузаларини ҳузур қилиб тинглаганман. Юрий Смирновни жаҳон математиклари яхши билишади. Худди шу кишининг маърузаларини тинглаб, амалий машғулотларида қатнашиш бахтига муяссар бўлганман.

Хўш, дунёда нима кўп, математик кўп, дерсиз. Сиз ҳақсиз. Аммо бу олимда фанга фидойилик хислати жуда юксак эди. У фанни ўрганмаган бирор талабага ижобий баҳо қўймасди. У ўзининг қаттиққўллиги билан ҳам машҳур эди.

А.Карповга ҳам у дарс берган. У дарс ўтаётган семестрда А.Карпов жаҳон биринчилиги учун ўтказилаётган турнирларда иштирок этган ва шу сабаб унинг дарсларига қатнаша олмаган.

Тўғри, бундай ҳолатлар бўлиб туради. Бировнинг тоби қочади, бировнинг мусобақага кетади. Олийгоҳлар ҳаётида бу табиий ҳол.

Бир куни Юрий Смирновнинг олдига математика факультетининг декани ташриф буюради:

— Юрий Михайлович, — дейди у, — мен сизни табриклайман.

— Раҳмат. Хўш, хўш....

— Талабангиз А.Карпов шоҳмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

— Жуда соз. Сизни ҳам қутлайман.

— Шу йигитнинг фанингиздан тайёргарлик кўришга унча вақти бўлмади. Унга осонроқ саволлар бериб, баҳосини қўйиб юборсангиз.

— Бу деканатга боғлиқ-ку? Мен уни шошираётганим йўқ. Яхши тайёргарлик кўришига имкон берсангиз, бас.

Бир-икки кун ўтгач, жаҳон чемпиони А.Карпов математикадан имтиҳонга келади. Табиийки, фанни пухта ўқимагани учун домланинг саволларига жавоб беролмайди.

— Узр, вақт бўлмади, — дейди чемпион ўзини оқлашга уриниб.

— Ҳечқиси йўқ. Мен сизни шоширмайман. Сизга қанча вақт керак бўлса, шунча тайёргарлик кўринг.

Шундан сўнг бир-икки ойлар ўтгач, Смирнов декандан сўрайди:

— Бир ёш йигит, жаҳон чемпиони бор эди. Шуни дарсларда кўрмаяпман?

Декан хиёл жилмайиб деди:

— Карповни айтяпсизми? У ўқишни Ленинград университетининг иқтисодиёт факультетига ўтказиб кетди... Математикани унча хуш кўрмади, чоғи.

— Аммо яхши йигит эди. Бирор маротаба "илтимос, баҳойимни қўйиб беринг», демади, — фахрланди профессор.

Мана, жаҳон чемпиони билан унинг ўқитувчиси орасидаги муносабат. Бизда эса... "илтимос"дан бошинг чиқмайди. Вилоятда бўлганимиз, ҳамма бир-бирини билгани, танигани учунми ё бошқа бирор сабабданми?

Қанийди, бизнинг ўқитувчиларимизу талабаларимиз ҳам худди шундай талабчан бўлсалар, нур устига нур бўлмасмиди?"

Шавкат ака Воҳидов ўз ҳикоясини тугатди. Унга бирор нарса қўшишни лозим топмадим ва "қанийди", дея такрорладим.

Бозор ИЛЁС ал-Амин

ТОШБАҒИР ОНА

у ўғай ўғлининг ўлимига сабабчи бўлди

Каромат Хуррамованинг қилган ишларидан бохабар бўлган киши унинг қилмишларидан ёқа ушлайди. У қандай "каромат" кўрсатибди экан, дейсизми? Унда эшитинг. Эндигина 35 ёшни қаршилаётган Каромат Хуррамова оилада эри Ҳусанбой ва ўғай ўғли Элмуродлар билан бирга яшарди. Эри бундан саккиз йил аввал Элмуроднинг онаси Мақсуда билан ажрашгач, унга уйланган. Шундан буён у Элмуродни хўрлаб, яъни қалтаклаб, рўзғордаги энг оғир ишларни қилдириб, боланинг юрагига оғир ботадиган сўзларни айтиб, унинг шаъни, қадр-қимматини муттасил равишда камситиб келарди.

Энг асосийси, ўтган йилнинг кузидан бошланди. Ўшанда Каромат Элмуродни Қозоғистон Республикасига пахта теримига олиб кетди. Унинг ўқишлари ҳақида-ку, ўйлаб ҳам ўтирмади. Бола бечора кунига 50—60 килограммдан пахта терди. Шунга қарамасдан она бўлмиш "ўйинқароқлик қилиб пахтани кам теряпсан" дея унга нон бермасдан кўпроқ пахта теришга мажбур қиларди. Бу қийноқлар терим охирига қадар давом этди. Шунингдек, у жиноий ҳаракатларини давом эттириб, декабрь ойининг охирги кунларидан бирида Элмуродни даладан ғўзапоя ташимаганликда айблаб, уйга қамаб олиб новда билан аёвсиз калтаклади. 13 ёшли мактаб ўқувчиси бундай пайтларда кунини қишлоқда яшовчи ўзининг онасиникида ўтказар ва бир-икки кун ўтгач, дадасининг қистови билан яна қайтиб келарди. Булардан ташқари Каромат унинг дарс тайёрлаши ва кўчада ўртоқлари билан ўйнашига ҳам асло йўл қўймасди. Шу зайлда яна тўрт ой вақт ўтди. Бир куни Элмурод онаси Мақсуданикига йиғлаб кириб келди.

— Ҳа, болам, тинчликми, нима бўлди сенга? — набирасидан кўз ёшлари сабабини сўради Инобат хола.

— Энди сизлар билан яшайман, — бола йиғидан тўхтамай жавоб бера бошлади. — Каромат мени яна қийнаяпти. Бугун "сени боққанимдан кўра ит боққаним яхши эди, ҳар ҳолда уйимни қўриқлаб турарди", деб уйдан ҳайдаб юборди.

Уни ўзи ўқиётган мактабдан яқинроқдаги мактабга ўтказиб қўйишди. Аммо кўп ўтмай отаси келиб ўғлини ўқиб турган мактабидан олиб кетди. Шунча гап-сўздан кейин ҳам ўғай она инсофга келмади. Ўша куни, яъни шу йилнинг 23 июнь куни ҳам худди шундай бўлди. Буғдойдан бўшаган далада мол боқиб юрган Элмуродни Каромат: "Нега бошоқ термаяпсан? Бугун уйга кирмайсан" деб уришиб, ҳақоратлай бошлади. Бироқ йигитчанинг сабр косаси аллақачон тўлиб бўлган эди. У молларни ҳайдаб уйга келди ва молхона тўсинига ўзини-ўзи осиб ўлдирди.

Суд раҳм-шафқатни унутган ва ҳали вояга етиб ҳам улгурмаган ўғай ўғлини ўзини-ўзи ўлдириш даражасигача етказган Каромат Хуррамованинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Кўзларидан шашқатор ёш оқаётган Мақсуда шундай дейди:

— Мен ўғлимни доим ўзим билан бирга яшашини хоҳлардим. Лекин турмуш ўртоғим бунга розилик бермасди. Биз қанча қаршилик қилмайлик, барибир у боламни бағримдан юлиб олиб кетарди. Шундай бўлгандан кейин ўғлини золим хотинидан ҳимоя қилиб турмайдими? Ҳаттоки менга Элмуродни дафн маросимидан олдин ҳам кўрсатишни истамади. Бир-иккита ёши катталарнинг гапи билан унинг юзинигина кўрсатди, холос.

Дарҳақиқат, бир мушоҳада қилиб кўрсак. Каромат-ку ўғайлигига бориб шундай қилди, дейлик. Аммо оила бошлиғи Ҳусанбой нима учун хотинининг ўғлига нисбатан зулм ўтказишига йўл қўйди? Ёки ўғлининг ўқишларию тарбияси билан бирор марта қизиқмади ҳам. Асосий қомусимизнинг 66-моддасида "Ота-оналар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар" дейилган. Бу ота-она зиммасидаги энг асосий, шу билан бирга энг масъулиятли вазифа. Нахотки, Ҳусанбой Меҳмонов буни тушунмаган бўлса?! Мана, оқибатда ўз жигарбандидан ажради. Шундай экан, ҳар бир инсон оиласи, фарзандлари тақдирига ўта жиддий ёндашмоғи лозим.

Баҳромжон БОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг раиси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Ma'rifatsiz kishilar

ГЕРОИНФУРУШ ЎҚУВЧИ

Тошкент вилоятининг Пскент туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Олмалиқ шаҳар Металлурглар кўчаси 36-уй, 32-хонада яшовчи 7-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси, 1989 йилда туғилган А.Борисенко Қирққизобод ширкат хўжалиги ҳудудида ушланиб текширилганида, унинг ёнидан 2,5 килограммдан зиёд марихуана топиб олинган.

Терговни ички ишлар бўлими олиб бормоқда.

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри Примқулов кўчаси 5-В уйда яшовчи мис эритиш заводи ишчиси Любов С. уйида ўзаро жанжал оқибатида касб-ҳунар коллежи 1-курс

ҚОТИЛ ОНА

талабаси, 1984 йил туғилган Матвейни кўкрагига пичоқ урган. Натижада у касалхонага олиб кетилаётганида вафот этган.

Терговни прокуратура олиб бормоқда.

АЛДАГАНИ ТИЛЛА ЗИРАКЛИ БОЛА ЯХШИ

Андижон шаҳри, Мирпўстин кўчасида номаълум шахс 6-сон ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчиси М.Мамасолиевани куч ишлатиб билан кўрқитиб, қулоғидаги тилла зиракларини тортиб олиб кетган.

Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлардан сўнг ушбу жиноятни Андижон тумани Й.Охунбобоев ширкат хўжалигида яшовчи, ишламайдиган, 1971 йил туғилган М.Мўйдинова содир этганлиги аниқланиб ушланган.

Терговни ички ишлар ходимлари олиб боришмоқда.

Ш.РЎЗИЕВ,
милиция майори

Ogohlik

ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республика иқтисодиёти тармоқларини 2003/2004 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисидаги 2003 йил 17 июндаги 275-сонли қарорини бажариш ҳамда республика шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш пунктларида ва халқ хўжалиги тармоқлари, ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида Юнусобод тумани ёнғин хавфсизлиги хизмати газ ва электр асбоблардан фойдаланишда қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва бажариш кераклиги ҳақида эслатиб ўтади:

Иситиш печининг мўриси иморатнинг ёнувчи қисмларидан 38х38 см. қалинликда ажратилиб, мўрининг ёриқлари сувалиб, оҳакланиши, печнинг ўтхонаси томонидан полга ўлчамлари 70х50 см бўлган тунука қоқилиши лозим.

Печга кийгизилган улама мўри яхлит ўзакли мўрига алмаштирилиши керак.

Газ асбобларидан фойдаланаётганда дераза дарчасини очиб қўйишни унутманг. Ёқилган асбобларни қаровсиз қолдирманг. Болаларни газ асбобларига асло яқинлаштирманг.

Газ плитаси устида кир қуритиш ўта хавфли эканини ёдда тутинг.

Газ сизиб чиқишини текшириш учун очиқ алангадан фойдаланманг, бу портлашга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун совун эритмасидан фойдаланинг.

Суюлтирилган газ тўлдирилган қурилмалардан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг.

Газ тўлдирилган баллонлар газ плитасидан камида 0,5 метр ва иситиш радиаторидан 1 метр масофада жойлаштирилган бўлиши керак. Баллонларни ўт ёқиладиган печлар эшиклари қаршисига қўйиш қатъиян ман этилади. Ёқилган телевизорни қаровсиз ёки болалар ихтиёрида қолдирманг.

Юқори қувватли бир нечта электр асбобини улаш тармоққа оғирлик қилади, бу эса ёнғин чиқишига сабаб бўлади.

Электр тармоғига уланган электр дазмол, электр плитка ва бошқа электр иситиш асбобларини фақат ёнмайдиган ва иссиқлик ўтказмайдиган тагликлар устига қўйиш керак. Электр асбобларини фақатгина катта кишилар тармоққа улаши мумкин.

Электр улагичлар изоляцияси соз ҳолда бўлиши керак. Агар хонадонингизда электр улагич симлар эскирган, резетка ва патронлар носоз бўлса, тезда электромонтёрни чақириб бу камчиликларни бартараф қилинг. Бу билан Сиз ёнғин чиқишининг олдини олган бўласиз.

Эскирган электр тармоқларини алмаштириш, қоидаларга хилоф равишда ўтказилган вақтинчалик электр тармоқлари олиб ташланиши лозим.

Иморатнинг қўшни иморат билан туташган оралиғига ёнғиндан ҳимоя қилувчи ғиштдан кенглиги 38 см ва томдан 60 см баландликда бўлган девор тиклаш мақсадга мувофиқ.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингиз ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Мабодо ёнғин чиққанини кўрсангиз "01"га қўнғироқ қилишни ва ўт ўчириш гуруҳи етиб келгунча ёш болаларни, ҳамда қимматбаҳо буюмларни ва керакли нарсаларни олиб чиқишни унутманг.

Ф.ТУРСУНОВ,
Юнусобод тумани Ёнғин хавфсизлиги хизмати инспектори, ички хизмат катта лейтенанти

Muzey Alfred Nobelga tegishli jihozlar bilan bir qatorda barcha Nobel mukofoti sohiblarining suratlari, oilaviy ahvoli va ijodiy faoliyati to'g'risida mukammal ma'lumotlarni to'plagan.

Xorijda osongina sarmoya ishlash niyatida ketganlar keyinchalik elchixonalar va ko'ngilli insonparvar tashkilotlar yordamidagina o'z yurtlariga qaytarilmoqda.

ФАЛАСТИНДА ЯНА МОЖАРО

Шу кеча-кундузда Исроил ҳаво кучлари Фаластин мухториятидаги баъзи бир ҳудудларга зарбалар бермоқда. Бу ҳарбий ҳаракатлар "Хамас" террорчилари томонидан уч исроил ҳарбийси ўлдирилганидан сўнг бошланди. Ушбу зарбалар "Хамас" террорчилик ҳаракати вакилларига уюштирилган бешинчи ҳарбий операциядир. Бундан олдинги зарбалар террорчиларнинг автоуловларига ва яшайдиган жойларига уюштирилган эди. Ҳаво зарбалари натижасида 11 фаластинлик дунёдан кўз юмди ва 130 киши тан жароҳати олди. АҚШ давлат департаменти ўз фуқароларига ҳозирча Фаластин мухториятига бормасликларини маслаҳат бермоқда.

ВЛАДИМИР ПУТИН ТАИЛАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Россия президенти Владимир Путин 21 октябрдан бошлаб Таиланддга расмий ташрифни бошлади. Ташриф чоғида россия президенти Таиланднинг бош вазири Таксин Чиноват билан учрашди. Россия президентини бош вазир қароргоҳининг "Фил суяги" меҳмонхонасида кутиб олишди. Ташриф давомида кенг миқёсдаги музокаралар олиб борилади. Учрашувлар чоғида ҳарбий ва иқтисодий ҳамкорликка йўналтирилган шартномалар имзоланиши кўзланмоқда, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

ИРОҚ ФУҚАРОЛАРИ НОРОЗИЛИК КЎРСАТИШМОҚДА

Human Rights Watch номли инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти томонидан ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, Ироқда ҳарбий кампания бошланганидан буён 94 нафар киши сабабсиз ўқ остида қолган ёки тушунмовчилик натижасида АҚШ ҳарбийлари томонидан ўлдирилган. Ироқнинг тинч аҳолисини ҳимоялаш ва ҳақ-ҳуқуқларини ўрнатиш бўйича махсус иш олиб борилган. Текширувлар шуни кўрсатдики, тасодиф натижасида ҳаётдан кўз юмган ироқликларнинг ўлими юзасидан бир нафар ҳам АҚШ зобити жиноий жавобгарликка тортилмаган. Фақат бир маротабагина АҚШ вертолёти учувчиси Ироқнинг байроғига қараб ўт очгани сабабли парвоздан четлатилди, деб хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги.

БУЮК БРИТАНИЯНИНГ БЎЛАЖАК ФУҚАРОЛАРИ

Буюк Британия ҳукумати бўлажак Британия фуқароларига бир неча талаблар қўйди. Эндиликда Британия Қироллиги фуқаролигини олмоқчи бўлган ҳар бир инсон инглиз тилини билишидан ташқари мамлакат тарихини, урф-одатларини, парламент тарихини, давлат қонун-қоидаларини ва қироличанинг ҳаётини ўрганишга мажбур. Бу алоҳида тест синовлари фуқаролик хизмати департаменти томонидан эндиликда қабул қилинади. Янги талаблардан мақсад, Британияга кўчиб келаётган кўплаб муҳожирларнинг мамлакатда меҳнат қилиши ва яшашини тўғри йўлга қўйиш. Мамлакатга келаётган муҳожирлар бундан буён қўлларига супурги билан бир қаторда бир неча қироллик ҳаётига оид китоблар олишга ҳам мажбур бўлишади, деб хабар беради Англия интернет сайтлари.

ТЕРРОРЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Филиппин хавфсизлик хизмати дунёнинг учинчи рақамли террорчиси, "Исломия жамоаси" гуруҳи раҳбари Тофиқ Рифқийни қўлга олди. Террорчини Котабато шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида ушлаб олишди. Филиппин полициясининг хабар беришича, Тофиқ Рифқий бу мамлакатда бир неча террорчилик лагерларини ташкил қилган ва фуқароларни ушбу гуруҳга жалб этган. Полиция террорчининг Ал-Қоида гуруҳи билан боғлиқлигини таъкидламоқда, деб қайд этади "Reuters" ахборот агентлиги.

БОКУДАГИ ТЎПОЛОНЛАР САБАБЧИЛАРИ

Бокудаги тўполонлар сабабчилари жиноий жавобгарликка тортилади, деб таъкидлади Озарбойжоннинг янги сайланган президенти Илҳом Алиев. Озарбойжон хавфсизлик хизматининг хабар беришича, Боку пойтахтидаги тартибсизликларни "Мусават" партияси ва бир неча бошқа партиялар раҳбарлари ва аъзолари уюштирган.

— Тартибсизликлар натижасида шаҳарнинг кўплаб маъмурий биноларига шикаст етказилган ва кўплаб автоуловлар ёқиб юборилган. Ҳозирда текширув ишлари олиб борилмоқда ва мухолифат қонунбузарлари полиция томонидан қўлга олинган, — деди Илҳом Алиев МДҲ ижрочи котиби Юрий Яров билан бўлган учрашувда.

ИСПАНИЯДА ЯНГИ РЕКОРД

Испанияда янги рекорд қайд этилди. Бир кечакундузда Мароккодан Испания қирғоқларига 550 муҳожир кичкина қўлбола қайиқларда сузиб келмоқда. Муҳожирлар ишлари билан шуғулланувчи ҳукумат вакили бу қадар кўп муҳожирларни қаерга жойлаштириш ва уларни озиқ-овқат, иссиқ кийим билан таъминлаш масаласи муаммолар туғдирмоқда, деди ўз маърузасида.

Ноқонуний йўл билан Испания қирғоқларига сузиб келувчилар ичида турли касалликларга дучор бўлган одамлар кўп. Бундай ҳолат эса Испания фуқароларининг соғлигини хавф остига қўймоқда.

Йил бошидан бери Испанияга қайиқларда сузиб келган муҳожирлар сони 15157 нафарга етди. Ҳукуматнинг шунча муҳожирларга бошпана беришга имконияти йўқ. Муҳожирлар ичида қўлида бир неча ойлик ёш гўдаги билан сузиб ўтган аёллар сони ҳам кўплаб учраб турибди, деб қайд этмоқда Испания ахборот агентликлари.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

АЛЬФРЕД НОБЕЛЬ ЮРТИДА

Европа қитъасининг энг шимолий қисмидаги Скандинавия ярим ороллари мамлакатларининг ҳар бири такрорланмас хусусиятларга эга. Шундай мамлакатлардан бири Швециядир. Биз қуйида швед халқларининг ҳозирги замон иқтисодий уммонига қўшаётган ҳиссасининг негизи, юқори даражадаги автомобилсозлик, кемасозлик ёки ўрмон хўжалиги, кимё саноат корхоналарининг бир маромда ишлаши билан аҳоли турмуш тарзининг фаровонлиги ҳақида эмас, азиз муштарийларга маълум бўлган жаҳоннинг нуфузли мукофотларидан бири, швед олими Альфред Нобель қолдирган мерос ва у билан боғлиқ жараёнга айрим чизгилар қилмоқчимиз, холос.

Муштарийларга маълумки, "Маърифат" газетаси саҳифаларида турли фан оламидаги Нобель мукофоти соҳибларининг ҳаёти, ижоди, илмий тадқиқотлари тўғрисида туркум мақолалар чоп этилди. Яқинда Нобель мукофоти соҳиблари тўғрисидаги иккинчи китоб нашрдан чиқди, учинчиси чоп этишга тайёрланмоқда. Фуқаро муҳофазаси институтининг бир гуруҳ олимлари Стокгольмда, яъни Альфред Нобель юртида бўлиб қайтди. Улар томонидан нашр этилган икки китобнинг Нобель мукофоти тадқиқотлари институтига топширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу муҳим воқеа ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун Анварбек Нурхўжаевга мурожаат қилдик.

— Бу, энг аввало, мустақиллик шарофати, она тилимизнинг давлат тили мақомига эга бўлганида, деб биламан. Ҳозирги ўқувчи, талабалар, ёш изланувчилар бундай маълумотларни ўз она тилларида ўқишга мушарраф бўлдилар. Бунда, албатта, китоб муаллифлари (А.Тўраев, И.Каримов)га чексиз миннатдорчилик билдириш зарур.

Энг қувонарлиси шуки, ана шу китобларни Нобель мукофоти тадқиқотлари институтига топшириш, яна бир бор Нобель уйи ва музейи залларида бўлиш менга насиб қилди. Албатта, китобнинг биринчи ва иккинчи жилдларини Нобель музейига топширар эканман, юрагим чексиз ҳис-ҳаяжон, фахр туйғусига тўлди. Бу —дунёнинг юксак илмий салоҳиятига эга бўлган адабиётлари қаторида мўъжазгина ўзбек тилида ёзилган китобнинг ҳам ўз ўрнига эга бўлишидир.

Biz va dunyo

Бундай китобни қабул қилган илмий жамоа Нобель совриндорлари тўғрисидаги китоб яна биттага кўпайганидан жуда қувонишди ва китобни чиқаришда қатнашган барча ходимларга чексиз миннатдорчилик изҳор этишди.

Нобель музейи архитектура қурилиши жиҳатидан жуда ажойиб бинога жойлашган бўлиб, италянча барокко усулида қурилган.

Маълумки, Стокгольм шаҳри ҳудудида 14 та орол мавжуд. Шу оролчаларнинг эски шаҳар деб номланган ороли ўзида Швеция қироли Густавнинг қасри жойлашганлиги билан машҳур. Роял қасри деб номланган ажойиб бино 1754 йилда бунёд этилган. Бу қасрнинг ёнгинасида 20 бўлмадан иборат Нобель музейи жойлашган. Музей Алфред Нобелга тегишли жиҳозлар билан бир қаторда, барча Нобель мукофоти соҳибларининг суратлари, оилавий аҳволи ва ижодий фаолияти тўғрисида мукаммал маълумотларни тўплаган. Энг қувонарлиси, музей ҳозирги замоннинг илғор коммуникация технологияси билан мужассамлаштирилган. Оддий тугмачани босиш билан сиз ихтиёрий Нобель мукофоти совриндорининг нутқини тинглашингиз, ҳаётий фаолияти тўғрисида экранлаштирилган фильмни кўришингиз мумкин. Музейда мутлақ тинчлик-осойиштаблик ҳукмрон. Гўё ўзга бир олам — илм, адабиёт ва санъат оламига сайр қилгандек бўласиз. Музей нафақат томоша қилиб завқланадиган маскан, балки Нобель мукофоти совриндорларининг фаолиятини тадқиқ этадиган, дунёга таништиришда улкан ижодий ишларни амалга оширадиган йирик тадқиқот маркази ҳамдир. Ушбу марказда ўз она тилимиздаги китобнинг қабул қилиниши ва бошқа тиллар қаторидаги асарлар ёнидан жой олиб, библиографик қайдномада белгилаб қўйилиши нафақат муаллифлар учун, балки Ватанимиз илм аҳли учун ҳам фахр туйғусидир. Шахсан менинг ҳаётимда бу онлар ниҳоятда қадрли ва энг унутилмас "юлдузли онлар" бўлиб қолади. Музейни айланар эканман. биринчи сафаримда (2000 й.) Нобель уйини томоша қилганимдек, тилак билдирдим: йиллар ўтар, илм-фан тараққиёти жадаллашар ва мана шу даргоҳда ўзбек миллатига мансуб номзодлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олажак. Зеро, тарихда илм-фан дарғаларини етиштирган, жаҳон илм-фан уммонига салмоқли ҳисса қўшган бу юрт вакиллари келгусида ўзининг бетакрор ижодкорлари билан фахрланса, ажаб эмас.

Ташрифнинг асосий мақсади, Швеция мудофаа вазирлигининг тадқиқотлар маркази томонидан ташкил этилган "Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик" мавзуидаги халқаро семинарда иштирок этиш эди.

Семинар Швеция муҳандислик академиясининг конференциялар залида ташкил этилди.

Бу ўлкада, шунингдек, Альфред Нобель номи билан кўчалар, ўқув масканлари, илмий даргоҳлар мавжуддир.

Швеция миллий университети талабалари учун А.Нобель стипендияси ҳам таъсис этилган.

Ёш ижодкорларни илм-фан дарғаларига муҳаббат руҳида тарбиялаш, эзгуликни кенг ёйиш, бундай забардаст олимлар билан фахрланиш туйғуси билан вояга етказиш Швеция таълим тизимининг асосий бўғинини ташкил этади.

Ш.АҲМАТОВ

Андижон шаҳридаги политехника касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатининг мавзуси кўпчиликни қизиқтириши, табиий. "Маърифатпарварлар жамияти" вилоят бўлими, "Истиқболли авлод" ҳамда "Бўстон" нодавлат нотижорат жамиятлари томонидан уюштирилган ушбу тадбирда аёлларнинг турли йўллар билан хорижга олиб кетилиб, зўравонлик ва ёлғоннинг қурбонига айланиб қолаётганлиги муаммолари таҳлил этилди.

Тадбирга вилоят ички ишлар бошқармаси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда журналистлар таклиф этилди.

МАДАДКОРЛИК

"Истиқболли авлод" нодавлат, нотижорат жамияти директори ўринбосари М.Мирзараҳимова ташкилотнинг юқоридаги муаммо бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб берди. Ўз навбатида вилоятда ҳам бундай кўнгилсиз ҳолатлар учраб турганлиги, баъзан нопок кимсаларнинг ёлғон ваъдаларига ахлоқли қизларимиз ҳам алданиб қолаётгани қайд этиб ўтилди. Хорижда осонгина сармоя ишлаш ниятида кетганлар кейинчалик элчихоналар ва кўнгилли инсонпарвар ташкилотлар ёрдамидагина ўз юртларига қайтарилмоқда.

Йиғилганлар давра суҳбатида кўтарилган масалалар бўйича ўзларига тегишли хулосаларни белгилаб олдилар. Бу борада "Истиқболли авлод" жамияти ўз ёрдамини беришга тайёр эканлиги билдирилди.

О.СИДДИҚОВ

USAID
UNITED STATES AGENCY FOR INTERNATIONAL DEVELOPMENT

The PEAKS Project

OPEN SOCIETY INSTITUTE ASSISTANCE FOUNDATION

Buxoro, Toshkent, Farg'ona va Xorazm viloyatlari, Toshkent shahri va Qoraqalpog'iston Respublikasi maktablari diqqatiga!

USAID PEAKS loyihasi sizga yangi pedagogik texnologiyalar manbayi bo'lgan Kasbiy Taraqqiyot Maktablari bilan hamkorlik qilishga imkoniyat beradi.

PEAKS loyihasi mablag'i USAID (AQSh xalqaro taraqqiyot agentligi) tomonidan berilgan bo'lib, Ta'lim Taraqqiyoti Akademiyasi (AQSh), Ochiq Jamiyat Instituti Ko'mak Jamg'armasi, "Bolalarni saqlang" Ittifoqi (Buyuk Britaniya, AQSh) va Abt Associates (AQSh) kabi nufuzli xalqaro tashkilotlarning hamkorligida amalga oshirilmoqda.

PEAKS loyihasining maqsadi O'rta Osiyoda ommabop va sifatli ta'limni ta'minlashga ko'mak berish, maktab o'qituvchilari tarkibini kuchaytirish, zaruriy o'quv rejalari va dasturlarini ishlab chiqish, ota-onalar va boshqa fuqarolarni ta'lim jarayoniga keng miqyosda jalb qilish, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida mavjud bo'lgan imkoniyatlarini kuchaytirish hamda ta'lim muassasalari infrastrukturasini kuchaytirishdir. Loyiha doirasida mahalliy va mintaqaviy miqyosda peshqadam tajribalarni ilgari surish markazi bo'lib qoladigan eksperimental davlat maktablariga alohida e'tibor qaratiladi.

PEAKS loyihasi keyingi ikki yil davomida Buxoro shahrining 8-son maktabi, Olmaliq shahrining 5-son maktabi, Farg;ona shahrining "Parvoz" maktabi, Urganch shahrining 3-son maktabi, Toshkent shahrining 145-son maktabi va Nukus shahrining 21-son maktabi bilan bo'lgan o'qituvchilar va hamjamiyatning sifatli ta'lim borasidagi imkoniyatlarini oshirishga qaratilgan hamkorligingizni qo'llab-quvvatlaydi.

Loyiha doirasida Ochiq Jamiyat Instituti Ko'mak Jamg'armasi – O'zbekiston maktablar tanlovini e'lon qiladi. Tanlovda ishtirok etish uchun Buxoro, Toshkent, Farg'ona va Xorazm viloyatlari hamda Toshkent shahri va Qoraqalpog'iston Respublikasi umumiy ta'lim maktablari, o'qitish olib boriladigan tilidan qat'iy nazar, taklif qilinadi. Ayni paytda aytib o'tilgan hududlarning har birida tajriba "Kasbiy Taraqqiyot Maktablari" tayyorlangan, va ular malaka oshirish institutlari bilan birgalikda ushbu tanlov natijasida tanlab olingan maktablar uchun ta'lim seminarlarini o'tkazadilar. PEAKS loyihasi haqida qo'shimcha ma'lumotni viloyat va tuman maorif bo'limlarida, shuningdek, loyihaning tajriba maktablariga tashrif buyurganda olish mumkin.

Maktablar ochiq tanlov asosida tanlab olinadi. Maktablarni tanlash me'zonlari quyidagichadir: o'quvchilar ehtiyojlariga qaratilgan demokratik va innovatsion ta'lim printsiplariga sodiqlik, ochiqlik va maktablarning tajriba almashinuviga tayyorligidir.

Tanlovda ishtirok etish uchun quyidagi savollarga javoblar berilgan arizani yuborish lozim:

1. Maktabingizning kuchli tomoni deb nimani hisoblaysiz?
2. O'z maktabingizda nimani o'zgartirgan bo'lar edingiz?
3. Maktabingiz o'qituvchilari xalqaro tashkilotlar seminar-treninglarida ishtirok etganmi? "Ha" deb javob bergan bo'lsangiz, kim, qayerda, qanday tadbirlarda ishtirok etganlarini aytib o'ting.
4. "Maktab demokratizatsiyasi" deganda nimani tushunasiz?
5. Sizningcha, o'quvchilarga sifatli ta'limni ta'minlash uchun maktabga nima kerak?
6. Ta'lim sifatini yaxshilash borasida ota-onalar va jamoatchilik yordam bera oladimi? Qay ravishda? Misollar keltiring.
7. Maktab haqida rasmiy ma'lumotlarni bering (maktab pasporti bo'yicha), shuningdek, keltirmoqchi bo'lgan barcha ma'lumotni bering.
8. Sizning maktabingiz xalqaro tashkilotlardan yordam olganmi? To'liq ma'lumot bering.
9. Maktabingiz qay tarzda boshqa maktablar bilan hamkorlik qilishi mumkin?
10. Nega aynan sizning maktabingiz PEAKS loyihasi qatnashchisi bo'lishi kerakligini asoslab bering.

Tanlovda ishtirok etish uchun arizalar Ochiq Jamiyat Instituti Ko'mak Jamg'armasi – O'zbekiston idorasiga 2003 yil, 10 noyabr, soat 17:00 dan kechiktirmay yuborilishi kerak.
Ariza hajmi 8 bosma varaqdan ortiq bo'lmasligi kerak.
Tanlovdan muvaffaqqiyatli o'tgan maktablar 2003 yil noyabrining oxirigacha xabardor qilinadi.
ARIZALARNI YUBORISH UCHUN MANZIL: TOSHKENT SHAHRI, 700031, ZARBOG' KO'CHASI, 31
MUVOFIQLASHTIRUVCHI GO'ZAL SUBANOVAGA
(Mo'ljal: "Grand Mir Hotel" (sobiq "Rossiya") mehmonxonasi, "COSCOM", "ERICSSON" kompaniyalari idoralari)
Telefonlar: 120-54- 09/10/11/12, faks: (371) 120-68-54. E-MAIL: GUZAL@OSI.UZ

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»: МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 1-босқич ўйинлари қизғин давом этмоқда.

Темирйўл туманидаги 51, 33, Сиёб туманидаги 21, 5, Боғишамол туманидаги 24, 54, Самарқанд туманидаги 16, Жомбой туманидаги 23, 46 Оқдарё туманидаги 45-мактабларда ҳозирги кунда 1-4-синфлар ўртасида 1-босқич ўйинлари ниҳоясига етказилиб, 2-босқич ўйинлари давом этмоқда.

Вилоятнинг барча туман, шаҳарларида ўқувчиларнинг кузги таътил кунлари 1-4-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган финал мусобақаларини кўтаринки руҳда ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Шу билан биргаликда жойларда ҳозирги кунда телевизион "Қувноқ стартлар" мусобақасининг 1-2-босқич ўйинлари ҳам ўтказилиб, туман, шаҳар ғолиблари аниқланди.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

14-20 октябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбеда бўлиб ўтган Марказий Осиё ўйинлари (МОЎ) ўз ниҳоясига етди. Халқаро олимпия қўмитаси талаблари асосида ўтказилган ўйинларда мамлакатимиз спортчилари 38 та олтин, 39 та кумуш, 21 та бронза медалини қўлга киритди. Қувончлиси шундаки, тожик халқига бир ҳафталик улкан шодиёналарни туҳфа этган тинчлик ва биродарлик, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ларга ҳар томонлама ўрнак бўлди.

Мусобақа ташкилотчиларининг фикрича, қардош халқлар ўртасидаги бешинчи мусобақа кўтаринки кайфият ва юқори савияда ташкил этилди. Ушбу беллашув фақат медаллар учун кураш эмас, балки спорт орқали қардош беш халқни янада жипслаштиришда муҳим омил бўлди.

Айтиш лозимки, МО ўйинларидаги муваффақиятлар, ютуқлар юртимизда спортга давлат миқёсида хизмат қилаётган мазкур ўйинда ҳамюртларимиз якка кураш спорт турларида тенгсиз эканини намойиш этди. Айниқса, боксчиларимиз, эркин ва юнонрум курашчиларимизнинг тенгсизликлари, шов-шувли ғалабалари Душанбеда юртимиз жисмоний тарбия ва спорт салоҳиятини амалда яна бир марта исботлади. Бу эса Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонлик вакиллар эътибор берилаётгани туфайли қўлга киритилди. Тожикистон Миллий олимпия қўмитасида ўтказилган матбуот анжуманида иштирокчилар шундай фикрга келди. Мутахассис ва мутасаддилар юртимиз спортчиларининг ғалабаларини, шунингдек, Ўзбекистонда 3 босқичли спорт тизимининг яратилгани билан боғлади.

Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎзА мухбири

2002 йилда Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани ҳокимияти томонидан "NOZA ва TOM" хусусий фирмаси номига берилган юмалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1988 йилда Фарғона Давлат педагогика институти томонидан Хидоятова Дилфуза Хасановна номига берилган ПВ №846017 рақамли олий маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда жисмоний тарбия кафедраси жамоаси ушбу кафедра катта ўқитувчиси

Комила ЧИННИҚУЛОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Bir payt yigitning qarshisida go'zal bir bog' paydo bo'libdi. Bog'ning naq o'rtasida ajoyib bir qasr bor ekan. Ventsel qiziquvchanlik bilan bog' darvozasidan o'tib, ichkariga kiribdi.

Daraxt o'ziga o'zi dedi: bundan buyon yolg'iz emasman. Yomg'ir yog'maganida qushlar yonimga kelishmasdi, yana quyoshday yaxshi do'stim bor.

ҚУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

ОЛТИН НАЙ

(Немис халқ афсонаси)

Қачонлардир қувноқ мусиқачилар гуруҳи Богемия бўйлаб саёҳатга чиққан эди. Улар орасида ёшгина бир йигит ҳам бўлиб, уни най чалувчи Венцель деб аташарди. Камбағал оиланинг фарзанди бўлган бу йигит найи ёрдамида бир амаллаб рўзғор тебратарди. У истеъдодли ва ғайратли эди. Гуруҳга яқиндагина қабул қилинганига қарамай, найни жуда яхши чаларди.

Саёҳат давомида мусиқачилар баланд тоғ этакларига етиб келишганда, Венцель болалигида бобосидан эшитган "олижаноб тоғ руҳи" — Рюбецал ҳақида ўйлай бошлабди. "Рюбецал Богемиядаги тоғ этакларида яшайди", деган эди бобоси. "Йўлдан адашганлар, муҳтожларга у ёрдам беради, ёмон одамларга эса ҳар хил кулфатлар келтиради. Рюбецал билан учрашишни астойдил хоҳлаган киши, албатта, бу ниятига етади. Тойчоғим, мабодо унга дуч келиб қолсанг, зинҳор ёлғон сўзлама, самимий бўл! Акс ҳолда, оқибати хайрли бўлмайди."

Шундай қилиб, Рюбецал билан кўришиш истаги Венцелга болалигидан тинчлик бермасди, лекин ўз истакларини ҳамроҳларидан пинҳон тутган эди. Бир куни тунда Венцель, ўртоқлари қаттиқ уйқуга кетишгач, оҳиста ўрнидан туриб, тоғ томонга йўл олибди. У узоқ йўл юрибди. Бу орада тонг ҳам отибди. Бир пайт йигитнинг қаршисида гўзал бир боғ пайдо бўлибди. Боғнинг нақ ўртасида ажойиб бир қаср бор экан. Венцель қизиқувчанлик билан боғ дарвозасидан ўтиб, ичкарига кирибди. Шу пайт қасрдан чиройли кийинган бир киши чиқиб келибди.

— Сен кимсан? Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Мен бир камбағал най чалувчиман, дунё кезиб юрибман, — дебди қўрқиб кетган Венцель.

— Агар сен моҳир чолғувчи бўлсанг, марҳамат, ичкарига кир! Мусиқа — менинг жону дилим, — дебди илтифот билан мезбон.

Табиийки, Венцель ўзини яхши най чалувчи деб ҳисобларди. Шунинг учун у ҳеч иккиланмай найини олиб, қувноқ бир куйни завқ билан чала бошлабди. Ниҳоят, Венцель куйни чалиб бўлибди, лекин мезбондан олқиш ва мақтов бўлмабди, аксинча, у жимиб қолибди. Бироздан сўнг эса йигитга "орқамдан юр" дегандай ишора қилибди. Икковлон боғни оралаб фавворалар ёнига келишибди. Бу ердаги мармар курсилардан бирида келишган, озода бир бола ўтирар, унинг қўлида олтин най бор эди. Қаср соҳибининг буйруғи билан бола най чала бошлабди. Венцель бундай гўзал мусиқани умрида эшитмаган эди! У ҳайратга тушибди ва тушунибдики, ҳақиқий санъатдан ҳали анча йироқда экан. Хўжайин: "Хўш, ким яхшироқ чалар экан? Сенми ёки бу болами?" — деб сўраганида у уят ва ўкинч билан: "Менимча, бу бола даражасида чалиш менга ҳеч қачон насиб қилмаса керак", деб жавоб берибди.

Шундан кейин Венцель таъзим қилиб, кетиш учун ижозат сўрабди. Қаср соҳиби эса унга меҳр билан тикилиб, шундай дебди: "Сендаги тўғрисўзлик ва камтарлик таҳсинга сазовор! Менинг ишончим комил — сен ажойиб созанда бўлиб етишасан! Бу ишда сенга мана бу олтин най ёрдам беради. Ма, ол! У сенга бахт келтиради!" Венцелнинг боши кўкка етибди. Найни қопчасига солиб, қайта-қайта миннатдорчилик билдирганча ўз йўлида давом этибди.

У бир неча юз қадам юргач, қасрга сўнгги бор назар солиш мақсадида орқасига бурилибди. Во ажаб! Бу қандай синоат бўлди! Қаср ҳам, боғ ҳам ўрнида йўқ эди. Уларнинг ўрнида қалин бутазор пайдо бўлган, гўё ҳеч қачон бу ерда қаср ва боғ бўлмагандек. Венцель орзуси амалга ошиб, тақдир уни Рюбецалга рўбарў қилганини тушуниб етибди. Қопчасидан олтин найни олиб, "олижаноб тоғ руҳи" шарафига чала бошлабди. Унинг ишончини оқлаш йўлида қўлидан келган барча ишни қилишга ўз-ўзига сўз берибди.

Ўз юртига қайтиб келган Венцель олтин най чалиб, тез орада шуҳрат қозонибди. Турмуши ҳам яхшиланиб, бойлиги кун сайин орта бошлабди, лекин аввалгидек камтарлигича қолибди. Аслида унинг бахти ҳам шунда эди: башарти, Венцель бойликдан кеккайганида, олтин най ўз кучини йўқотмоғи муқаррар эди.

Немис тилидан ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси Ойбек МЎМИНОВ таржима қилди.

«НАФОСАТ» — ДЎСТЛИК УЧРАШУВИ

Anjuman

Шеърият — сержило чашма. У янги сўз яратиш санъатидир. У ҳаётнинг бутун бор кўринишини, реаллигини бадиий бўёқлар, бадиий тасвирлар орқали акс эттиришдир. Шеърият бу адабий жанрлар орасида энг гўзали ва дилрабоси. Шеърият — гўёки қайнар булоқ. Ундан минглаб мухлислар баҳра оладилар. Шоирлар ўз туйғулари, ҳиссиётлари орқали халқ орасига кириб меҳр, садоқат уруғини сочадилар. Шеърият остонасига энди кириб кечинмаларини оқ қоғозга ёш ижодкор-лаётган, қалб кечинмаларини ёш ижодкор-туширaётган эътибор бе-ларга тобора аҳамиятли бо-риш ҳам бормоқда. Ойлар-ятли бўлиб тиқлол йилларидан бошлаб Жумладан, ис-ўтказиб кесат" — ёш линаётган "Нафосат" — ёш ижодий учрашуви қаламкашларнинг фикримизнинг ёрқин далилидир.

Халқ таълими вазирлигига қарашли республика ўқувчилар саройида анъанавий "Нафосат — ёш қаламкашларнинг ижодий учрашуви" ўзгача руҳда ўтказилди. Ушбу дўстлик ижодий учрашувига Республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасидан келган ўқувчилар ва ўқитувчилар қатнашишди. Ҳар бир ҳудуддан келган ёш ижодкорлар ўзларининг соф туйғуларга тўла ватан, она, маҳалла ишқи руҳида ёзилган шеърлари, тўртликлари билан йиғилганларни мафтун этишди. Ушбу мушоира учрашувида ҳайъат аъзолари — Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, Икром Отамурод, "Синфдош" журнали бош муҳаррири Азиз Саид, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Тоира Султоновалар ёш ижодкорларнинг ижодларини холис, муносиб баҳолаб бордилар. Тадбир сўнгида сўзга чиққанлар, бу қалби қайноқ ёшларимиз мустақил Ўзбекистонимиз келажаги учун хизмат қиладиган шоир, адиб бўлиб етишишларига ишонч билдирдилар. Анжуман якунида иштирокчиларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Дилмурод СОДИҚОВ, "Ma'rifat" мухбири

Нушин АШРАФЗОДА

ЁМҒИР

эртак

Катта дарахт чўл ўртасида ёлғиз ўсарди. Унинг кўп барглари сарғайди. Дарахт жуда чанқади, чунки анчадан буён ёмғир ёғмаганди. Бу вақт ичида биронта қуш ҳам унинг ёнига келмади. У осмонга қаради. Кўкда ҳатто бир парча булут ҳам кўринмасди. Агар бир неча кун ёмғир ёғмаса, у қуриб қоларди. Томирлари имкон қадар ер тубига интиларди.

Дарахт шиддат билан ёққан ёмғирли кунларни эслади. Ер ҳам сувга тўлиб тошганди. Унинг илдизлари тўйиб-тўйиб сув ичишганди. Ёмғирдан сўнг қушлар унинг шохларига қўнишиб, у билан сўзлашардилар. Баъзан ёмғир жуда кўп ёғиб, дарахт тагида кичкина сой пайдо бўларди.

У яна осмонга қаради. Қуёш бор кучи билан ерни қиздирарди. Дарахт қуёшга деди:

—Иссиғингни камайтиролмайсанми? Мен жуда чанқаб кетдим.

Қуёш деди:

—Мени кечир, нурларимни камайтира олмайман. Оламни иситишим керак. Сен безовта бўлма. Агар озгина сабр қилсанг, булутлар келиб, ёмғир ёғади. Мен уларни кўряпман.

Шу пайт осмон бироз қоронғулашди. Қуёш юзини булутлар қоплади. Бироздан сўнг жала қуя бошлад. Чанқаган дарахтнинг барглари сувга сероб бўлди. Ер ҳам сувга тўлди.

Бир неча кун осмон булутли бўлиб, қуёш кўринмади. Булутлар тарқаб, яна қуёш пайдо бўлди. Қуёш дарахтдан ҳол-аҳвол сўради. У тўйиб сув ичганини, кайфияти ҳам яхшилигини айтди.

— Булутларнинг ёмғирга қандай айланишини биласанми?

— Ҳа, биламан. Мен булутларни яхши кўраман. Дарё ва денгизларни қиздирганимда уларнинг сувлари парланиб булутларга айланади. Ҳаво совиганда, улар яна сувга айланиб, ёмғир ёғади.

— Демак, булутлар ва ёмғир сен туфайли пайдо бўлишаркан-да. Дарахтлар, гуллар, одамлар, ҳайвонот дунёси сувга сероб бўларкан.

— Сен жуда ақлли дарахт экансан.

— Мен ҳамма нарсани билишни хоҳлайман. Сен ҳам доно экансан.

— Қел, бир-биримиз билан яхши дўст бўламиз.

Шу пайт узоқдан бир гала қушлар кўринди. Улар дарахт томон учиб келиб, унинг шохларига қўнишди. Дарахт ўзига ўзи деди: бундан буён ёлғиз эмасман. Ёмғир ёғмаганида қушлар ёнимга келишмасди, яна қуёшдай яхши дўстим бор.

Форсийдан Бахриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.

Xullas...

МАҚСАД — 200 ЙИЛ УМР КЎРИШ

Молдованинг Окница шаҳарчасида Олег Абрамов деган 61 ёшдаги киши яшайди. Уни танимаган, билмаган одам сира ҳам унга шу ёшни бермайди, 30-35 ёшларда бўлса керак, деб тахминлайди. Аммо у, юқорида таъкидлаганимиздек, 62 га қараб кетаётган мўйсафид.

Хўш, унинг ёшига нисбатан навқирон кўринишига сабаб нима экан?

Олег Абрамов ўсмирлик давридан бошлаб мускулларини чиниқтириш билан овора. Ҳар куни ерталаб роппароса бир соат бадантарбия машқларини қилишдан эринмайди. Ҳафтасига икки-уч марта ўзини-ўзи уқалашга ҳам вақт топади. Қисқаси, Олегнинг ҳаёти, гўёки бир хил ритмда, ҳамиша ҳар бирига вақт топади. Шу боис у ҳозирга қадар ҳеч қандай касалликка чалингани йўқ.

Абрамовнинг соғликни асраб-авайлаш усули космонавтлар тайёрлаш маркази ходимларини ниҳоятда қизиқтириб қолди. Олег эса уларга ярим ҳазил, ярим чин оҳангда, ўзини асрашга астойдил уринган киши 200 йилгача умр кўриши мумкин, деб жавоб қилади.

Бу фикрнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигини Олегнинг қанча умр кўриши исботлайди.

ИЧУВЧИЛАР ЖОНГА ТЕГДИ

Пенза шаҳридаги кўчалардан бирида ноодатий эълон пайдо бўлди: «Ичувчилар ва уларнинг шишадошлари подъездда ёки яқин атрофда думалаб ётса, ўзининг нохуш хатти-ҳаракатлари билан асабга тегса, жамоат ишларига жалб қилинади. Туман ички ишлар бўлими».

Аслида милициянинг бу эълон билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Афтидан, бу — кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг ташаббуси бўлса керак. Маҳаллий матбуотда тарқатилган хабарга кўра, воқеани ўрганишга қизиққан журналистлар ташрифидан сўнг бу ерда милиция ходимлари ҳам ҳозиру нозир бўлишган. Соғлом муҳитни қарор топтиришга қаратилган ташаббус ўз-ўзидан амалга ошмаслигини, балки бунга ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари аралашуви зарурлигини кўпчилик шундагина англади.

БЎРИ БЎРИЛИГИНИ ҚИЛАР ЭКАН...

Йиртқич ҳайвонларни овлаш билан шуғулланадиган Сергей она бўрини отиб, ўз уйига қайтар экан, йўлда кишининг раҳмини келтирадиган даражада чийиллаётган бўричага дуч келди. Сергей уни қопга солиб, уйига келтирди.

Уй ҳайвонлари орасида ўсиб катта бўла бошлаган бўри боласини Сергей ҳеч қачон овга олиб чиқмас эди. Йиртқич кун сайин тўлишиб, уйдаги ва қўшни ҳовлидаги итлар билан олишувни авжига чиқара бошлади. Хўжайин уни овлоқ бўлган дала ҳовлисига элтиб ташлашга мажбур бўлди. Аммо кўп ўтмай дала ҳовлига яқин жойда турувчи кишиларнинг уй ҳайвонларига «ҳужум» бошланди.

Бўри бўрилигини қилар экан, яхшиси уни ўз маконига элтиб ташлаш керак, деган хулосага келди Сергей ва уни бир амаллаб ўрмонга элтиб ташлади.

ana shunaqa gaplar

Ko'ngil bitiklari

***

Фурсати шом. Жўнади кундуз
Офтобини киссага солиб.
Олма каби тўлишган, тиниқ
Ой кезади осмонда ғолиб.
Қўлларимни қилганча ёстиқ
Ўй сураман:
Дунё — тасқара.
Умр — елдек, умр — шамолдек,
Қилаверар мени масхара.

Мен ёлғизман, кўнглим
мендан ҳам,
Буни ўзим биламан бугун.
Вужудимни эзғилаб, янчиб,
Қабоғимга осилади тун.

Афсунгар тун кетади кулиб,
То тонггача етмайди бардош.
Мен кимнидир топдим деганда
Кипригимдан тортади қуёш.

***

Зўр бўлсам...
Зў-ўр мусаввир бўлсам,
Бўёқлари илоҳий-асл.
Чиза олсам туйғулар расмин:
Мана бу — ғам, буниси — ҳазил.

Юрагимда тинмаса илҳом,
Тангрим берса бори журъатин.
Осар эдим ромга бемалол
"Зарда" дея эшик суратин!

Сўнг сен келсанг —
"Севги-чи, севги?!"
Эҳ, мен қандай бахтга тўлардим.
Гар билсайдим, билсайдим ўзим,
Фақат севги,
Севги расмин чизган бўлардим.

***

Ҳозир сизга сўз очмоқ бекор,
Муҳаббатдек нафис туйғудан.
Мушкул, сизни уйғотмоқ душвор
Ғурур отли оғир уйқудан.

Ҳозир сизда бари мужассам —
Ўзингизни ҳурдек биласиз.
Юрагимни юлиб узатсам
Телба атаб ҳузур қиласиз.

Ҳозир сизга ён босар фурсат,
Менга алам қилгани ҳам шу.
Аммо етар, аҳён бир кўрсам,
Ўлмаганман, яшаяпман-ку!

Ҳозир сизга жим эгаман бош,
Тошбағир деб атамасман ҳеч.
Ҳали биздан чиқади қуёш,
Афсус, унда... кеч бўлади, кеч!

Исроил ЎРИНБОЕВ, Олтиариқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи тарбиячиси

КЎНГИЛГА ТАЪРИФ

Инсон қалби шунчалар кенгки,
Қиёслагум уни уммонга.
Баъзида у шундайин торки,
Қиёслагум гоҳи зиндонга.
Инсон қалби шунчалар рангин,
Унда қанча туйғу яширин.
Сен қанчалар уринмагин ҳеч
Билолмассан улар ҳар бирин.
Инсон қалби шунчалар тубсиз,
Етолмагай ҳатто зўр ғоввос,
Инсон қалби шунчалар нозик.
Эҳтиёт бўл, ғоввос, илтимос.
Қалб тубига шўнғиган маҳал
Торларини юборма узиб,
Узилган тор қайта уланмас.
Инсон шундай ажиб бир ҳилқат,
Ўхшашини топмадим абас.

Масъуда АСҚАРОВА, Чилонзор туманидаги 496-болалар боғчаси тарбиячиси

УМР ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

Бу дунёга минг турли одам,
Тинмай келиб кетаверади.
Гоҳо ғамли, гоҳо қувончли,
Умр давом этаверади.

Кеча гулгун очилган ғунча,
Бугун қуриб битаверади.
Чаман чўлга айланса ҳамки,
Умр давом этаверади.

Ким кўксида кек сақлаб қирқ йил,
Ҳасад билан ўтаверади.
Гоҳ ҳасад қил ва гоҳи ҳавас,
Умр давом этаверади.

Ҳаммагамас, иймонлиларга,
Ҳаёт толе тутаверади.
Кимдир дардманд, кимдир соғ-омон,
Умр давом этаверади.

Ғаму қувонч азал ёнма-ён,
Барчаси ҳам йитаверади.
Савоб ишлар қолгуси фақат,
Умр давом этаверади.

Ҳижрон ўтар, бахтсизлик ўтар,
Дил яраси битаверади.
Тушкунликка тушма, эй, Йўлдош,
Умр давом этаверади.

ТОҒЛАР

Тоғлар бунча ўктамсиз,
Сизлар ғурур тимсоли.
Қадди адл кўркамсиз,
Баҳодирлар мисоли.

Гарчи осмон оташда,
Доим қолди бошингиз.
Менга жондек туташ-да,
Ҳар бир қайроқ тошингиз.

Асрларнинг ғубори
Бағрингизни кўмгандир.
Ҳув, чўққилар виқорли,
Оғир ўйга чўмгандир.

Вазминсиз жойингизда,
Сизга очдим қулочим,
Гуллайди пойингизда
Ватаним — гўзал очун.

Йўлдош ТОЖИБОЕВ, нафақадаги муаллим, Қибрай тумани

Ҳурматли инглиз тили мухлислари!

31 августдан эътиборан Ўзтелерадиокомпаниянинг Халқаро телеканалида "Инглиз тили курси" намойиш этилаяпти. Ушбу кўрсатув American Councils, Америка Қўшма Штатлари Элчихонаси ҳамда UzPAK билан ҳамкорликда тайёрланган. Дастур 20 та кўрсатувдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан (Урганч, Бухоро, Фарғона, Тошкент) АҚШда таҳсил олиб келган инглиз тили муаллимлари янги методикани қўллаб, дарс олиб бормоқда. Курс якунида, 2004 йилнинг 11 январь куни энг фаол талабалар АҚШ Элчихонаси томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланадилар.

Курс саволлари "Маърифат" газетасида ҳамда www.di.uz интернет сайтида ҳар ҳафта эълон қилиб борилаяпти. Марҳамат, саккизинчи дарс саволларини ёзиб олинг:

1. Write what professions our students have chosen.
2. How should you behave at the interview?

Жавобларингизни Тошкент 700011, Навоий 69, ТВ-4 "Инглиз тили курси" дастурига ёки uztv-4@uzpak.uz манзилига юборишингиз мумкин.

«BILIM MASKANI»

1. Maktablarda alohida o'quv yilini o'z ichiga olgan har bir pog'ona. 2. Materiyaning xususiyati va harakati qonunlarini o'rganuvchi fan. 3. Yopiq egri chiziqli shakl. 4. Jo'g'rofiyadan o'quv quroli. 5. Tilshunoslik bo'limi. 6. Trigonometrik funksiya. 7. Salomatlik va barkamollik asosi. 8. Ilmni sinash usuli. 9. Gapdagi ikkinchi darajali bo'lak. 10. So'zlarni to'g'ri yozish qoidalari. 11. So'z turkumi. 12. Kesim vazifasida «zarur», «lozim» kabi ma'nolarni ifodalovchi so'z. 13. Borliq qonunlarini o'rganuvchi fan. 14. Bilim asosi. 15. Taraqqiyot asoslari poydevori. 16. Dars beruvchi mutaxassis. 17. Hisob ilmi yoki ona tilidan topshiriq turi. 1. Har qanday ikki nuqtani tutashtiruvchi to'g'ri chiziq kesmasi butunlay o'ziga tegishli bo'lmagan geometrik jism. 19. Masalani hal etishda amal qilinadigan tartib. 20. Eng birinchi darslik. 21. Masala isbotining javobi. 22. Ustoz, tarbiyachi. 23. Vaqt o'lchovi. 24. Qo'llanilayotgan yozuv turi. 25. Amaldagi so'zlashuv jarayonidagi til. 26. Vatanimizda iqtisodiy kibernetika asoschisi, atoqli olim. 27. Elektr quvvati birligi. 28. Ilm-fan, kasb-hunar sohalari bo'yicha egallanishi zarur bo'lgan ma'lumot. 29. Oddiy kasrdagi ko'rsatkichlardan biri. 30. Sinfning darslar qayd etiladigan hujjati. 31. Chizg'ich turi. 32. Axloq me'yorlarini o'rganuvchi fan. 33. Matematik hisobning har bir turi. 34. Tajribalar o'tkaziladigan xona. 35. Matematika fani sohasi. 36. Kishilarning jamiyatga xos xulq me'yorlari majmui. 37. Tinish belgisi.

«HIKMATLAR» MUAMMONOMASI

Quyidagi misralarda keltirilib, raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib, ochqichni hal eting.

1. Habibiy: Jahonda ilmu fanning koni maktab,
Tuganmas koni bepoyoni maktab.
6, 20, 21, 3, 9, 9, 3, 1 qilsa kim ilmu hunarga,



CHAYNVORDI

Shirin jon birla teng jononi maktab.

2. Abdurahmon Jomiy: Shunday edi doim bilim tavozu,
Ustoz ta'limidan yashnaydi orzu.
Bir kishi dediki: «Bunda ne sir bor,
Otadan 20, 13, 1, 8, 17, 10, 3 ta'ziming bisyor?»
Dedi u qorishdi suv bilan 5, 8, 12, 2, 6,
Bunisi jon-dilim o'stirdi doim.
Bundan tanam bo'ldi jonga mezbon,
Undan abadiylik topdi ushbu jon.

3. Avaz O'tar: Ochinglar millati vayronni obod etgusi maktab,
O'qisin yoshlarimiz, ko'nglini shod etgusi maktab.
Dilu jon birla el maktab ocharg'a 2, 23, 14, 2, 21, 8, 14 etsun,
7, 19, 14, 2, 7, 4, 2, 6 bizni g'am-qayg'udan ozod maktab.

4. Hamza Hakimzoda: Maktab bizni bog'imiz,
22, 3, 24, 7, 20. Shavkat tojimiz. O'quv yozuvidan u etar,
Har ishda rivojimiz.

5. Sa'diy Sheroziy: Yubordi o'g'lini maktabga podshoh,
Qilib ko'ngliga nuhra taxtacha jo.
Kumush ul taxtaga zardin bitib yod.
«Ota mehridan 3, 16, 17, 3, 5 jabru ustod».

6. Erkin Vohidov: Bir kun tongda 8, 18, 18, 8, 15 sochingiz tarab,
Dilingiz 22, 8, 10, 2, 11, 14, 5, 2, 4 vaqtin qo'msaydi.
Aytasiz havaskor o'smirga qarab,
«Oh, sening yoshliging menda bo'lsaydi...»

Endi ochqich javoblari asosida shakldagi yashiringan atoqli shoir G'afur G'ulom merosiga mansub yana bir hikmatni bilib oling.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-925.
Тиражи 19852. Г. 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи: Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда
Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —21.00